

496
1983/11




ГУЛИСТОН
11
1983



Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия билан халқнинг бирлиги, улуф Ленин васиятларига садоқат — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

«КПСС Марказий Комитетининг Улуф Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига Чақириқлар»идан.



ИПАК ПАХТА ИСТИҚБОЛИ

Садриддин ЙУЛДОШЕВ,

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти, академик

«Ипак пахта» тўғрисида эшитмаган киши топила- маса керак. Унинг толасидан маркизет, батист, зефир, чиройли креплар, шунингдек, эркаклар, хотин-қизлар учун замонавий кўйлақлар, костюмлар ва бошқа ки- ним-кечаклар тикишга мўлжалланган юқори сифатли газламалар ишлаб чиқарилади.

Халқ фаровонлигининг муттасил ўсиб бораётгани туфайли «ипак», яъни ингичка толали пахтага бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортмоқда. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, мамлакат бўйича йилга 1,4—1,7 миллион тонна ипак пахта талаб қилинади. Ваҳолан- ки, уни етиштириш йиллик ҳажми ҳозирча 1 мил- лион тоннага яқин. Унинг қарийб 40 процентини Уз- бекистон етиштириб бермоқда.

Урта Осиёнинг бошқа республикаларидаги каби, Узбекистонда ҳам ипак пахта етиштириш ленинча аграр сиёсатининг тантанаси туфайли мумкин бўлди. Зеро, Октябрь инқилобига қадар бундай пахта етиштирилмасди.

Ингичка тола берадиган гўза «госсипиум барба- дензе» ёки «барбадос гўзаси» деб аталади. У Жа- нубий Америка мамлакатларида аксари кўп йиллик экин сифатида ўстирилади.

XVIII асрда АҚШ жанубида бу турнинг «Си-Ай- ленд» номи билан маълум бўлган бир йиллик фор- маси вужудга келтирилди. Мазкур форма толаси энг узун [60 миллиметрча], айна вақтда энг ингичка эди.

Жанубий Америка мамлакатларида ўстириладиган барбадензе турига мансуб баъзи навлар эса, аксин- ча, узун, аммо жунсимон дағал тола беради. Ушбу тур гўзалар ичида гоёт ингичка ва узун толали формалар ҳам бор. Кейинчалик гўзанинг мазкур нави Мисрдан келтирилди.

1863—1865 йилларда бу гўзанинг табиий равишда аралашиб кетган ва чатишган авлодларидан «Ашму- ни» нави яратилди. Бу нав толасининг узунлиги, ингичкалиги, майинлиги, пишқилчи билан бутун дунёга «Миср пахтаси» номи билан машҳур бўлган кейинги навларнинг ибидоси эди.

Совет Урта Осиёси территориясида пахтачилик бошланган вақтга оид аниқ маълумотлар йўқ. Баъзи бевосита ва билвосита тарихий маълумотлар бу ер- ларда пахтачиликнинг бошланishi узоқ ўтмишга бориб тақалади, деб ҳисоблаш имконини беради. Аммо ипак пахта Урта Осиёда экинлар қаторига дастлаб Октябрь революциясидан кейин киритилган. Совет селекциядчилари бу нав гўзанинг Урта Осиё шароитларида энг тез етиладиган ва серҳосил на- вларини яратдиларини, улар совет ингичка толали на- влари номи билан машҳурдир.

Совет селекциясига мансуб навлар тола сифати [узунлиги, ингичкалиги ва пишқилчи] жиҳатидан

Миср гўзасининг оригинал навларидан қолишмайди.

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатимизда ингичка толали пахта навлари етиштиришни кўпайтириш тў- грисида доимий ғамхўрлик қилиб келишмоқда. Ин- гичка толали гўзанинг кеч етилиши сабабли дастлаб- би вақтларда унинг чигити парникларда кўчатириб олинди, сўнгра кўчати очиқ далага кўчириб ўтқа- зилди. Шу мақсадда кўчатларни кўчириб ўтқазиш билан шугулланувчи махсус муассаса ташкил этил- ганди. Парник хўжаликлари, махсус совхозлар барпо қилинди. Ингичка толали гўза кўчатлари ўстиришга ва уларни очиқ майдонга кўчириб ўтқазишга кўплаб аҳоли жалб қилинарди. Бу кўплаб кўл меҳнати талаб қиладиган гоёт машаққатли иш эди.

Ингичка толали гўзаларни ҳар томонлама ўрга- ниш ва уларни, асосан, селекция йўли билан маҳал- лий шароитларга мослаштиришга доир илмий тадқи- қот ишлари бошлаб юборилди.

1925 йили Д. Н. Самаркин ва К. И. Цинда Турк- манистондаги Иолотан тажриба станцияси даласида илмий кузатишлар олиб боришди. Миср гўзасининг қарийб барча мавжуд нав ва формалари чўқур ўрганиб чиқилди. Тажрибалар шунини кўрсатдики, Миср гўзасининг баъзи навлари яхши агротехника кўпланганда, эрта мuddатларда экилганда, барвақт етилиши ва яхши ҳосил бериши мумкин экан. Улар асосида 1926 йили Байрамалдаги пахтачилик совхо- зи базасида Туркистон селекция станциясининг фи- лиали ташкил қилинди. Селекционер А. И. Автоно- мов ва агроном М. Ф. Кожакин филиалнинг биринчи ходимлари эдилар. Улар мамлакатимизда дастлабки ингичка толали гўза селекциясини ташкил этишди.

Бирмунча кейинроқ ингичка толали гўзани узлаш- тиришга доир ишлар Тожкистонда — Вахш водий- сида бошланди. Жиликўлда бу ишлар Қўрғонтепа пахтачилик совхозининг янги ташкил этилган тажриба даласида давом эттирилди. Бу ишларни агроном А. Артёмов ва селекционер В. П. Красичков бош- қардилар. Қисқа мuddатда ингичка толали гўзанинг тезпишар, серҳосил, толасининг сифати четдан кел- тирилганлардан кўра яхши бўлган навларини яра- тиш вазифаси қўйилди.

1932 йили Урта Осиёда ингичка толали гўза қар- ииб 50 минг гектар майдонда ўстирилди. Тегишли навлар йўқлиги ва агротехниканинг пастлиги туфайли ниҳоятда кам — ҳар гектардан 2—6 центнердан ҳо- сил олинди.

1933 йилда уруғчилик хўжаликларининг бутун бир системаси ташкил этилди. Ана шундан кейин экила- ридан чигитлар асортименти ва сифати яхшиланди, ҳосилдорлик ошди.

Чунончи, СССРда Миср гўзаси селекциясини бош- лаб берган А. И. Автономов Туркистон селекция станциясининг Байрамалдаги филиалидаёқ ориги- нал Миср гўзасининг «Ашмуни» навидан индивидуал танлаш йўли билан янги селекцион навлар яратди.

1931 йили ана шу янги нав чигитлари Тошкент яқинидаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Марказий селекция станциясида экил- ди. Улар «35-1», «35-2», «35-3» ва бошқа навларга асос бўлди. Масалан, «35-1» нави «Ашмуни 0670»га нисбатан ҳосилдорлик бўйича 40 процент ошунлиқ

қилди, 12 кун эрта етилди, толаси 35—37 милли- метр узун бўлди, 32—33 процент кўп тола берди.

Иолотан тажриба станциясида ингичка толали гў- занинг мазкур навини [асосан Жанубий Туркменистон шароитлари учун] селекциялашга асос бўлган муҳим натижаларга эришилди. Бу эрта селекционерлардан А. И. Эммануилов ва К. И. Цинда, бирмунча кейин- роқ В. Г. Кулебаев, Т. К. Таганов томонидан ингичка толали гўзанинг «1201И», «1820И», «348И», «910И», «151-И2», «2И3», «2963И» ва бошқа янги, тезпишар, серҳосил навлари яратилди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институ- тининг ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ёрда- мида А. И. Автономов 1948 йилда ингичка толали гўзанинг йирик кўсақли, фузарноз вилгига юқори даражада чидамли, тезпишарлиги бўйича ингичка толали гўзанинг «2И3» саноатбоп навиға яқин бўлган «10964», «2836», «2350» каби янги совет навларини яратди. Улар районлаштирилиб, кўплаб майдонларда ўстирила бошланди.

Шундан кейинги йилларда яратилган ингичка то- лали гўза навларининг турри анча ўзгарди, улар мисрлик «авлодлари»га қараганда ўрта ҳисобда қар- ииб 30 кун эрта етиладиган бўлди. Узбекистон, Тожкистон ва Туркменистонда районлаштирилган ингичка толали навлар кўсақининг вази ошди, пах- тасининг сифатлари яхшиланди. Совет ингичка толали пахта навлари толасининг узунлиги 38—48 милли- метр атрофида бўлди. Тола тарихида ёғсимон мод-

(Давоми 8-бетда)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий журнали

№ 11 (405)

Ноябрь

1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг наشريети





Республикамиз пойтахти жонажон Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги ва шаҳарга Ленин ордени топирилишига бағишланган тантанали мажлис президиуми.

Л. Гусейнов ва В. Молгачев фотоси

ТОШКЕНТНИНГ ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАЛАРИ

Ўзбекистон пойтахти турли халқаро анжуманлар, олимлар, адабиёт ва санъат арбобларининг учрашувлари ўтказиладиган анъанавий жой бўлиб қолганлигидан фахрланамиз. Бу ерда «Тошкент руҳи» вужудга келди. «Тошкент руҳи» тинчлик ва дўстликни, тараққиёт ва ҳамжиҳатликни мужасамлаштиради.

Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган йилги қатнашчиларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Юрий Владимирович АНДРОПОВга йўллаган табрикномасидан.

Тошкент шаҳри 2000 йиллик тарихий йўлни босиб ўтди. Бу давр ичида у қанчадан-қанча суронларни, юксалиш ва инкирозларни бошдан кечирмади, дейсиз. Лекин ҳеч қачон бугунгидай шон-шухратга, бугунгидай нуфузга, бугунгидай кўрүк салобатга муяссар бўлмаган, албатта. Улуғ Октябрь инқилоби бутун тараққиёпарвар инсоният тарихида, мамлакатимиз, шу жумладан, Тошкент тақдирини буюк бурилиш ясади. Тошкент инқилобдан кейинги қисқа муддат ичида ўзи йигирма аср давомида эришган муваффақиятлардан кўпроқ галабаларни қўлга киритди, десаки, муболаға эмас.

9 сентябрь! Бу кун Тошкент шаҳри ҳаётини энг ажойиб, энг тантанали, энг унутмас саналардан бўлиб қолади. Ахир, шу кун Тошкент учинчи минг йилликка қадам қўйди! Ахир, шу кун шаҳарнинг энг кўркам ва муҳташам биноси — В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида унинг иккинчи минг йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш очилди. Шу кун 1924 йил Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган Тошкент шаҳрига Ватанимизнинг яна бир юксак мукофоти — Ленин ордени топирилди! Ленин орденини гулдурас давоми қарсақлар остида Тошкент байроғига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов қадаб қўйди.

Тошкент шаҳри бу тантанали ва ҳаяжонли дамларини ҳеч қачон унутмайди. Шу кун унинг йигирма асрлик тарихи эсланди. Асримизда, Улуғ Ок-

тябрь революциясидан кейинги, айниқса сўнгги йилларда эришган муваффақиятлари ўқтирилди. Тошкент шаҳри байрами халқлар дўстлиги байрамига айланиб кетди. Бинобарин, бунинг Ш. Р. Рашидов Тошкентнинг 2000 йиллигига ва шаҳарга Ленин ордени топирилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаб ўтди:

«Ўзбекистон пойтахтининг 2000 йиллик юбилейи — мамлакатимиз барча халқлари дўстлигининг ёрқин байрамидир. Бу юбилейнинг байрам қилиниши — социализм жаҳоншумул тарихий галабаларининг, КПСС ленинча миллий сиёсати, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар мустақкам қардошларча дўстлиги буюк яратувчилик кучининг намойишидир.

Шу тантанали дамларда биз янги турмуш қурилишида республика меҳнаткашларига берилган қардошларча ёрдам учун жонажон Ленин партиясига, улуғ рус халқига, кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг барча халқларига чин кўнгилдан қизгин миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат этамиз.

Шаҳарларга берилётган мукофотлар — уларнинг ор-номусини, шон-шухрати ва улугворлигини вужудга келтираётган мукофотдир. Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиш Тошкент бунинг мисолидир. Тошкент тарихида ўзбек халқининг ва Урта Осиёдаги бошқа халқларнинг азалий моддий ва маънавий маданияти бойликлари мужассамлашган, унинг тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисмидир».

Тошкент тақдирини жаҳон тақдирини билан чамбарчас боғлангандир. Бу унга

жаҳон халқлари томонидан берилган таърифларда ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, Тошкентнинг таърифи кўп, санаб саноғига етолмайсиз. Ҳар бир таърифда эса шаҳар ҳаётига, тарихига ва тақдирини онд оламжаҳон мазмун бор. Масалан, биз унинг айрим таърифларига назар ташлайлик.

Тошкент — исёнкорлар ўчоғи, қўзғолонлар бешиги... Тошкентга бу таъриф бежиз берилмаган. Тошкент шаҳри XIX—XX асрлар маррасида, айниқса 1905—1916 йиллар ўртасидаги чор маъмурига қарши кўтарилган қўзғолонлар ва қонли тўқнашувларнинг маркази эди. Чунки бу ерда саноат маълум даражада тараққий этган бўлиб, саноат корхоналарида илғор рус ишчилари, сургун қилинган рус революционерлари меҳнат қилар эдилар. Уларнинг таъсирини шаҳар аҳолиси ўз эзувчиларига қарши тез-тез бош кўтариб турарди. Уртоқ Шароф Рашидов йиғилишда сўзлаган ёрқин нутқида айрим рус революционерларининг номини ҳурмат билан тилга олди:

«Улкада марксизм-ленинизм ғояларининг оммалашувида Тошкентда яшаган рус революционерлари: Карл Маркснинг яқин дўсти ва I Интернационал бош кенгашининг аъзоси, «Капитал»ни рус тилига биринчи бўлиб таржима қилган Герман Лопатин, большевиклардан В. Д. Корношин, А. Р. Бахарев, Н. В. Шумилов, А. Худаш ва бошқа кўпгина кишилар катта роль ўйнадилар...

Мамлакатимиздаги революцион ҳаракатнинг муҳим босқичлари Тошкент билан боғланган. Тошкент сапёрларининг 1912 йилдаги қўзғолони шу ҳаракат тарихига абадий ёзилиб қолган. В. И. Ленин бу қўзғолонни юксак баҳолаб,

ТОШКЕНТ ТАЪРИФИ

Сени кўриб кимлар қалам олмаган,
Илҳомсизга илҳом берган Тошкентим,
Оламда йўқ сенинг ноиним билмаган,
Мана ман деб кўкрак керган Тошкентим.

Кўчанга тўшабан дурдан гиламини,
Сеховатдан гулга бердинг нишонини,
Сени кўрсам, кўргандайман онамни,
Фарзандингга кўксинг очган Тошкентим.

Олимларинг юлдузларга боқади,
Шоирларинг нурни гулдай тақади,
Деҳқонларинг дашта машъал ёқади,
Уелонларга меҳрин сочган Тошкентим.

Жавоҳирлар сендан улги олади,
Бир кўрган кўрсам, деб ҳавас қилади,
Жамолингга ой термулиб қолади,
Табиатни шайдо қилган Тошкентим.

Жаҳон гўзаллиги йиғилиб келиб,
Ҳар бири нақшини кўксингга илиб,

Кунда бир яшарсан, қуёшдай бўлиб,
Сулувлардай сулув бўлган Тошкентим.

Галабалар сари қадам ташлайсан,
Коммунизм сари йўлни бошлайсан,
Гўзалликдан гўзалликини хушлайсан,
Кундан-кунга нурга тўлган Тошкентим.

Гўзаллар султонни келса қошингга,
Таъриф тополмайди қошу кўзингга,
Баҳор ҳам шайдодир сенинг ўзингга,
Фасллардан ҳосил олган Тошкентим.

Москвадай оғанг сенга меҳрибон,
Ун беш дўстинг доим сенга қадрдон,
Мағрурланиб яша, доим бўл омон,
Қардошлар-ла мағрур бўлган Тошкентим.

Достонлар тўқисам сенга ярашар,
Шон ила шухратинг ойлардан ошар,
Хуснингни бир кўрган Қодир минг яшар,
Хур бўстонга борбон бўлган Тошкентим.

Устоздир

Тоғлар тоғ бўлмайди савлат бўлмаса,
Қушлар учолмайди қанот бўлмаса,
Инсон юролмасди даяват бўлмаса,
Булоқ бўлсанг, кўзинг очган устоздир.
Хурмат-иззат кўрсанг, устоз биландир,
Элга машҳур бўлсанг, устоз биландир,
Гар қуёшга етсанг, устоз биландир,
Дарё бўлсанг, чўлғантирган устоздир.
Маҳкам айлаб боелсанг-да белингни,
Қатга келиб тополмасан йўлингни,
Кўёш бўлиб нури ушлар қўлингни,
Нарвон бўлиб дармон берган устоздир.
Чўлда юрсанг, соя солар бошингда,
Ғамда қолсанг, маслаҳатгўйи қошингда.
Гар йиқилсанг, ҳассадиқ ёнбошингда,
Денгиз бўлсанг, қирғоқ бўлган устоздир.
Узбошимча қилсанг ишни хато бил,
Кўлмак сувни ёз келганда адо бил,
Устоз улуг зотки, уни ота бил,
Сўри бўлсанг, тиркаг бўлган устоздир.
Ҳар хунарни ўрганмоқлик ёшдан дидир,
Устоз деган ҳазинадор бўстондир,
Ҳар хилатин ёзсанг ўнлаб достондир,
Дорда юрсанг, таёқ бўлган устоздир.
Қодирга ҳам маёқ бўлган устоздир.
Деҳқонобод

уни умуман Россиядаги янги революцион кўтарилиш бошланишининг энг муҳим омилларидан бири деб атаган эди.

Тошкент ишчилар синфи, меҳнаткашлари большевиклар раҳбарлигида 1917 йилги Феврал революцияси даврида маҳаллий чор маъмурига қарши биринчи бўлиб курашга отланилар ҳамда ишчи ва солдат депутатлари маҳаллий Советларини тузиш ташаббускори бўлдилар.

Тошкент — Шарқнинг озодлик машъали, йўлчи юлдузи... Бу таъриф 1917 йил Тошкентда рўй берган Улуг Октябрь революцияси галабасини, асрий мазлум халқ эришган озодликини ифодалайди. Бинобарин, Тошкент — Шарқ мамлакатлари ичда илк марта озодлик машъалини ёқиб баланд кўтарган, ниқлоб нурини мазлум халқ қалбига таратган буюк шаҳардир. Петрограддаги Октябрь кўролли кўзғолони бошланганидан атғиси уч кун кейин Тошкентда ҳам кўролли кўзғолон бошланди ва 10 ноябрда бу шаҳарда Совет ҳокимияти ўрнатилди.

Тошкент — ризқ-рўз шаҳри... Тошкент — мадад шаҳри, етимлар онаси... Бу таърифларда совет халқларининг оғир йилларида шаҳар аҳолиси томонидан кўрсатилган самимий ёрдам, дўстона меҳр ҳамда Улуг Ватан уруши давридаги машаққатли дамларда берилган улкан мадад ва эвакуация этилган ота-онаси болаларга кўрсатилган оталарча, оналарча ғамхўрлик намоёндыр. Бу таъриф жавоби ўртоқ Шароф Рашидов сўзлаган нутқда ўзининг равшан ифодасини топди:

«Мамлакатимизнинг барча халқларини бир бутун қилиб жишлаштирган партия ленинча ғояларининг улуг кучи, янги тузумининг, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмнинг енгилмас қудрати Улуг Ватан урушининг дахлатини йилларида зўр куч билан намоён бўлди. Бу тарихий жангда Тошкент ҳам Совет Иттифоқининг барча халқлари билан ёнма-ён туриб, ёв билан олишди.

Тошкентликлар фронтлардаги жангларда кўрсатган жасорати билан, мамлакат ичкарасидаги фидокорона меҳнати билан шафқатсиз ва маккор душман — фашизм устидан галаба қозонишга ёрдам бердилар. Уруш йилларида Совет Ўзбекистони пойтахти Совет Армиясининг қудратли аслаҳонаси бўлиб қолди. У фронтга самолётлар ва ўқ-дори, озиқ-овқат ва кийим-кечак юбориб турди.

Уша таҳликали кунларда Ўзбекистон юзга яқин, Тошкент эса 50 тандан кўпроқ саноат корхонасини қабул қилиб жойлаштирди, улар орасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган азим саноат корхоналари бор эди.

Тошкентга мамлакатнинг марказий шаҳарлардан ўнлаб ҳарбий академиялар, ҳарбий билим юртли ва мактаблар, 14 та олий ўқув юрти, СССР Фанлар академиясининг бир қанча институтлари, 30 та йирик театр коллективи ва ансамбли кўчириб келтирилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг юксак ватанпарварлик ва интернационал бурчларини бажариб, мамлакатнинг вақтинчалик оккупация қилинган районларидан кўчирилган бир миллиондан ортқ кишини ва 200 минг болани бағрларига олдилар. Беш юз минг аҳолиси бўлган Тошкент 300 минг кишини, шу жумладан, 100 мингга яқин болани жойлаштирди.

Тошкентликларнинг уруш йилларидаги қаҳрамонона меҳнати, уларнинг ҳарбий жасоратлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Тошкентликлардан 13 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 30 мингдан кўпроқ киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Тошкент — дўстлик шаҳри... Чиндан ҳам Тошкент барча қардош халқлар дўстлигини ўзида акс эттирган ёрқин кўзгудир. 1966 йил 26 апрель тоғотаридаги табиий офат — zilzila тўғайли шикастланган жонажон шахримиз дўстлар қўли билан янада кўркам қилиб янгидан тикланди, қиёфасини бутунлай ўзгартирди, жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Булар қардош халқларнинг мислсиз жасорати, мардлиги олтин ҳарфлар билан битилган шаҳар тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Тошкентнинг 2000 йиллигида ва шаҳарга Ленин ордени топирилшига бағишланган тантанали йиллигида қардош республикалардан ҳамда чет эллардан келган меҳмонлар ҳам сўзга чиқдилар ва улар ўз нутқларида шаҳар таърифини янги-янги таърифлар билан бойитдилар, унинг кечмиши, бугуни ва келажиги тўғрисида тўққиланиб сўзладилар. Шу жумладан, Тошкентнинг фахрий граждани, ЮНЕСКО Бош директори Амаду Махтар М'Боу ҳам шаҳар ва унинг аҳолиси шаънига илқ сўзлар айтди. У тошкентликларга мурожаат этиб бундай деди:

«Эраимизгача бўлган биринчи минг йилликда асос солинган Тошкент ёки ўша вақтларда айтганларидек, Чоч шаҳри қадимий савдо йўллари чорраҳаси-

да, шу жумладан, улкан Ипак йўлида жойлашганлиги тўғайли халқларнинг тақдирини дарҳол сезиларли роль ўйнай бошлади. Карвонлар бу ерга мол келтириш билан чекланмадилар, шаҳар ғоялари, турли халқлар тўплаган иқтисодий ва социал тажрибани ҳам танлаб олди. Тошкент, ўзбек дийри жаҳонга улуг аллома Ал-Хоразмий каби жаҳон фан ва маданиятининг кўнгина атоқли арбобларини етиштириб берганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Шу кунларда Ал-Хоразмий тўғилган кунининг 1200 йиллиги кенг ва тантанали равишда нишонланмоқда.

Ўтмишининг тарихчилари бу ерда моддий ва маънавий маданият юксак даражада ривожланганлигини таъкидлаганлар. Босқинчилар шаҳарни кўп марта вайрон қилганлар, шаҳар 1966 йилдаги вайронгарчилик келтирган zilzila каби табиий офатларга дучор бўлиб турган. Аммо биз ҳозирги Тошкентда кўп асрлар илгари халқнинг моҳир усталари яратган ажойиб архитектура ёдгорликларини бориб кўра оламиз. Бу ерда қадимий қўлэмаларнинг бебаҳо коллекциялари сақланмоқда. Тошкентликлар ўтмишининг меросини авайлаб асрамоқдалар ва бу меросни келгусидаги бунёдкорликнинг таркибий қисми деб биладилар.

Тошкент ҳозирги кунда йирик маданий ва илмий марказ бўлиб, унда турли ўқув юртли, етимшдан ортқ илмий-тадиқот муассасалари ишлаб турибди. Совет даврида бу ўлкада олий таълимга асос солган Тошкент Давлат университетини ташкил этилганидан буён ўтган йиллар ичда эллик беш мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар тайёрлади.

Тошкент ўз халқининг экономикаси, маданияти, ижтимоий тафаккурини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга у кўпгина халқро учрашувлар ўтказилган жой бўлиб қолди, бу шаҳар ЮНЕСКОнинг тадбирларини амалга оширишда актив қатнашмоқда. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда ЮНЕСКО коммуникацияларини ривожлантириш халқро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг тўртинчи сессияси давом этмоқда. Тошкент кўнгина турли-туман воқеаларни бошидан кечирган. Унда бундан буён ҳам катта воқеалар рўй беради. Бунинг босиси шуки, 2000 ёшга кирган шаҳар ҳозирги кунда тамомила навқирондир».

Тантанали йиллиги қатнашчилари юксак яқдиллик вазиётага КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповга табриқнома қабул қилдилар.

10 сентябрь кунин Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган тантаналар давом этди. «Пахтакор» стадионинда бўлиб ўтган бадиий-спорт байрамда кўрсатилган томошада ўтган даврларнинг эсдаликлари ва ҳозирги кунининг тароналари, Улуг Октябрининг шукўҳи ҳамда порлоқ келажак нашидалари ва сурурлар бирига қўшилиб кетди. Шу оқшом минглаб тошкентликлар, мамлакатимизнинг турли бурчларидан ва чет эллардан Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳамда Шарқ алломаси ал-Хоразмий тўғилган кунининг 1200 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун келган республика пойтахтининг меҳмонлари, Коммуникацияни ривожлантириш халқро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг Тошкентда ўтаётган IV сессияси қатнашчилари «Пахтакор» стадионинда тўпландилар.

Ҳукумат минбаринда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолиги кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳозир бўлдилар.

Стадцион узра тошкентликларнинг жонажон Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига мурожаати янгради. Мурожаатда Ўзбекистон ва унинг пойтахтининг янада ривожлантириш тўғрисидаги долани ғамхўрлик учун ташаккур, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати яқдиллик билан қўллаб-қувватланшига, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрь ҳамда 1983 йил Июнь пленумларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида таъкидланган вазиёфалар ҳал қилинишига ишонч тўғрисида изҳор этилди. «Ватанин юксак мукофоти — Ленин ордени берилганидан руҳланган шаҳар меҳнаткашлари, — дейилади мурожаатномада, — партия билан ҳукуматнинг ишончини оқлашга, бутун кучини сарфлаб ишлашга, бу йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик учун белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни тўла ҳамда ошириб бажаришга азму қарор берганлар».

Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган байрам шоднёлари иштирокчилари қалбиди бир умр учмас таассуротлар қолдирди. Тошкент байрамининг бу тантанавор садолари асрлар оша олди келажак, олди авлод қалбига қўшиқ каби жаранглаб кириб боради.

ФИДИЙИ ИНСОН

Партиянинг фаол жангчилари сафларида бўлиш — ҳар бир киши учун бешароа улуғ шароф. Лекин шон ҳам, шараф ҳам ўз-ўзидан келмайди. Партия ишончини оқлаш, унинг гоёларига ҳамиша содиқ қолиш катта меҳнат, изчиллик ва фидойиликни талаб этади, албатта. Бизнинг сафларимизда, ён-атрофимизда шундай фидойи, ўзи танлаган йўлни ҳаққоний ва тўғрилигини қалбдан ҳис этадиган кишилар жуда кўп. Уларнинг ўзларигагина хос бўлган фазилатлари, қатъиятлари, одил йўлда ҳамиша ҳақгўйликлари ҳозирги ёшлар учун ибратдир. Семён Осипович Паршин шундай табаррук инсонлардан биридир.

«Не-не вокаларга гувоҳ Тошкент темир йўл вокзали майдонига яқин жойдаги кўп қаватли бинонинг тўртинчи қаватига кўтарилиб, кўнгироқ тугмасини босганимизда, эшик очилиб ўрта бўй, қорачандан келган, қотма, тик қоматли кишига рўпарча бўлди. Бу — кўпни кўрган, бугунги ёрқин кунларга эришимиз учун меҳнатлари синган Семён Осипович эди.

Таклифга кўра, останада ичкарига кирдик. Одиғина хонада жаммики нарса батартиб. Ортиқча нарса йўқ. Гап бошланишдан аввал чол кўйдириб, иккита чинни пиёла келтирдилар.

— Сизни табриклагани келдик, Семён Осипович,— дедик орадаги сукунатга чек қўйиш мақсадида.

— Раҳмат, ўзининг ҳам хаёлимга келмаган ишлар бўлди,— деди Семён Осипович кулимсираб.— Москва билан бўладиган ҳар бир учрашув мен учун гоят қувончли. Бу галги учрашув — мен қатнашиш шарафига муяссар бўлган КПСС Марказий Комитетдаги партия ветеранлари билан суҳбат дилимда ўчмас таассурот қолдирди. Юрий Владимирович Андроповнинг нуқтини тинглар эканман, унинг ҳар бир сўзини амалий ҳаракатга қаҳриқ сифатида қабул қилдим. Партия эъзоси ҳамиша ленинчиларнинг ҳаққоний иши учун курашаётган садоқатли кишилар сафида бўлиши лозимлиги тўғрисидаги сўзлар қалбимдан мустаҳкам жой олди.

Семён Осипович бўшаб қолган пиёлаларга чой қуяр экан, хаёлимдан 1921 йилнинг март ойидаги воқеа кечди. РКП(б)нинг X съезди давом этади. Уша кунларда В. И. Ленин партиядаги ва мамлакатдаги аҳвол ҳақида ўртоқларча суҳбатлашиш учун кекса большевикларни тўлаб, маслаҳатлашганди. КПСС Марказий Комитетидеги бу сафарги учрашув — ленинча аъёнларнинг давоми эмасми! Зеро, совет кишилари авлодларининг алоқаси давомийдир. Партия-мизнинг бутун тарихи бунга тасдиқлаб турибди.

«Семён Осипович — бахтли тақдир эгаларидан бири. У ўз меҳнати ва кураши билан янги ҳаёт яратган кишилар авлодига мансуб. Ажойиб тарихий воқеаларда иштирок эткиш шарафига муяссар бўлган одам. Октябр революциясида қатнашиш, ёш Совет республикасини ҳимоя қилишда, ҳолдан тойган халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик маданиятни қарор топтиришда жонбозлик кўрсатиш... Ана шу тараққиёт босқичларида унинг ўзига хос ҳиссаси бор.

Узига хос ҳисса! Бу ҳисса нималардан иборат ўзи! Бунга Семён Осиповичнинг анча узун ва воқеаларга бой ҳаёт йўли ёрқин далолат беради. У ҳали ёш экан, пароход капитани бўлишни, Волга дарёсида улкан кемаларни бошқаришни орзу қиларди. Узининг айтишича, катта кемаларни Волгадек улкан дарёда бошқаришни ҳавас қилиш болаларча ҳаёл бўлса-да, бунда бир ҳақиқат бор эди.

— Тўғри,— дея ҳикоя қилади у,— мен капитан бўлолмадим. Лекин ҳеч

афсусланмайман, зеро, биз — коммунистлар ўз халқига ёрқин истиқбол йўлини кўрсатган бахтли кишилар эмасмикин, ахир!

Эндигина ўн олти баҳорини кўрган Семён 1915 йили босмахонага ишга кирди. Бу ерда «Сизраньск зорин» («Сизрань тонги») газетаси чоп этиларди. Жандармлар газетачинг тайёр сонларидан бир қанчасини мусодара қилишди. Газетани ўз даврининг эътиборли бадавлат кишиларидан бири А. И. Ерамасов нашр этарди. У Қозон университетига В. И. Ленин билан бирга ўқиган, революция доҳиси билан фикран яқин киши бўлган. Семён газета социал-демократик йўналишда эканидан хабар топади. Халқ ҳаёти ҳақида ҳақиқатини ёзувчи бу газетани чор маъмурияти таъбиқ этишининг сабаби ҳам аслида шу эди. 1917 йилнинг февраль кунларидан бирда Ерамасов Сизрань нуфузи даврасидаги большевиклар митингига сўзга чиқди. Октябр воқеаларидан кейин эса сира иккиланмай партия сафига кирди. Ўз фаолияти билан қатъий «искраччи» бўлган бу киши большевикнинг газеталарни моддий жиҳатдан қўллаб турди.

1918 йили Семён Осипович Паршин РСДРП(б)га аъзо бўлиб кирди. Шу тариқа оқ чехлар билан жангу жадаллар, октябрдангача галалари билан олишувлар, Бухоро амирининг тахтдан қулатишида ўзбек халқига амалий ёрдам кўрсатиш — ана шунларнинг ҳаммаси Паршин таржиман ҳолидаги муҳим воқеаларни ташкил этади. Бухорода, кейинчалик Ташкентда бошқа сиёсий ходимлар билан ҳамкорликда сиёсий мактаблар олдидан, маданий-маориф ишларида фаол қатнашди. Унинг атрофига турли ёшдаги кўплаб кишилар тўпланиб, у эса қўлидан келганча кўмак беради. Маҳаллий аҳолининг мадади, қувватлаши уни шу жойда барқарор ишлаб қолшига рағбатлантирган бош сабаблардан бўлса, ажаб эмас. С. О. Паршин Тошкентдаги Шарқшунослик олий ҳарбий мактабда ўқиди, В. И. Ленин номидаги ҳарбий мактаб аспирантурасида таҳсил кўрди. 1933 йилдан бошлаб у Тошкентдаги олий ўқув юртида

марксча-ленинча фалсафадан дарс бера бошлади. Семён Осипович қирқ беш йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида гоёвий чиниққан минглаб педагог, ҳуқуқшунос, инженер кадрларни тарбиялаб, вояга етказди.

Семён Осипович ҳамон сафда. Коммунизм қурилиши иши учун курашда ҳормай-толмай фаол қатнашмоқда. Уни гоҳ завод ишчилари орасида, гоҳ мактаб ўқувчилари даврида, фан-маданият ходимлари қуршисида, В. И. Ленин музейи филиалида учратиш мумкин. Ҳамма ерда у моҳир ташвиқотчи, суюкли мураббий ва салобатли партия ветерани сифатида қадрланади, эъзозланади. С. О. Паршин Москвадаги учрашувдан янада кучга тўлиб, байратлини қайтди. Шу муносабат билан у қўйидагиларни низоҳ этди:

— Бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Бизнинг студентлик йилларимизда аудиторияларда асосан меҳнат мактабини ўтаган кишилар ўқишарди. Ҳаёт эса катта муаллим. Унда дўстлиқни қадрлашни ўрганасан, ишчи коллективнинг тарбиявий таъсиридан баҳраманд бўласан. Ўз тақрибаларингга суяниб, ўз ишларингга бажо бериш мезонини англаб олсан. Ҳозирги студентларда зарур ҳаётий тақриба етишмайди. Шу муносабат билан иқтисодий фанлар ўқитувчиларига ўз лекцияларида, семинар машғулотларида марксча фалсафани ўқитишда назария билан социалистик қурилиш тажрибасини қиёслашга эътиборни кучайтиришни маслаҳат бераддим. Ёшларни ўткир масалалар деб аталувчи қийинчиликлар ҳақида ўз фикрларини очик баён қилишига ўргатиш керак. Бундай суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг Ноябрь ва Июнь пленумлари материаллари дастуриламал бўлади, деб ҳисоблайман.

— Суҳбатимиз ёшлар масаласига кўчгани — айни муддо. Баъзи бирлар ҳозирги ёшлардан нолишадди. Сиз бунга нима дейсиз!

— Бундай фикрларга унчалик қўйилмайман. Ҳар бир авлод ўз даврида эсда қоладиган кўп ишлар қилган, жасоратлар кўрсатган. Ҳозирги ёшлар ҳам бундан мустасно эмас. Мен ҳозирги пайтда Тошкент Давлат уни-

верситетининг партия ташкилоти бўлишида тураман. Студентлар билан яқин ҳамкорликни давом эттирмакдман. Тўғриси айтганда, ёшларнинг байратига ҳавас қиламан. Бу йил бизнинг студент отрядларимиз Тюмень қурилишларида, интернационал бригадалар сафида Чехословакия, Венгрия, ГДРда ишлашди. Олий ўқув юрти ўзда тарбияланувчиларни иш-ёқмас эмас, балки меҳнатсевар кишилар қилиб тарбияламоқда. Бунда партия ташкилотининг ва «КПСС сафида 50 йил» ишонини билан тақдирланган кекса коммунистлар — Х. Ерзин, Н. Чапенко, Х. Салоҳиддинов, Н. Риззев, В. Михайлов ва бошқаларнинг хизматлари оз эмас... Умуман, халқ хўжалигида ҳам, ёшларни тарбиялашда ҳам кўп ишлашмики керак. Очгини айтганда, биз бу масалаларда айрим нарсаларни эътибордан четда қолдирган эдик. Энди уларни тузатмоғимиз лозим. Масалан, бизнинг жамиятимизда мешчанлик, юлғичлик, техникўрлик аломатлари кўпгина ёш болаларини билан келишиб бўлмайди. Баъзи бошқа салбий қуришлар ҳам содир бўлмоқда. Бизнинг ҳаётимизда нега шундай ҳодисалар рўй бермоқда! Чунки биз — кекса большевиклар мурасисиз ва қатъият кўрсатиш керак бўлган жойларда баъзан келишувчиликка йўл қўймоқдамиз. Яна бир гап. Баъзи ёшлар меҳнатсиз яшашни, катта орзуларга тезроқ етишишни истайдилару, барча қувончларининг бош сабабчиси меҳнат эканлигини тушуниб етмайдилар. Уттиз ёшга ҳам ота-она қарамлиги бўлишни истовчи ёшлар йўқ дейсизми!

«Семён Осипович ҳузуридан қайтаётганимизда осмон мусофиро, кўчалар тўла одам эди. Ҳаёл оғушида замондошларимизга меҳр билан қарайдим. Бахтимиз учун курашган кекса большевик ўз суҳбатида Юрий Владимирович Андроповнинг қўйидаги сўзларини бир неча марта такрорлагани бекиз эмаслиги ҳақида ўйлаймиз:

«Коммунистлар учун ҳаёт тажрибаси шундай бир чўққидирки, унинг тепасига чиқиб олганда, очилмаган уфқларни, ҳаёт, ривожланган социализм практикаси олдимизга қўядиган вазифаларни амалга ошириш учун новаторлик йўлларини яхшироқ кўриш мумкин».

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
СССР Журналистлар союзи
мукофотининг лауреати



КПСС Марказий Комитетига партия ветеранлари билан бўлган учрашув иштирокчиси Семён Паршин, Олим Абзалов, Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Сайёра Султонова ва Едим Перлинлар ўзаро суҳбатда.

М. Нуридинов фотоси

ИШОНЧ

Октябрь районидаги паррандачилик фабрикасининг бош зоотехниги Райимкул Ҳайиткуловни об-ласть партия комитетида қақиб қолишди.

— Гап мундоқ,— деди обком секретари вазмин-лик билан.— Сизгача бу ишга кўп ўртоқларни тавсия қилишди. Аммо, ёш бўлсангиз ҳам, етарли тажриба-бангиз борлигидан хабар топдик. Бирга ишлаймиз. Арнасойнинг қадимги Бўрихона деб аталувчи бархан қумлари ўртасида паррандачилик фабрикаси қури-ляпти. Ишни шу ердан бошлайсиз. Фабриканинг ишчиси ҳам, раҳбари ҳам ҳозирча ўзингиз.

— Область марказидан йўл олган икки машина асфальт йўлдан ўнга бурилди-да, қумтепага келиб тўхтади. Тепаликнинг шундоққина биқинида кўча вагонча, нарироқда беш-олти одамнинг қораси кў-ринди. Фабрика деб аталмиш бу ерда атиги битта товуқхонанинг пойдевори бор, холос. Ҳайиткулов-нинг юраги зил кетди. «Наҳотки, шу фабрика бўлса?»

Райимкул жойида мишланиб қолган кўйи атрофни кузатди. Совхознинг фақат номи бор эди, холос. Директор аста қурувчилар олдига ўтди. Сўхбатни қовуштириш учун сигарета сўради.

— Чўлуқвар бўлмоқчи экансиз-да,— деб луқма ташлади қурувчилардан бири.

— Топдингиз. Ишлагани келдим.
— Йў-ге... Бирон иш қўлингиздан келадими? Баъзи бировларга ўхшаб бир-икки кун ишламай, жуфтани ростлаб қолманг тагин!

— Ҳали кўраимиз, ким-кимдан бурун этагини қо-қаркин,— деди Ҳайиткулов ўзини дадил тутиб.

— Бўлмаса, ҳува ана, бетонқошишани кўраясиз-ми? Кабели узилган. Ишга тушириб кўринг-чи.

— Кўчма движок борми?

— Бор.

— Дастлаб ўшани ишлатиш керак.

— Айтишга осон. У сабилнинг тепкисини бос-санг, ўзингга сапчийди.

Движонки қорашма олдига судраб келтиришди.

— Чамамда, бу техникага кўлдан бери қўл урил-маган. Жавобгар одам бўлмагандан кейин техника тилисз бўлиб ётаверади-да,— деди Райимкул қуру-вчиларга қарата норози оҳангда. У механизмининг аллақайси мурватини созлаб ўрнига қўйди. Тепки-сини босиб юборган эди, мотор гуриллаб ишга ту-шиб кетди.

— Цемент қани?— деб сўради Райимкул.

— Йўқ,— деди кимдир.

— Нега?

— Учаска бошлиғимиз ўшани деб эрталаб кет-ганича дом-дараксиз.

Директорнинг назарида ишда силжиш бўлмайдиганга ўхшаб кўринди. Райимкулнинг дили яна ҳуф-тон бўлди. Қурувчиларга оғирроқ сўз айтиб юбо-ришдан ўзини тийди. У шу хил ҳаёллар билан қури-лиш объектдан анча нарига бориб, ўй сурганга туриб қолди. Кўзи бир туп туяқоринга тушди. Қов-жираган туяқорин: «Зоминдек кўчма маскандан биз-нинг жойларни афзал кўрибсан-да!» дегандек теб-ранарди.

— Нишон учун худди шу ерга қоziқ қоziб ме-вали дарахт экман,— деди ўз-ўзига қатъият билан Райимкул. Жаҳл билан туяқоринни тепиб юборди. Шунда кум юзасида шапалоқдек сопол кўзанинг синиги кўринди. У синиқ парчани қўлга олди. Унда аллақандай ёзувлар... Негадир фалати бўлиб кетди. Ҳаёлида болалигида эшитган эрталари жонланди. Бир пайтлар раҳматлик дадаси Ҳайиткул отанинг: «Ўғлим, дашту биббонда қумуш, олтин, зар борли-гига ишонма. Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ. Меҳнатинг билан эл-юрт маъмуричилигига ҳисса қўсанг, қада-минг устун, сўзинг бутун, тўнинг тўзмас бўлади», деган насаҳати эсига тушди. Кўкси алланечқу бўлиб қалқиб тушди. Яна отаси кўз ўнгида гавдаланди: «Райимкул ўғлим, сен кўп жойларда бўлдинг. Тула шаҳридаги паррандачилик совхоз-техникумида иш-ладинг. Болтиқбўйи республикаларида тажриба ор-тирдинг, Закавказье республикаларида ҳам бўлдинг,

анча йиллар бош зоотехник бўлиб обрў қозондинг, энди келиб арзимас кийинчиликдан каловаланиб бош эгасанми? Чўлда ҳам етти хазанининг бири бўлмиш паррандачиликда шундай мактаб яратгинки, ҳамма-нинг ҳаваси келадиган бўлсин. Муҳими, одамларнинг кўнглига йўл топа бил...»

Райимкул бошини мағрур тутиб, қурилиш сари дадил одимлади. Ишнинг бориши раҳбарнинг қат-тиққўллиги, талабчан бўлишига боғлиқ эканлигини кўнглига туғиб қўйди. Ниҳоят, учаска бошлиғи ҳам қайтди. Аммо юз-кўзидаги ифодадан қуруқ қайтган сизилиб турарди.

— Эртага бўлармиш,— деди у бўшашиб ва шу аснода: «Бу ким бўлди?» дегандек Райимкул Ҳайит-куловга юзланди.

— Биз ҳам ишлагани келдик. Қабул қиласизми?— деди Райимкул.

— Бўпти, қўлингиздан иш келса, ариза ўзинг, — деди у.

— Дарвоқе, движонки тилга киритган шу одам,— деди қурувчилардан бири.

— Уртоқ учаска бошлиғи, мени район маркази-гача олиб кетсангиз?— илтимос қилди Райимкул яна сир бой бермай.

— Утиринг!

Машина йўлга тушди. То манзилга етишгунча Райимкулдан ҳам, учаска бошлиғидан ҳам садо чиқмади.

— Оғайни, етиб келдик.

Ҳайиткулов машинадан тушиб, тўғри район пар-тия комитети биносига қараб йўл олди. Райком сек-ретари ёш директорнинг бир нимадан кўнгли тўл-май келганини сездди.

— Хўш, қалай, ишласа бўладими?— дея гап қотди у ҳеч нарса сўзмагандай.

— Бўлади, фақат қурилишга дахлдор бўлган барча мутасадди кишиларни сафарбар қилиш, теле-фон ўрнатиш, материалларни ўз пайтида етказиб бериш лозим.

Эртасига қурилиш штабида ишлар муҳокама қи-линди. Қурилишга алоқадор раҳбарлар, турли касб-даги қурувчилар ўртасида қизгин тортишувлар бў-лди. Сўз навбати ҳўжаликнинг янги директори Рай-имкул Ҳайиткуловга берилди.

— Мен кунни кеча шу ерда қолиб, ишлар билан танишдим,— дея гап бошлади директор.— Очиғи, ишнинг боришдан қонқмадим. Хафа бўлмайсиз-лар-у, базми бинокорларимиз ишдан кўра кўпроқ ваъда бериш, баҳона кўрсатиш билан шугулланиш-моқда. Қурилиш объекти икки-уч ой орқанда қолган. Мен ишни жадаллаштиришни таклиф қиламан. Бу-нинг учун товуқхоналарни кетма-кет қуриш зарур. Яъни, қурувчилар шу ҳафта давомида битта блокни битқазисса, биз келаси ҳафта жўжаларни келтириб ишни бошлайверамиз. Шунда қурилиш тўлиқ қу-ваатда ишга тушгунга қадар фабрика қурилишига кетган давлат маблағи қопланиб боради. Бунинг учун қурувчилардан сансалорлик эмас, комплекс ҳамжиҳатликни талаб этаман. Улар мени иш билан таъминламагунларича турар жойим, идорам, штаб ҳам ўша кўчма вагонча бўлади. Ишни уч сменада ташкил этиш керак!

Ҳақиқатан ҳам, ўттиз тўрт ёшли директор ўзи қанчалик оромини йўқотса, қурувчиларга ҳам тинч-лик бермади. Иш жонланди. Орадан бир неча кун ўтиб, кранларнинг шовқинига саҳрода пайдо бўлган жўжаларнинг овози ҳам жўр бўлди. Биринчи товуқ-хонага Эссентукидаги паррандачилик фабрикасидаан венгер насли жўжалар келтирилди. Деярли йил-нинг ярмига келиб, фабрика ўзининг илк маҳсуло-тини бера бошлади.

1981 йил охирига келиб, давлатга 42,5 минг ўрни-га 101 минг дона тухум, 82,7 тонна ўрнига 114 тон-на парҳез гўшти етиштирилди. Ишни йигит-қизлар-нинг бarchаси комсомол-ёшлар эди.

Табдиркор ёшлардан ветеринария врачси Ҳошим Норкулов, товуқбоқарлар бригадасининг бошлиғи Абдуразоқ Бойматов, илғор товуқбоқар, район Со-ветининг депутати, комсомол-ёшларнинг оловқалб етакчиси Гаҳхар Жумабоева, Айтгул Бойжонова, Фотима Бекманова, Гулсара Маждидова, Эсенгул Қўшбоева кабиларнинг ишидан директор фойат мин-натдор бўлди.

Тез орада яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Ярим кечада Эссентукидан 30 минг жўжа келтирил-ди. Аҳил коллективнинг товуқбоқарлари шу кеча-нинг ўзидаёқ уларга шароит ярати беришди.

— Биз ишни янги усулда бошладик,— дейди Ҳа-йиткулов.— Яъни қурилишнинг тўлиқ қуваат билан ишга тушишини кутиб ўтирмасдан ишлаб чиқаришни

бошлаб юбордик. Бу усул мутахассис ва парранда-боқарларни тайёрлаб бориш учун ҳам имкон берди. Натижада ҳўжаликни қисқа вақт ичида сердаромад ҳўжаликка айлантириш мумкин бўлди. Мени бир нарса ўйлантиради: республикамиздаги кўпгина ҳў-жаликлар гўшддор золти паррандаларнинг туҳумини Россия, Қозғоғистон ва Болтиқбўйи республикалари-дан келтирмоқдалар. Ундай туҳумлардан етиштирил-ган маҳсулотларнинг таннари жуда юқори бўлиб, базми жўжаликлар ҳатто ўтириб қолмоқда. Менимча, ёпиқ циклда қурилган, яъни ўзида туҳум етиштириб, жўжа очирса ва гўшт етиштирса бўладиган методи жорий этиш анча қўл келади.

Бир томони Арнасой ва Айдаркўл, бир томони Қизилқум саҳроси ястаниб ётган оралиқда парран-дачилик фабрикаси қад ростляпти. Ассон комсо-мол-ёшлардан иборат паррандабоқарлар товуқлар сонини олти миллион бошдан оширши учун астой-дил меҳнат қилмоқдалар.

Биз паррандахоналарни кўздан кечирав эканмиз, уларнинг нияти албатта рўёбга чиқишига тўла ишонч ҳосил қилдик. Негаки, Бу коллектив СССР Озиқ-ов-қат программасининг аҳалиятини чуқур тушуниб, келгуси йил ҳисобига махсулот берайти. Яна шун-иси қувончлики, ҳар қандай карвоннинг ўз карвон-бо-лиши бўлганидек, чўл қўйнида ёшларга Райимкул Ҳайиткуловдек коммунист етакчилик қилади. Энди-ликда комсомол-ёшлар Райимкул Ҳайиткуловни ди-ректор сифатида эмас, устоз сифатида ҳам ҳурмат қиладилар.

Аҳмаджон САЙДАЛИЕВ



Бўхоро шаҳридаги «Октябрь инқилоби 10 йиллиги» ипакчилик фабрикасининг ишчиси, ком-мунист Муяссар Давронова шахсий беш йиллик топишиқларини шараф билан адо этди. У эндиликда 1986 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

А. Мирзажонов фотоси

Замондошларимиз

ПОЙТУҒНИНГ ШОҲИ— БЕҚАСАМЛАРИ

Тиниқ осмон қуюқ мовий тусга кирган. Пойтуғ кўчаларига сокинлик чўккан. Аҳён-аҳёнда машиналарнинг овози эшитилиб қолади. Марғилон Аврли газламелар ишлаб чиқариш «Атлас» бирлашмасининг Пойтуғдаги филиали директори Салоҳиддин Худойбердиев деразадан ана шу жимжит манзарга тикилиб турди-да, сўзини давом эттирди:

— Бундан бир неча ой илгари Андижонга келган ёзувчилардан бир гуруҳпаси бизнинг корхонамизда ҳам бўлишганди. Уша учрашувни ишчи қизларимиз мароқ билан эслашади...

Ҳозир қишлоқ жойларида саноат корхоналари, филиаллар, катта-кичик муассасалар шу қадар кўпайиб кетдики, уларни номма-ном санаб чиқиш қийин. Ҳар бирида энг камида 500—600 лаб хотин-қиз ишлайди. Ҳар бири тўрттадан тўққиз-ўнтагача дастгоҳ бошқаради! Ёзаман десангиз, гап кўп, улар бевосита қишлоқ ёшларидан етишиб чиқаётган ишчилар бўлганлиги учун ҳам ёзиш керак!

Худойбердиев фахрланиб сўзларди. Шу аснода бундан бир неча кун илгари Андижон область партия комитетида бўлган суҳбатни эсладик. Гап аҳолининг зич жойлашганлиги тўғрисида борарди. Андижон — водийнинг гўзал, сўлим дёбири. Тупроғи олтин, шоир Фафур Ғулом айтганидек, сийнасига қуруқ ёғоч кўмса, илдиэ отиб, кўклаб кетаверадиган унумдор, саҳий ўлка. Бир ярим миллионга яқин халқи бор. Турмуши гўзал, ҳаёти фаровон.

Аммо областнинг ўзига яраша ташвиши, муаммолари ҳам бор. Шулардан бири аҳолининг ниҳоятда зич жойлашганлигидир. Бу жиҳатдан область республикадагина эмас, ҳатто мамлакатда ҳам олдинги ўринларда туради. Қишлоқда яшаётганлар аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Етмиш процентдан кўпроқ аҳоли қишлоқ ҳўжалигида, ўттиз проценти эса саноатда иш билан банд.

— Бу рақамлар аксинча бўлиши керак,— деганди ўшанда обкомнинг биринчи секретари Солижон Мамарасулов.— Қишлоқ ҳўжалигини комплекс механизациялаш, химиялаштириш, индустриаллаштириш, ўз-ўзидан равшанлик, меҳнат унумдорлигини кўтарди, ялли маҳсулот микдорини оширади, арзонлаштиради. Айна вақтда тармоқ ходимлари сонини қисқартиришга олиб келади. Бу — табиий жараён. Шундай бўлгач, Андижонда аҳолининг иш билан таъминлаши даражаси нари борса йигирма йилдан кейин қай аҳволда бўлади? Зотан, аҳоли сони муттасил ўсиб бораверади. Бизни ана шу социал масала ташвиши соялапти, бу ҳақда бугун ўйламасак, эртага кеч бўлади. Андижонни аграр-саноат облаstdан сановатлашган-аграр (эътибор беринг, саноат биринчи ўринга қўйилмапти) областа айлантириш, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тавофутларни йўқотишни мумкин қадар тезлатиш область партия, совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Андижонликлар қишлоқ ҳўжалигини, айнисқа унинг ҳаётий тармоғи — жамоат чорвачилигини интенсив ривожлантириш йўлида ахши тажриба тўпладилар. Бу соҳадаги ишларимизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини маъқуллади. Биз бу ишларни давом эттириши билан саноат қурилиши кўламини ҳам кенгайтираверамиз.

Дарҳақиқат, кейинги тўрт-беш йил ичида область саноатида, айнисқа, енгил саноатда туб ўзгаришлар рўй берди. КПСС XXVI съезди қарорларида Андижонда гигант корхона — Ил-газлама комбинати қурилиши кўзда тутилган эди. Партия ва халқ иродаси туфайли, катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг натижасида улкан қурилишнинг дастлабки наватлари қисқа муддатларда қуриб битказилди. Марҳамат, Қўрғонтепа, Балиқчи, Избоскан, Пахтаобод каби йирик пахтакор районларда қурилган Ил-газлама комбинатининг филиаллари маҳсулот бера бошлади. Андижон шаҳрида жойлашган трикотаж, тикуччилик, тикув-галanterея, бадий буюмлар ишлаб чиқариш, пойабзал фабрикаларининг районлардаги филиаллари ўн минглаб қишлоқ ёшларини ўз бағрига олди. Улар юқори унум билан сифатли маҳсулот



Тўқувчи, коммунист Тожион Абдуллаева ёш ишчилар (чапдан) Дилбархон Қосимова, Арофатхон Мадраҳимова, Муҳаббат Сайдалиевааларга иш ўргатмоқда.

А. Воропаев фотоси

етказиб берапти. Каштачилик, тикувчилик, қулоччилик каби хилма-хил касбкорлик изчил ривожлантирилмоқда.

Сўнгги йилларда область экономикаси секторида саноат улуши бир неча ҳиссага ошганлиги диққатга сазовордир. Андижон саноати ўз тарихида илк бор бир миллиард сўмга яқин маҳсулотни реализация қилди. Яқин вақт ичида икки миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Биз мана шуларни хаёлимиздан ўтказиб турганимизда, хона зшиги очилиб, остонада 30 ёшлар атрафиданг истараси иссиқ, қотма йигит кўринди.

— Кираверинг, Олимжон,— деб унга муурожаат қилди директор. Сўнг бизга ўзланиб сўзини давом эттирди.— Олимжон Рўзиматов филиал биносига биринчи гишт қўйилгандан бери ишлайди. Сизлар корхонамиз ҳақида шу йигит яқиндан таништириши мумкин.

Бу теклиф бизга ҳам маъқул тушди. Маъмурий идоранинг торгина йўлагидан айланиб ўтиб, биринчи қаватга, ундан эса корхонанинг қайноқ цехларига кириб бордик. Цехга кираверишда: «Яхши кайфият билан унумли ишлашнингизга тилақдошимиз!» деган ёзувга кўзимиз тушди. Мусобақа экрани ёнидаги рамаклардан бирига: «Булардан ўрнак олинг!», иккинчисига эса: «Интизомсизлардан узоқ юринг!» деган лавҳа вазилган.

— Булар албатта янглик эмас,— деди Олимжон деворга тикилиб қолганлигимизни кўриб.— Лекин оммавий-тарбиявий ишларни уюштиришда бу тадбирлар самарали бўлماпти. Юксак интизом — коллективизмининг шiori, КПСС Марказий Комитетининг Ноябрь (1982 йил), Июнь (1983 йил) пленумларидан кейин бу масалага эътиборни яна ҳам кучайтириб юбордик. Уртоқ Ю. В. Андроповнинг Москва станоксозлари билан бўлган учрашувда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан айтган йўл-йўриқлари коллективизмиз учун программа ҳужжат бўлиб қолган.

Суҳбатдан маълум бўлдики, филиал қурилиши 1977 йилда бошланган. Избоскан райониданг «Партия XX съезди» колхози корхона учун ер ажратиб берган. Орадан бир йил ўтгач, филиал ўзининг

дастлабки маҳсулотини бера бошлаган. Вақт ўтган сайин кенжа корхона кенгайверган. Ҳозир филиал битта асосий цех, олти участкага эга. Улардан оҳорлаш, тайёрлаш, найчиклаш каби йирик участкаларда меҳнат унумдорлиги юқори бўлмоқда. 370 донга дастгоҳда шоҳи ва беқасам тўқиб чиқарилмоқда. Ҳозир бир сменанинг ўзида 6 минг 500 метрдан кўпроқ турли хил материал тўқилади. Бир ойда 108 минг метр беқасам, 211 минг метр шоҳи тўқиб планлаштирилган бўлса, бу топшириқ ҳамма вақт ошириб бажарилмапти.

— Хўш, бунга қандай қилиб эришилмапти?

— Бизнинг олдимизда жуда кўп муаммолар кўндаланг бўлиб турарди,— деди Салоҳиддин Худойбердиев.— Биринчи навбатда кадрлар масаласини ҳал етишимиз керак эди. Хали корхона пойдеворида гишт қўйилмай турибко, район территориясидаги мактабларда — битирувчи синф ўқувчилари орасида тушунириш ишларини олиб бордик. Дастлабки йиллар 50—60 нафардан ёшни иш ўрганиш учун Марғилонга жўнатиб турдик. «Атлас» бирлашмасининг раҳбарлари, мутахассислари малакали кадрлар тайёрлаб беришга сидқидилдан киришдилар. Кейинчалик маҳаллий хотин-қизлардан етишиб чиққан ташаббускор тўқувчи қизларимизнинг ўзи қисқа муддатли курслар ташкил этдилар. Корхонада қурилиш ишларини кучайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига бевосита область партия комитети бош-қош бўлди.

«Цехларни айлана бошладик. Улкан бинонини электр нурулари чўғдек ёритиб турибди. Қаторма-қатор терилган дастгоҳларнинг бош-охири кўринмапти. Тўқувчиларнинг бутун диққат-эътибори тарағг тортилган турфа ранг илгарга қаратилган. Тўқувчи ана шу илларни бир-бирига омихтаб, материал тўқийди. Тўқилганлари ял-ял ёниб, кўзини қамаштиради. Пойтуғнинг шоҳи-беқасамларини кўриб кўз қувонади, дил ярайди.

— Кеча биз сменалар оралигидаги танаффусда худди шу ерда тантанали митинг ўтказдик,— деди фабрика партия ташкилотининг секретари Муҳаббат

ИШАК ПАХТА ИСТИҚБОЛИ

(Даноми, боши 1-бетда)

далар кўп бўлади, бу илгиришни осонлаштиради ва толали бузилишдан сақлайди. Мамлакатимизда яратилган ингичка толали навлар маҳаллий шароитларга яхши мослашган, қурғоқچилликка ва энгил-елпи совуқларга чидамликдордир. Уларнинг гули асалга бой бўлади.

Кейинги йилларда совет селекционерлари ингичка толали гўзанинг «С-6037», «Ашходод 25», «Термиз 7», «Термиз 14», «9732 И», «6249-В», «6465-В» ва бошқа тезпишар, вилгта чидамли, серҳосил, толаси яхши, технология хоссаларга эга бўлган навларини яратишди ва ишлаб чиқаришга жорий эттишди. Бундай навларнинг яратилиши ингичка толали гўзани нафатқар Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро, балки Навоий, Наманган ва Ўзбекистоннинг бошқа областларида ҳам ўстириш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1982 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган VII Пленумида олимлар олдига янги, янада масъулиятли вазифалар қўйилди. Шу беш йилликдаёқ ингичка толали гўзанинг потенциал ҳосилдорлиги гектарига 40—50 центнерни ташкил қиладиган навлар яратилиши керак. Гўзанинг вегетация даври 100—110 кунни ташкил қиладиган тезпишар навларини яратиш селекция соҳасидаги муҳим иқтисодий ва социал вазирадир. Бу ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, йингим-термил даврини кескин қисқартириш, кузги-қишки тadbирларни энг мақбул муддатларда ўтказиш имконини беради.

Тезпишар навларни яратиш селекционерлар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Агар мамлакатимизда 1928—1930 йилларда ўстирилган ва гектаридан 2—4 центнер ҳосил берган «Пина», «Карнак» каби ингичка толали навларини эсласак ва уларни гектаридан 40—45 центнер ҳосил берадиган навлар билан таққосласак, бу борада ўсим қанчалар суруят қасб этганлигини гувоҳи бўламиз. Дастлабки навларнинг вегетация даври 165—170 кунни ташкил қиларди. Бу маълум даражада уларнинг ҳосилдорлик даражасини белгиллади. Масалан, районлаштирилган «С-6037» гўза навининг вегетация даври 135—140, давлат синовидаги ўтаётган тезпишар «Қарши — 4» ва «Қарши — 5» навлариники 118—122 кундир.

Ингичка толали гўзаларнинг юқори миқдорда тола берадиган навларини яратиш селекционерлар олдида турган муҳим проблемадир.

Ҳозирги вақтда районлаштирилган навлардан фа-

қат «Ашходод 25» 32—34 процент тола беради. Кўпчилик навларда эса бу кўрсаткич атиги 28—30 процентни ташкил қилади. Миср ва Перудан келтирилган навларни дургайлаш натижасида 37—38 процентга тола берадиган навлар яратиш имкони пайдо бўлди. 1982 йилда Давлат ва синовидаги ўтказилган, 36 процент тола берадиган тезпишар «Қарши 6» шундай навдир. Фузариоз вилги ва қора илдиш чириш касалига бардошли гўза навларини яратиш ҳам гоят муҳим вазирадир.

Ингичка толали гўзанинг паст бўйли, гектаридан 45—50 центнер ҳосил олишни таъминлайдиган, учинчи тип тола берадиган навларини яратиш кўзда тутилмоқда. Мазкур ва гўзаларини энг — ҳар гектар ҳисобига 500 минг тупгача қалинликда ўстириш, ҳосиллини бир галги термидеяк, 20 сентябргача йиғиб олиш режалаштирилмоқда. Ҳозирдаёқ яратилган «Қарши» 2, 4, 5 навлари ана шундай навлардир. Бироқ уларни ўстириш ва ҳосиллини йиғиб-териб олиш технологияси ишлаб чиқилмаган. Мақбул ўстириш қалинлигини, сурғорни, ўғит солиш норма ва муддатларини, ҳосиллини терадиган машиналарни аниқлаш ва шундан кейингига ишбу навларнинг истиқболлиги тўғрисида баҳо бериш мумкин.

Гўза селекциясига доир ишлар самарадорлигини ошириш учун республикаимизда бу экин бўйича селекция маркази барпо этилган. Урта Осиё республикаларида ингичка толали гўзанинг янги навларини яратиш билан шуғулланидиган илмий муассасалар, шунингдек, нави дастлаб кўпайтириб берадиган совхозлар, давлат ва синаш уюшталари, элита хўжалиқлар, уруғлик назорати лабораториялари ва пахта тозалаш заводлари кеңг ривожланган.

Сурхондарё область, Жангўрғон районидagi «Сурхон» совхоз, Шеробод районидagi «Партия XXIII съезди» колхоз республикадаги йирик элита-уруғчилик хўжалиқлари ҳисобланади. Улар республика колхоз ва совхозларининг ипак пахта уруғлигига бўлган аҳтиёжини тўлиқ қондирадиган янги гўза навларини кўпайтириш билан шуғулланишди.

1982 йилнинг август ойида Қарши шаҳрида «Ўзбекистон ССРда ингичка толали пахта етиштириши янада ривожлантириш тўғрисидаги масалага бағишланган илмий ишлаб чиқариш кеңашини бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида ССРС ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиқ министриқларининг раҳбарлари ва мутахассислари, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Наманган областларининг партия, совет ва қишлоқ хўжалиқ ходимлари, бир қатор колхоз ва совхозларининг бошлиқлари, илмий тадқиқот институтларининг олимлари, конструкторлар, қишлоқ хўжалиқ институтларининг вакиллари қатнашдилар. Кенгашда, шунингдек, Туркманистон ва Тожикистон илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари ҳам иштирок эттишди.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон республика-

ликарида җўн биринчи беш йилликда ингичка толали пахта етиштиришни 1,2 миллион тоннагача, келгусида эса камида 1,5 миллион тоннагача, жумладан, Ўзбекистонда 420 минг тоннагача кўпайтириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ингичка толали гўза навларни ҳосилдорлигини гектарига 40—50 центнергача етказиш олимлар, мутахассислар, раҳбарлар ва пахтакорлар меҳнатининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ингичка толали гўза иқтисодий жиҳатдан гоят фойдаланар экандир. Агротехника тавсияларига амал қилинганда унинг ҳосилдорлиги ўрта толалиникидан кам бўлмайди, тайёрлов баҳоси эса 1,2—2 баравар юқори бўлади. Биринчи тип тола берадиган «АН — Ўзбекистон 3», «Қизил раוות» ёки «Анджон 2» каби ўрта толали навларнинг 1 тонна санаотбоп биринчи сорт пахтаси учун, зонага қараб ўрта ҳисобда 800—830 сўм тўланади. Биринчи тип тола берадиган ингичка толали «Ашходод 25» навининг 1 тонна санаотбоп биринчи сорт пахтасига эса барча зоналарда 1580 сўм, иккинчи тип тола берадиган «С-6037» навинини учун 1390 сўм берилди.

Ушбу муҳим тармоқни ривожлантиришда интенсификация, деҳқончилик маданиятини оширишга, илғор технологияни жорий этишга, органик ва минерал ўғитларни тўғри қўллашга, сўғорни ишларини тақомиллаштиришга, ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Деҳқончиликнинг зоналар бўйича илмий асосланган пахта-беда амаллаб экиш системасини қўллаш тупроқ унумдорлигини ошириш ва мўл ҳосил олишини қудратли омилдир. Олимлар меҳнат, маблағ, ўғит ва сувни тежаб сарфлаган ҳолда гектаридан 40—50 центнер ингичка толали пахта олишни таъминлайдиган агротехника тadbирлари комплексини ишлаб чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси гўзани ўстириш ва ҳосиллини йиғиб-териб олқининг илғор технологиясини қўллаган ҳолда комплекс механизациялашга асосланиши керак.

Ингичка толали гўза навларини ўстириш ва ҳосиллини йиғиб-териб олишининг механизациялаштирилган технологияси мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Кейинги йилларда пахта йингим-термини техникасини яхшилаш билан бир қаторда ингичка толали нав ҳосиллини қайта ишлашни янада тақомиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ингичка толали пахта ни қуритиш ва тозалаш линиясини яратиш иш-хосига етказилмоқда. Мазкур ва сифатини яхшилашга доир бир қатор бошқа чора-tadbирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси республикага беш йилнинг ичинчи йили топшириқларини бажариш: камида 410 минг тонна ипак пахта етиштириш ва тайёрлаш имконини беради.

дасхон Хусанбоева.— Тўкувчи қизларимиздан бири беш йиллик планини икки ярим йилда бажарди. Узи иккинчи участкада ишлайдиган, яна ўн беш минутдан кейин иш сменаси тўғайди.

Иккинчи участка. Биз олқисданок беш йиллик илғори ишлаётган дастгоҳларни танидик. Унинг иш жойида «Энг яхши тўкувчи» деб ёзилган алвон вилпел ҳамда «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган лавҳа қўйилган. Бу ердаги ишчиларнинг бирортаси ҳам бизнинг бор-йўқлигимизни эътиборга олмади. Ҳамма ўз иши билан банд, кимдир у дастгоҳдан бу дастгоҳга ўтиб ил улар, яна кимдир ҳозиргина тўқилган бежирим бекасани кўздан кечирар эди.

— Биз иш вақтининг бирор минутини ҳам беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қиламиз. Бир минутда филиалимиз бўйича ўн саккиз метр шохи тўқилади,— деди беш йиллик маррасидан ўзиб кетган тўкувчи Санобар Олимова.— Бутун бригадамизнинг шiori шунақа!

Санобар Ибозкан районидagi Куйбисёв номи 31-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидеяк тўкувчи бўлишни орзу қилиб қолганди. Бу орзу Пойтўғда янги тўқимачилик фабрикаси очилиши тўғрисидаги хабар тарқалганда яна ҳам жўш уриб кетди. Урта мактабин тамоллаган ёшлардан ўттиз нафари район комсомол комитетининг йўлланмаси билан Марғилон тўқимачилик комбинати қошидаги курсга ўқишга юборилди. Улар орасида Санобар ҳам бор эди.

Тўқимачилар орасидаги беш йиллик ҳаёт иш қизга катта сабоқ бўлди. У шу ерда дасгоҳ бошқаришни ўрганди, машур тўқимачиларнинг тажрибидан сабоқ олди. Ниҳоят, жонанок қишлоғида фабрика ишга тушгач, Санобарини ҳам қачириб олишди. Қизнинг дастлаб иш осон кўчмади. Маҳаллий хотин-кўчларини замонавий дастгоҳларни бошқаришга ўргатиш ўз-ўзидан бўлмасди. Биргина узилган илпарни улашдаги вақтни қўзиб юбориш билан ўнлаб, юзлаб соатлар бой бериларди.

Бир кун Санобар фабрика қошида махсус курс ташкил этиш лозимлиги ҳақида тақлиф қилиб қолди. Чунки ишга кирганларнинг ҳаммасини ҳам Марғилонга бир йил, икки йилга жўнатишининг имкони йўқ эди. Айрим ҳолларда эса ишчиларнинг ўзлари

олисга, узоқ муддатга бориб иш ўрганиши исташмас эди. Бу тақлифни маъқуллашди ва бу ишга унинг ўзини масъул қилиб қўйишди. Санобар кундузи ишлаб, кечкурун ёш қизларга тўкувчиликдан сабоқ бера бошлади. Шу йўл билан корхонада оз бўлса-да қадрлар кўнимсизлиги барҳам топди.

Санобар Олимовадан иш ўрганган қизларнинг кўпчилиги эндиликда илғорлар сафида ишлашяпти. Муножот Мингбоева, Одинахон Рўзиева, Октябр Камолова, Мухаббат Саидалиевавлар шулар жумласидандир. Улар айни пайтларда вақтдан унумли фойдаланиб, смена нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этишяпти.

— Хотин-қизлар энгиде ял-ял ёниб турган хонатласни, бекасам материалларни курсам, ўзимда йўқ кувониб кетаман,— дейди Санобар Олимова.— Улар аёлларимиз чиройини тағин ҳам очиб юборадик. Мана шу кўркамликда озми-қўпми ҳиссанг борлигини ҳис этиш кишига ҳузур бағишлайди.

Санобар шахсий беш йиллик планини икки ярим йилда бажаришга муваффақ бўлди. 94 минг 400 метр ўрнига 95 минг метрдан зиёд шохи тўқиб, корхонада энг юқори кўрсаткичга эришди. Унинг нияти қолган даврда яна бир шахсий беш йиллик планини ўринлайтиришдир.

Санобар Олимованинг мактабдош дўгонаси, эндиликда эса талабчан мусобақадoshi Тожиқон Абдуллоева ҳам фабрика илғорларидан бири. У ҳам доимо гайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлайдиган. Жамоат ишларида фаол қатнашадик.

Тўқимачилик ҳеҳида очик партия йиғилиши бормоқда. Унда комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, илғор ишчи Тожиқон Абдуллоевани партия аъзоллигига кандидатликка қабул қилиш масаласи муҳокама қилинмоқда. Ҳаммагини ингоҳи унга қаратилган, шундан бўлса керек, у теварак-атрофдан ташаётган саволларга ҳаяжон билан жавоб қайтаради.

— Партия сафига кирар эканман, зиммамга юксак масъулият олаётганимни чўқур ҳис қилмоқдаман. Мен онгли равишда қалбим амри билан шундай масъулиятни зиммамга олмақдаман...

Тожиқон ўзининг сўзларига содиқ қолди. У кандидатлик м'ддатини қолақ бригадда ўташни лозим деб топди.

Тожиқон олқита станокни бошқариш билан бир вақтда тўқимачилик касбини анқадан бери ўлаштира олмай келаётган тўрт нафар ишчини олақлиқ олди.

Коллективдаги умумий аҳвол ҳамма вақт бригадига ойнадек равшан бўлиб туради. Ким яхши ишлаяпти, ким сифатсиз маҳсулот тўқияпти, ким меҳнат интизомини бузаяпти. Тожиқон шуларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиб, сифат масаласини комсомол йиғилишида ўртага қўйди. Пухта, таҳлилга бой, мисолларга асосланган доклад ҳаммаини умумий аҳвол тўғрисида чўқур мулоҳаза юритишга даъват этди. Ҳар ким ишни яхшилаш тўғрисида ўзининг фикр-мулоҳазасини билдирди. Кўпчилик мусобақадари расмийликни қоралаб чиқди. Бу гапда жон бор эди. Чунки мусобақа ақунланганда смена топшириқларини орттириб бажарган ишчи ҳамма вақт голиб деб топилавлар, тўқилган материалнинг сифати эса қўпича эътибордан четда қолар эди. Кимдир тўкув дастгоҳларига муносабат масаласини кўтариб чиқди. Дастгоҳларни олиш иш жойини тоза тутмаслик смена қабул қилиб олиш ва топшириш пайтида иш вақтининг йўқолишига олиб келаётгани айтилди. Бу ва бошқа тақлиф-мулоҳазаларни, танқидий фикрларни амалга ошириш тўғрисида тез орада аҳвол ўзгарди. Бригадда маҳсулотнинг ҳаммаси юқори сифат категориясида тайёрланадиган бўлиб қолди. Коллектив тўққиз ойлик плани олти ярим ойда бажариб, қолақликдан батамом халос бўлди. Бригадининг ўзи эса қикнда 1985 йил ҳисобини очди.

Тожиқон билан жамоат ишлари ҳақида ҳам суҳбатлашдик. У гап орасида қикнда «Комсомольская правда» газетасида босилган бир мақолани тилга олди. Унда Ленинграддаги тўқимачилик фабрикаси ёшларининг тинчлик фондига маблағ тўлашдаги ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилинган экан.

Бригадир мақолани ҳаммага ўқиб берди, бунинг коллектив унинг тақлифини қўллаб-қувватлади. Тинчлик фондида бир кунлик иш ҳақини ўтказишга қарор қилинди. Интернационал бурч масъулияти, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида Пойтўғнинг лобар тўқувчи қизларини улғовур ишларга сафарбар этмоқда.

Маҳмуджон ИБАЕВ



Кошки

Санъатга мафтунман,
 ҳаётга ошиқ,
 Ақлдан озгудай, асаб тўзгудай...
 Туйғулар туғени — дардли бир қушиқ
 Юрак торларини бевақт узгудай.

Қалам зарби ила забт бўлган қалъа,
 Нотавон кўнглимининг буюк армони!
 Кошки, катта йўлда қолмасча чала,
 Гўр рассом расмидай умрим
 карвони!

* * *

Сўздан сўзнинг фарқи бор
 Фаҳм этмасанг, шарҳи бор!..
 Арзонми ёки қиммат?
 Энг муҳими — нарҳи бор!..

Саъдий яратган бўстон
 Бўстонлар аро дoston...
 Баргидан қўл меваси,
 Шухрати жаҳон-жаҳон...

Боғбонидан миннатдор —
 Боғ ичра юрар баҳор...
 Ҳар ким эканин ўрар,
 Экмананга не даркор?!.

Бўстонми бу, гулистон?
 Кўрсанг, қоласан ҳайрон...
 Офтоб десанг, офтоб мўл,
 Салқин десанг, беармон!..

Не замонлар ўтади,
 Боғ боғбонин кутади!
 Боғбонидан йўқ дарак,
 Ичкиби, қон ютади!

Боғ қолдими одамдан,
 Демак, ўтмас оламдан!
 Шоир экан ниҳолнинг
 Уқ илдири қаламдан.

Сўздан сўзнинг фарқи бор,
 Фаҳм этмасанг, шарҳи бор,
 Арзонми ёки қиммат?
 Энг муҳими — нарҳи бор!

Тўғон

Тўғонни бузгудай қутурар дарё,
 Тўғон ҳам бўш келмас, беради
 бардош.

Тўғон тўғон эмас, худди бир бало
 Дарё кўзларидан тиркиратар ёш...

Ҳайрат билан боқдим, қайдан бунча
 куч,

Бунчалик қудратга эгадир тўғон?
 Асли юракларда ёнарди ҳуруж,
 Тўғондай қад тўтиб турарди Инсон.

Лирик шеърлар

Сенга бағишлайман

Сенга бағишлайман боғу бўстонни,
 Олтин водийдаги оқ дарёни ҳам.
 Кўз қорачиғидай тиниқ осмонни,
 Даҳлсиз даҳодай арш-аълони ҳам...

Сенга бағишлайман тоғлар чўққисин,
 Тоғларда ўйнаган олқор, оҳуни...
 Сенга бағишлайман қуёш кулкисин,
 Қалбим тубидаги теран туйғуни...

Сенга бағишлайман бору йўғимни,
 Ногоҳ жазирада учраса салқин...
 Уйқусиз қолсам ҳам, ҳатто, уйқумни,
 Ялдо кечасида ялт этса ёлқин...

Сенсан тақдиримда ёруғ юлдузим,
 Дунёдан ўтсам ҳам, дунё хотирлар...
 Сенга бахшидадир, сенга, азизим,
 Ҳали ёзилмаган сирли сатрлар...

* * *

Яна гилдираклар айланар бирдай,
 Яна шовқин солиб боради, хорғин...
 Кўм-кўк ўрмонлардан ўтади елдай,
 Кеча сукунатин этгандай толқин...

Мана, кўз олдимдан ўтар югуриб,
 Утиб кетар киприк қоққунимгача.
 Кўрсам, кўриб қолдим зўрға улгуриб,
 Зим-зиё, яна бир боққунимгача...

Ким билсин, ким борар вагон ичида,
 Ким билсин, манзили узоқми-яқин?
 Эҳтимол, ухлайди ҳаёт кечида,
 Эҳтимол, уйғоқдир, чеҳраси ёрқин?

Балки, ёзилмаган янги дostonнинг
 Ҳали туғилмаган қаҳрамонидир!
 Ҳали юракдаги эзгу армоннинг
 Намойиш бўлмаган шараф-шонидир!

Қора йўрға чопар пўлат излардан,
 Ҳавас-ла қарайди биров, эҳтимол.
 Юрак дардин ўқиш мумкин
 кўзлардан,

Бошқа бировида туғилар савол:

Қайга шошар шунча, қайга интилар,
 Қайга ошиқади, авриқар қайга!
 Балки, бефайз йўлда бевақт
 тентирар,

Балки, тоғни қўйиб, боради сойга!

Вагон ойнасидан боққан кишига,
 Гўё поезд эмас, Ер югурарди...
 Шамоқ қанот уриб, ой қумушига,
 Сочларни тўзғитиб, иш буюрарди...

Эҳтимол, уфқ таги — йўлчи мўлжали,
 Эҳтимол, наридир юлдузлардан ҳам!
 Кошкийди бир кўниб, ўтса ақалли,
 Нурли чўққиларга, яшнарди олам...

Гилдираклар яна айланар тинмай,
 Гилдираклар берар ҳаётдан дарак...
 Совуқ қояларга урилиб, синмай
 Акс-садо янграйди мисоли эртак...

Жаннатни

қидирма

(«ЧЕХИЯ ДАФТАРИ» ДАН)

О, Карлови Вари, ажойиб макон,
 Булоқларинг эса мисли фаввора.
 Жаннатни қидирма,
 сарсон-саргардон,
 Жаннат ўзи шунда, бўлма оворал!

Водариф! Арзийди кеккайсанг тоғдай,
 Маркснинг қадами теккан тошингга.
 Арзийди қувонсанг ўтли ёноғдай,
 Гёте бошин қўйган гўё бошингга.

Ҳазон чир айланар гўё парвона,
 Тубдан жўш урган сув минг дардга
 дармон.

Туллаган бир дарахт, кекса-кайвона,
 Шопенни кўргандай туради ҳамон...

Қуюқ ўрмонзордан янграйди тунда
 Сукунат жарчиси — какку садоси.
 Еллар кўзгалади, еллар тўлқинда,
 Тонготар шайдоси, қуёш адоси...



Теварак ям-яшил, теварак сулув,
 Замин қудратида бордай бир туғён.
 Кўкдан нур ёғилар, ердан эса сув
 Отилиб чиқарди мисоли вулқон...

Кузак либосини ечарди аста,
 Соҳибжамол ўзин қилгандай
 кўз-кўз...

Кўланка кўринар тоғлардан пастда,
 Шуълалар меҳридан ўйиргандай юз...

Кундузни тун қувар... Офтоб
 ботарди,

Ложувард кўк гўла яна юлдузлар...
 Ҳезонрезгиликда тонлар отарди,
 Тилга кирар эди ҳатто тилсизлар,
 Тош ва илдишлар...

КУЛЛАР САХОВАТИ

Балиқни севиб тановул қилмайдиган одам кам топилса керак. Ота-боболаримиз бекорга уни «луқмаи ҳалол» деб аташмаган. Пиширилган балиқ ҳақида дастурхонимиз ҳатто бўлиб келган. Лекин, сирасини айтганда, кўри қўри ҳам (бундан 30—40 йил аввалги даврни гапирмай қўя қолайлик) кўнглингиз тусган вақтда озиқ-овқат магазинларидан балиқ топиш мушкул. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз балиқчиликни ривожлантиришга, аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига эҳтиёжини тўлароқ қондиришга катта аҳамият бермоқда. СССР Озиқ-овқат программасида мамлакатимиз миқёсида балиқчиликни ривожлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланганлиги бежиз эмас.

«Дамаччи» балиқчилик комбинати — республикамиздаги тўнғич хўжаликлардан. У пойтахтимизнинг ғарбида, Калинин районида жойлашган. Хўжалик эгаллаб турган ҳозирги ерлар ўн бундан 30—40 йил муқаддам ботқоқлиги қамишзорлардан иборат бўлиб, уларнинг орасида чябйор ва илонлар изгиб юрарди. Деҳқончиликка яроқсиз ўнқир-чўнқир ерлардаги қўлмак сувларда эса зарарли ҳашаротлар учиб ётарди.

Улуг Ватан уруши ғалабасидан кейинги дастлабки йиллар эди. Кўнларнинг бирини асрлар бўйи қаровсиз ётган ана шу ерлар сукутанини трактору бульдозерлар наъраси бузиб юборди. Фашизмга қарши жангларда танкларни бошқарган кечаги солдатлар бугун трактор рулини тутиб, ерларни текислашар, ҳовузулар қазинар эди. Балиқчилик хўжалиги қисқа муқаддам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ердаги қўлмак ҳовуз сувларининг таъми ачиқ, шўр бўлганлиги учун «Таъми ачиқ» деб ном олган, кейинчалик эса бу сўз бирикмаси «Дамаччи»га айланган кетган. Шу тарзда янги хўжаликка ҳам «Дамаччи» деган ном берилди.

— Балиқчилик республикамиз учун янги тармоқ, янги касб эди,— деб эслайди «Дамаччи» балиқчилик комбинати директори Қодир ака Шарипов.— Қишлоқ хўжалигининг бу янги тармоғини ривожлантириш учун ишнинг кўзини биладиган мутахассислар, ишчилар ва моддий-техника базаси керак эди. Бир вақтнинг ўзиде икки йўналишда иш олиб борилди: ҳам балиқ боқиладиган сунъий ҳовузулар қазила бошланди, ҳам ўнлаб кишилар балиқчилик касбига ўргатилиб борилди. Қардош республикалар, айниқса Россиядаги балиқчилик хўжаликларига ёшлар қисқа муддатли ўқишларга юборилди.

Директор ўз бағрида тонна-тонналаб қумушранг балиқларни яширган ҳар бир мовий ҳовуз олдида тўхтаб, сунъий қўлнинг қачон бунёд этилгани, унинг майдони қанча ва бу йил неча центнер балиқ тутиш мўлжалланаётганлиги ҳақида фохр ва қувонч билан сўзларди.

Қодир ака Шариповнинг ҳикоя қилишича, хўжалик ташкил этилган дастлабки йиллари ҳовузулар майдони олти гектар бўлиб, ҳар гектардан атиги 186 килограммдан балиқ етиштирилган экан. Балиқчилар ҳовузулар майдонини кенгайтириб, уларнинг маҳсулдорлигини йилдан-йилга кўпайтириб бордилар. Ҳозир балиқ хўжалигида ҳовузулар сони 13 тага етказилди. Уларнинг умумий майдони 235 гектарни ташкил этади.

Бултур юқори ташкилотлар кўрсатмаси ва дамаччиликлар ёрдами билан Пискент районида ҳам ҳовузулар юзаси 120 гектар бўлган янги балиқчилик хўжалиги ташкил этилиб, илгор ва тажрибали «Дамаччи» комбинати ихтиёрига берилди. Тажрибакор балиқчилар маслаҳати ва кўмаги билан ана шу ҳовузуларда биринчи йиллик мўл-кўл балиқ етиштирилди.

Балиқчилик комбинатининг ишчан ва аҳил коллек-

тиви ўнинчи беш йилликни меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан яқунлаб, ғалаба эстафетасини, ўн биринчи беш йилликка ҳам олиб ўтди. Масалан, дамаччиликлар ўтган йили давлатга пландаги 9 минг 580 центнер ўрнига 10 минг центнер ҳуштайм маҳсулот етказиб беришди. Бу йил улар яна ҳам юксакроқ маррани эгаллаш учун кўрашмоқдалар. Улар умумий овқатланши корхоналари ва савдо ташкилотларига 11 минг 500 центнер тирик балиқ етказиб бериб, шаҳарликлар дастурхонини безашга аҳд қилишган. Умуман, ўн биринчи беш йиллик охирига қадар «Дамаччи» балиқ комбинатида ҳовузулар майдони 1000 гектарга, яъни балиқ етиштириш эса 30 минг центнерга етказилди.

Хўжалик ҳар гектар ҳовуз майдонининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича республикада олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Комбинат раҳбарларининг ҳамма соҳада бўлгани каби балиқчиликда ҳам коллектив аъзоларининг фидокорона меҳнат қилишларини уюштира билганликлари, қаттиқ интизом ўрната олганликлари, исрофгарчилик ва талон-тарожга қатъий чек қўйганликлари бу муваффақиятларнинг асосий сабабисидир.

Айрим балиқчилик хўжаликлари нима учун ҳунаргача паст ҳосил олиб келаётганлигининг боисини сўраганимизда Қодир ака ўйчанлик билан фикр юртиди:

— Балиқчиликнинг моддий-техника базаси ривожланган, замонавий агротехника ва илгор тажриба билан қуролланган ҳозирги кўнларда ҳам айрим хўжаликлар ҳар гектар ҳовуз майдонидан 10—11 центнердан балиқ етиштираётганини эшитиб ҳайрон қолдам. Бу — бизнинг хўжалик бундан чорак аср муқаддам эришган кўрсаткич. Наҳотки, бу хўжаликлар раҳбарлари шунчалар паст кўрсаткич билан қифояланишдан уялишмас!

Озиқ-овқат программаси амалда

Болаларнинг қий-чуви Қодир ака Шариповни ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳақидаги мароқли ҳикоясини тўхташига мажбур қилди. Директор шофёрга машинани шовқин-сурон садоси келаётган томонга буришни буюрди. Қарасак, сунъий кўлда беш-олти болакай шўхлик қилиб чўмилишяётган экан. Бирдан Қодир аканинг юзлари тундлашди.

— Кимнинг болаларисиз? — қичқирди у машинадан туша солиб.

Болалар Қодир аканинг овозидан чўчиб, дарҳол қирғоққа сузиб чиқишди-да, апила-тапила кийина бошлашди. Директор болаларни кўрқитиб юборганидан хижолат чекди, шекилли, уларнинг йилги бориб энди юмшоқ овоз билан гапира бошлади:

— Эркатойларим, аввало бу ерда чўмилиш хавфи: кўлнинг таги балчиқ-ботқоқ, суви чўмилишга яроқсиз. Иккинчидан, балиқларнинг оромини бузясизлар-ку.— Кейин биз томонга юзланди.— Балиқлар ҳам одамлар каби осойишталикни яхши кўради. Улар осойишталикда иштаҳа билан озуқа ейди, тез семиради. Мана, кўрдингизми, кўлга қирғоқ бўйлаб озуқа ташланган.— Шу пайт балиқлар бирин-кетин сува юзасида сакраб чиқиб, кўздан гойиб бўлишди. Қодир аканинг кўзлари меҳрдан товланиб кетди.—

Ҳа жониворлар-а! Қани, бир тўйиб еб олинглар-чи. Сенларнинг ақдодларингни бизнинг иқлимга ўргатиш, моллаштириш осон бўлган эмас!

Директор хўжалик тарихидан бир шингил ҳикоя сўзлаб берди.

«Дамаччи» балиқчилик хўжалик ташкил этилганидан сўнг кўп ўтмаёқ Узбекистоннинг илик-иссиқ шароитида мамлакатимизнинг айрим районларидаги балиқчилик хўжаликларига қараганда мовий майдонлар ҳосилдорлигини оширишда анча юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлигига ўз тажрибаларида қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Бунинг учун биринчи галда ҳовузуларда боқилаётган балиқлар турини кўпайтириш керак, деган хулосага келишди.

Шундан сўнг Узоқ Шарқдан ўсимликхўр оқ амур ва дўнгпешона балиқлари келтирилди. Улар озуқа ейишда хўжалик ҳовузуларида боқилаётган товонбалиқ ва зогорбалиққа рақобатчилик қилишмади. Кўп ўтмай уларнинг бир-бирига ҳалақат бермай, бир ҳовузда яйраб яшаб семирishi мумкинлиги аён бўлди. Янгитдан келтирилган балиқлар ўзлари ейдиган озуқаларни гўё бўлишиб олгандай эди: оқ амур ҳовузулардаги дегал ўсимликларни, дўнгпешона эса жуда майда сув ўтларини, фитопланктонларни ерди. Бентос ва омухта емлар эса тўла-тўқис маҳаллий балиқлар — товонбалиқ ва зогорбалиққа қолларди. Натижада балиқларнинг ҳамма тури ҳам тез ўсиб, семириб, ҳовузулар маҳсулдорлиги икки барабар кўпайди. Шундан қилиб, дамаччиликлар тажрибаси Узбекистонда балиқчиликни жадал ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берди.

Балиқчилик комбинатининг улкан муваффақиятларга эришишида одамларнинг меҳнатга онгли, ҳалол муносабати, ўз касбларига меҳр-муҳаббатти билан бирга шу коллективга ўттиз йилдан зиёд муттасил директорлик қилиб келаётган жонқур, талабчан раҳбар Қодир ака Шариповнинг хизмати катта. Унинг кўксини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хўрмат белгиси» орденлари безаб турибди. Унга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» деган фахрли уноён берилган. Бу олий мукофотлар Қодир аканинг ҳалол меҳнати, фидойчилиги ва ғайрат-шижоатига берилган ҳаққоний баҳо-дир.

«Дамаччи»да Қодир ака билан ёнма-ён республикада хизмат кўрсатган чорвадор Ҳамид Анваров, Худойберди Раимов, Яхшилик Дўстмурзаев сингари биринчи класс балиқчилар ишламоқдалар. Уларнинг звенолари ўзларига биритилган ҳовузуларнинг ҳар гектаридан 45—55 центнердан тирик балиқ топириб, рекорд кўрсаткичларга эришяптилар.

Балиқчилик хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширганлиги, халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг икки марта кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Эсдалик нишони билан мукофотланди, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг Хўрмат тахтасига ёзилди.

Балиқчиликни ривожлантириш мамлакат озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришининг баракали резервидир. Шунинг учун ҳам СССР Озиқ-овқат программасида мамлакат миқёсида балиқчиликни муттасил ривожлантириб бориш алоҳида қайд этилган. Дамаччиликларнинг фидокорона меҳнати ана шу буюк программанинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Абдураим ОТАМЕТОВ

Пахтакор минбарда...

Бу қадим ўлқанинг шуқуҳи ўзга,
Меҳрдек пайвастир бӯҳори, ёзи...
Қайдаки у дадил чиқаркан сўзга,
Менга таскин берар дўстим овози.

Сўз билмас нотикдай турмайди

чўчиб,
Юртин ишонтирар, ишонч бор унда.
Кўнглида борини аятади очик,
Унинг гаплари ҳам қисқа ва лўнда.

Сўнг таъзим этади халққа бир
муддат,
Бекиёс қувончдан порлайди кўзи...
Пахтакор минбарга чикмайди минбар
Агар ишонмаса ўзига ўзи!



Манзара

Қишлоқ узра кўкка бемалол
Мўрилардан ўрлайди тутун.
Бутуқларни силкитган шамол
Таратади кўкларнинг ҳидин.

Кўёш олис уфқ пастиде
Ботиб борар сочини ўриб.
Олпоқ момик кўрпа остиде
Замин ухлар олпоқ туш кўриб.

Нормурод ХОЛМУРОДОВ

Жиззах.

ФАННИМИЗ ДАРҒАСИ

Елқин ТУРАҚУЛОВ,

Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги



Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Обид Содиқович Содиқов 70 ёшга тўлди. У ўз ҳаётини илмнинг маълум соҳаси — химия фанига бағишлади, бу соҳада йirik муваффақиятларга эришди, илмий мактаб яратди, кўп шоғирлар етказди, юксак даражаларга эришди. Шунинг билан бирга Обид Содиқов бир неча ўн йиллар давомида илмий институтлар, Самарқанд ва Тошкент Давлат университетлари ва Ўзбекистон Фанлар академияси президиумида раҳбар вазифаларда бўлиб, ўзининг ташкилотчилиги, мураббийлиги, жамоат ишларидаги фаолияти билан республикамизда фан ва олий маълумотнинг раванглиги салмоқли хисса қўшиб келмоқда.

Обид Содиқов Улуғ Октябрь революцияси арафасида, 1913 йилда Тошкентнинг Сағбон маҳалласида туғилди. Фақат социалистик революция ва Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати туфайлигина чор Россиянинг қолоқ чет ўлкаси бўлган узок Туркистонда меҳнаткаш ўзбек фарзандлари учун ҳам эркин ва шодли ҳаёт, ўқиб ва билим қўққиларига кўтарилиш имконияти очилди.

Болалик даврида Обид Содиқов эски мактабга ҳам қатнаб, бир неча ўн давмида чаласавод домла қўлида «сабоқ» олди. Янги мактаб очилиши билан у ётув, кенг хоналардаги бошланғич мактабга кириб, еттинчи синфгача ўқиди. Лекин тирикчилик ваҳидан 13 фарзандли катта оиланинг тўғичи сифатида, вақтинча қўшдан қолиб, отасига кўмаклашишга мажбур бўлди. Ота касби — косбиличини ўрганди. Лекин ўқиб уни оҳанрабодек ўзига тортарди. У мактаб таълимнинг иккинчи босқичини тугатиб, 1932 йилда Урта Осий Давлат университетининг (ҳозирги ТошДУ) химия факультетига киради. Энди у ўзининг эзгу умидига эришадди, чуқури у мактабдаёқ химия фанига қизиқар, химия дарсида ўтказилган тажрибалар унга бир мўъжизадей қўришиб, моддаларнинг ажойиб хоссаларини, ўзгариш сирларини ўрганиш фикри хаёлида қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Обид Содиқов студентлик давридаёқ кафедрада ҳам ишлаб бошлади. Аввало лаборант, сўнгра катта лаборант сифатида амалий машғулотлар учун эритмалар тайёрлади, тажрибалар ўтказди, хуллас, факультетда эрталабдан кечгача банд бўлди. Унинг аввало мактабда, кейин эса университетда химия фанини чуқур эгаллашда химия муаллими Дубовицкий ҳамда органик химия кафедраси ўқитувчиси Г. В. Лазуревскийнинг хизматлари катта бўлди.

Унда 1933 йилдаёқ устозлари таъсирида ўсимликлар таркибидagi табиий бирикмаларни, хусусан, алкалоид деб аталадиган мураккаб, кучли биологик ва кўпинча захарли таъсирга эга моддаларни ўрганишга қизиқиш туғилди. Бу қизиқиш умуман ўсимликлар химиясини, уларнинг барча таркибий қисмларини комплекс текшириш, улардан тўла фойдаланишга интилиш олим учун кейинроқ йирикроқ илмий ишлар билан шуғулланишга туртки бўлди. Унда студентлик йилларида шаклланган бу гоғ бутун илмий умрининг асосий йўналишига, Иттифоқ ва жаҳон миқёсида олим сифатида танилишига асос бўлди.

Обид Содиқовнинг аспирантлик йилларида Москвадаги Химия-фармацевтика илмий-тадқиқот институтида алкалоидлар фанининг отаси, машҳур олим, академик Александр Павлович Орехов лабораториясида ишлаб таълим олиши илмий фаолиятида муҳим роль ўйнади.

1940 йилда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли қилган қилган ёш олим Тошкент ва Самарқанд университетларида доцент, кафедра мудири сифатида ишлади, лекциялар ўқиди, гарчи ўзи ёш бўлса-да, шоғирлар тайёрлади. Лекин асосий илмий қизиқиши — табиий бирикмаларни ўсимликлардан ажратиб олиш ва уларни амалда тадқиқ қилиш ташвиши унга ҳеч ором бермайдди.

Мана шу йилларида Обид Содиқовнинг бошқа олимлардан ажратиб турадиган фазилати — фани амалиётга боғлаш, асосий тадқиқотларда ишлаб чиқаришга, медицинанинг кундалик эҳтиёжига хизмат қиладиган йўллари қидириб топишга интилиш устун эди. У Самарқанд университетидеги ишлаган кезларида лаохилуш ўсимликлардан қон тўхтатувчи ивятик, қон босимини туширувчи модда қидиради, Тошкент Химия-фармацевтика заводи билан ҳамкорлик-

да кофеин ҳамда никотин кислота тайёрлашга эришадди. Бу препаратларга уруш йиллари ҳарбий госпиталлар жуда муҳтож эди. 1943 йилда у СССР Фанлар академиясининг докторанти сифатида ўзи тўплаган ёввойи ўсимликларнинг бир тури — анбазид афиллани комплекс текшириш билан шуғулланади. 1945 йили, 32 ёшида шу алкалоиднинг химияси бўйича докторлик диссертациясини химоя қиладди. Бу йирик тадқиқотни тайёрлаш ва уни яқунлашда унинг ёркин истеъдоди яққол намоён бўлди. У республикада химия фанлари бўйича энг биринчи ёш ва тўғич фан докторларидан бири эди.

Обид Содиқов ўз диссертациясини тайёрлаш жараёнида алкалоидлар ва умуман табиий бирикмаларни ўрганишининг комплекс системасини яратди. 30 га яқин янги препаратларни синтез қилди. Илмий кенгашида унинг бу ишига машҳур олимлар, академик В. В. Радионов, И. Л. Кнунянц, И. П. Цукереник, М. И. Усанович ва бошқалар юксак баҳо берди.

Ёш фан доктори Обид Содиқов табиий бирикмалар химияси бўйича етук, обрўли олим сифатида шу соҳани юксалтиришга бел боғлади. У 1946 йили ўзининг биринчи устози Г. В. Лазуревский билан ҳамкорликда ТошДУда ўша вақтда Иттифоқда ягона ўсимликлар химияси (ҳозирги табиий бирикмалар химияси) кафедрасини ташкил қилди, бу кафедранинг мутахассислар тайёрлаш программаси ва методологиясини ишлаб чиқарди.

Истеъдодли олимнинг ўз соҳасига бўлган фидоилиги, тадқиқотларнинг амалий тадқиқи учун жонқурлик билан ишлаши бу фанининг юксалишига замин бўлди.

1954 йили унинг ташаббуси билан Тошкент Давлат университетининг химия факультетига табиий бирикмалар химияси проблемалари лабораторияси ташкил этилди. Сўнгра бу соҳа бўйича Иттифоқ ва регионал конференциялар ўтказилди, у фан кандидатлари ва докторлари етишиб чиқишига ҳоимийлик қилди.

Наботот дунёснда кенг тарқалган табиий бирикмалар химиясини яна ҳам кенг ва чуқур тадқиқ қилиб, улардан самарали фойдаланишини янги йўллари қидириб, гўза химияси ва биохимиясини чуқур ўрганиш, унинг касалликларга чидамлилигини ошириш, гўзанинг ўсишини тезлатиш, ҳосилни кўпайтириш, толасини пишиқ қилиш асосларини ишлаб чиқишда, унинг маҳсулоти ва чиқиндиларини тўла ишлаш масалалари олим илмий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Бу ишларни кенг қўламада бажариш эса ботаника, систематика, генетика ва фармакология, микробиология ва иммунология фанлари билан чамбарчас боғланган комплекс тадқиқотлар ўтказилишини тақозо қилди.

Мана шу кенг қўламли илмий ишларни бажариш учун Обид Содиқовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси қошида аввало бўлим, 1977 йили эса Биоорганик химия институти ташкил этилди. Фанинг бу ўчоги тадқиқотлари ва барча тавсиялари билан Иттифоқимиз ва ҳатто жаҳон олимлари эътиборини тортди. Институтда Бутуниттифоқ ва Ҳалқаро илмий конференциялар, табиий бирикмалар бўйича СССР — Ҳиндистон симпозиумларининг ўтказилиши ҳам шу босқандир.

Обид Содиқов органик химия дарслиги, табиий бирикмалар химияси монографиясининг ҳамда бошқа бир қанча наشرларнинг муаллифидир.

Обид Содиқовнинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти лавозимидаги фаолияти ҳам гоғат серқиррадир. У бу юксак лавозимда ўн етти йилдан бери муваффақиятли ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари дастлаб 1966 йилда республика фани штабинин бошқарушига Обид Содиқов номзодини муносиб кўрган бўлсалар, ундан кейин яна икки марта уни президент қилиб сайладилар. Бу лавозимда унинг олимлик ва ташкилотчилик истеъдоди академиянинг кенгайиши, ривожланиши ва ўсишида ёркин ифодасини топмоқда. Шу йиллар давомида ЎзФА таркибидagi институтлар янгилашиб, йирик, замонавий илмий марказларга айланди, Кибернетика институти ва чиқиблаш маркази асосида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди, янги — сейсмология, биохимия, физиология, микробиология, Биоорганик химия, полимерлар физикаси ва химия институтлари ҳамда

иссиқлик физикаси бўлими, кўпгина муҳим лабораториялар ташкил этилди. Кўлаб муносиб илмий кадрлар, жумладан, илгари фан докторлари камчил бўлган соҳалар — физика, техника, механика, молекуляр биология, биофизика, экономика ва қишлоқ хўжалик фанларининг айрим тармоқлари бўйича юксак маълакали олимлар етишди. Академиянинг илмий салмоғи анча кўтарилиб, у Иттифоқимизда обрўли фан штабига айланди. Обид Содиқов 1966 йили СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1972 йилда эса ҳақиқий аъзоси ва сўнгра Президиуми аъзоси қилиб сайланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида фундаментал, яъни фан ва техникада принципиал янги йўналишлар очиб берадиган математика, физика, химия, биология соҳалари кенг ривож топди. Шунинг билан бирга республикамизда халқ хўжалиги ва маданиятининг юксалиши учун муҳим тадқиқот проблемаларини ҳал қилишга, фан билан ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам боғланишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Олимларининг томонидан математик статистика, эҳтимолий назарияси, ядро физикаси, физикавий электроника, қаттиқ жисмлар физикаси соҳаларида Иттифоқимиз ва жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг тадқиқотлар амалга оширилди.

Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг республика халқ хўжалигини бошқаришнинг автоматлашган системасини вужудга келтириши ва унинг кенг жорий этилиши, Физика-техника институтининг иссиқлик чидамли материаллар ишлаб чиқариш учун ноёб Кўёш печи яратиш борасидаги назарий ва экспериментал ишлари, сейсмология ва нишоотларнинг сейсмик бардошлиги соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлари, геологларнинг ёқилги-энергетика sanoатини ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Масалан, микробиологлар бир ҳужайрали сув ўсимлиги хлореллани ва бошқа сув ўтларини ишлаб чиқаришни sanoат йўлига қўйиб, уни самарали ривашида чорвачилик, паррандчилик, кейинроқ эса пахтачиликда ҳам жорий этидилар. Шунингдек, зарарли ҳашаротларга қарши биологик усуллар билан кенг курашишга муваффақ бўлинди. Кейинги йилларда пахтанинг серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамли навларини яратиш учун класстик генетика, селекция, радиация генетикасидан ташқари молекуляр генетика ва ген инженерлигидан фойдаланишга киришилди.

Республикамизда табиий фанлар билан бир қаторда ижтимоий фанлар ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. ЎзФАнинг шу юксалишида ҳам президенти Обид Содиқовнинг шахсий иштироки, унинг олимлик ва ташкилотчилик роли каттадир. Обид Содиқовнинг хизматларидан бири гўза ва чигит тарихида учрайдиган зарарли госсипол бирикмаси асосида яратилган медицина препаратларининг кенг қўлланилишидир. Тошкент Медицина институти олимлари билан ҳамкорликда яратилган батридин препарати буйрақни кўчириб ўтказиш операциясида кенг қўлланилмоқда.

Академик Содиқов катта олим, ЎзФА президенти сифатида республикамиз экономикаси ва маданиятининг кундалик долзарб проблемалари билан боғлиқ, характери ва масъабта бўйича хилма-хил тадқиқотларни, янги фан соҳаларини ташкил қилиш устида тинмай иланмоқда. У илмий кенгашлар, координация комиссиялари, СССР ФА Президиуми, Ленин ва Давлат мукофотлари Комитети аъзоси ҳамда Беруний номидаги республика мукофот комитети раиси сифатида кенг қўламада давлат ва жамоат ишларини бажармоқда.

Обид Содиқов СССР Олий Совети депутати сифатида ҳам ўзининг юксак фахрли вазифасини муносиб бажариб келаётганига гувоҳимиз.

Республика фан штабининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Биз олимларнинг нуфузли дарғаси, катта устоз Обид Содиқов 70 ёшга тўлди. У бугун ўз умрининг илм ва тажрибага бой — тўла камолот босқичида фанининг янги уфқларига дадил кўз тикмоқда. Биз замонамизнинг эътиборли алломасини кўтулуг бўйи билан самимий кўталаймиз, унга мустаҳкам соғлиқ, кенг қиррали фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

ЛЕНИН Хоразмда

Эркин САМАНДАР

Тўлқинлар армуғони¹

1924 йилда В. И. Ленин обидаси Ленинграддан Чоржўйгача темир йўлда, ундан Хоразмгача Амударё орқали кема билан келтирилди. Одамлар худди тирик Лениннинг ўзини қарши олаётгандай ҳаяжонда эдилар.

Тарихчи қайди.

Аму тўлқинлари бир-бирин қувиб,
Изма-из, басма-бас чопишар қувноқ.
Рангин шабнамларга юзини ювиб,
Тўлқинлар ўйинин кузатар қирғоқ.
Оғзидан кўпиклар сачратиб олпоқ
Тўлқинлар тулпордек елиб боришар.
Тизгинсиз оқимлар мисли аргумоқ
Елкасида Ленинни олиб боришар.
Ильич қаршида маъсум, осойиш
Ястаниб ётибди иккала қирғоқ.
Унга интиқлигин этиб намоиш
Йўлига кўз тутар қадимий туپроқ.
Бу туپроқ тошқину ёнгина гувоҳ,
Зарра-заррасида ҳиди бор қоннинг.
Унинг юрагидан узилган ҳар оҳ
Ўтли нидосидир Ўзбекистоннинг.
Ҳамиша бедордир аجدодлар руҳи,
Рўдеқ кездилар йўлларда сарсон.
Уларнинг кўз ёши, алам-андухи
Замин сийнасида армондир ҳамон.
Отларнинг туёғи тошлардан эмас,
Одам суягидан сачратди учкун.
Ўзбек дуторига қўл теккизсанг, бас,
Кечмиш ситамлардан сўйлайди маҳзун.
Жайхунда сув бўлиб оққанида қон
Балиқчи қушларнинг куймиш қаноти.
Қонга тўш урмоқдан кечиб бир замон
Дарёдан ҳатламиш суворий оти...
Бугун лойқа сувнинг тинқимиш юзи,
Мавжларни қучмишлар баҳорий еллар.
Бугун ҳаяжонда Амунинг ўзи
Ленинни бошига кўтариб келар.

* * *

Кемада, Лениннинг пойида бугун
Даста-даста гуллар ётар очилиб.
Кемачи гулларнинг бўйига мафтун,
Бир бўйки, оламга кетмиш сочилиб.
Кема сузиб борар тўлқинни ёриб,
Милт-милт ёниб турар доим чойчўк.
Кемачи ўртага дастурхон ёяр,
Меъмор жуян²-кўмач тайёрлаган чоқ.
Кемада яна бир киши бор бошқа,
Кемачи, меъморга нотаниш мутлак.
На гулга боқади, на сув, қуёшга,
Кемада ким борар, қаёққа, бефарқ.
Адашиб қолганда кўмда қарвондан
Кемага олдилар айлаб муруват.
Серҳадик чехраси сирли-гумонли,
Сўзлари ғалатдир, кўзлари ғалат.
Кўш қўллаб кемачи унга тутди нон:
«Кемага тушганинг жони бир, ошна».
«Ховва», дерди меъмор, ҳалим, меҳрибон,
Ковоғин очмасди йўловчи аммо.
Кўнгил ойнасидир инсоннинг юзи,
Қалб деган маъвода бўлмайдди нелар.
Бугун ҳаяжонда Амунинг ўзи
Ленинни бошига кўтариб келар.

* * *

Осмон ҳар кунгидан тиниқроқ бугун,
Бугун у порлаган шуъла океани.
Бугун заминнинг-да чехраси гулгун,
Гулга ўхшаб кетар қақиртикани.
Бугун Қорақумнинг тафти бир олов,
Бир ҳовуч олтиндир гўё зарраси.
Янги келинчақдай безаниш яйлов,
Ҳилпирар гуллола — алвон дурраси.
Бугун оташнигоҳ раққосалардай
Оламни тўлдириб чайқалар гуллар.

Бугун ҳар бир жилга — жаранлаган най,
Навога ҳамоҳанг чопқиллар еллар.
Еллар қанотида учар хушхабар,
Гурс-гурс урар тинглаган юрак.
Хабарки, нур тезлигида тарқалар,
Ҳар қулбага нур элтар, демак.
Воҳада эркиннинг ногорасин чалиб,
Акс-садо бериб янгради саат:
— Тугилди бахт бўлиб, басадат бўлиб.



Расми Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

¹ Достоннинг қисқартirilган варианты.

² Жуян — жўхори.

Онгларни ҳайратдан лол этган уша
 Колумб зарра эди ҳали тупроқда.
 Она жунатаркан Газнага ўғлини
 Қараб қолди унга беуи, бесадо.
 Фақат манглайига тушди бир ажин,
 Уғлини изларини этди унга жо.
 Ажал уруғларини сочиб Чингизхон
 Хоразм бошига солганда кулфат
 Жалолиддин кўксин айлади қалқон,
 Баногоҳ қанотин синдириб офат.
 Уғлини кузатаркан сўнгсиз бир йўлга
 Она оқ сўтига берди ризоллик.
 Яна манглайига бир ажин кўнди,
 Уша ажин аро азим руҳ тирик.
 Зулмат пардасига ўраб осмонни
 Қонлар ёғдирганда заминга булут
 Еритиб қоронғи, мажруҳ жаҳонни
 Зако нуруни ёйди Пахлавон Маҳмуд.
 Она ўз ўғлини йўллаб Ҳинд сари
 Дуога қўл очиб қоларкан маҳзун
 Кўпайди ногаҳон сочин оқлари,
 Айрилиқ ўллари куйдариб кўксин.
 Эш бўлиб Ҳинд ила Пахлавон Маҳмуд
 Дўстлик ипларини бойлаган асно
 Она ҳаяжон билмади ҳудуд,
 Бошида ситамлар кўп эди аммо.
 Онадир Хоразм буюк зотларга,
 Уларга кўз берди, дил берди ёруғ.
 Уларнинг руҳлари эшдари ўтларга,
 Заминнинг кўксига излари кутлуг.
 Онанинг қўлида бугун қақалоқ
 Кўёшга талпинар кўзларин очиб.
 Эҳтимол, юлдузга бўлар у ўртоқ
 Эҳтимол, кўёшга етар қулочи.
 Кўёш кириб келар Она дилга,
 Оппоқ кушлар унда қура бошлар ин.
 Гўё кепкасини олиб қўлига
 Она-бола бахтин қутлайди Ленини.

* * *

Соҳил бўйлаб ялтиллади Қорақум,
 Олтин қум бу, ёлқин қум бу, сара қум.
 Ҳар зарраси нур томчиса саналур,
 Шоирларнинг илҳомчиса саналур.
 Кам эмасдир чексизликда самодан,
 Ёвшанлари қолишарми раънодан.
 Саксовули қай гужумдан кам эрур,
 Қум бағрида минг бир чирой жам эрур.
 Қоялардай пурвиқордир барханлар
 Барханларда кўнмиш не-не карвонлар.
 Қум ўтларин лола янглиғ қулдириб
 Дилни куйга — шалолага тўлдириб,
 Ушалтириб юракларнинг армониин
 Бугун ўтар янги хаёт карвоини.
 Карвонбоши ннгоҳидан нурланиб,
 Уюм-уюм тилла каби товланиб,
 Кўёш бўлиб порлаб ётар Қорақум,
 Кучоғига чорлаб ётар Қорақум.
 Она-ерининг саховати беадоқ,
 Қалбга берар ҳаловати беадоқ.
 Гиёҳида минг бир дардга малҳам бор,
 Лойқа суви энг шифобахш доривор.
 Полиз кезиб ўтган одам бир қарра,
 Гурвағидан тотган одам бир қарра,
 Хуш бўйи-ю шарбатидан бўлиб маст
 Умр-умр хасталикка чалинмас.
 Бунда оққош кумуш каби товланар,
 Оқновотнинг тилимлари тил ёрар.
 Кўёш нурун шимиб ётган гулоби!
 Лаззатлидир гўё гуржи шароби.
 Шундай меҳмоннавоз, саҳий диёр бу,
 Олган билан адо бўлмас зиё бу.

* * *

Обидалар, обидалар,
 Тил берса
 Сўзларига бўлармикан ниҳоя.
 Агар унинг битта гишти гапирса
 Юз оқшомга етадиган ҳикоя.
 Юпунларнинг аччиқ-аччиқ кўз ёши,
 Ғазаб ўти, матонати, бардоши,
 Тошга дўниб, айлаб кукка эътимод
 Минорая гумбаз бўлиб чўзди қад.
 Боболарнинг машаққатли шони ҳам,
 Юракларнинг сирқиб оққан қони ҳам,
 Ҳақсизликка қарши кураш, галаён
 Обидалар виқорида намоён.
 Бу юртда қалъа кўп — вайрона кўпдир,
 Дилни вайрон этар тарона кўпдир.

* * *

Ҳали йўл қалтисдир,
 Ҳали йўл узоқ.
 Ҳали қиличларда совумаган қон.
 Ҳали ҳар одимда учрайди тузоқ —
 Ҳали ҳар одимда берилар қурбон.
 Ҳали сафар олдда,
 Ҳали зафар олдда!
 Ҳали олдиндадир шуълою қақмоқ.
 Сўнмас эҳтирослар уйғотиб қалбда
 Тонг каби кулажак муқаддас тупроқ.
 Чўлларни яшнатар инсонлар қўли,

1 Гурвак, оққош, оқновот, гулоби —
 Хоразм қовунилари.

Дунёни яшартиб эртанги келар.
 Дилларда ёритиб истиқбол йўлини.
 Илйич ғоялари беради келгаш

* * *

Феъли қалай ҳозир гирдоб-ўпқоннинг,
 Ким билар тақдирнинг недур нияти.
 Билармудир қия, наҳру уммоннинг
 Ленининг асрамоқ масъулиятини.
 ...Кема сузиб борар тўлқинлар оша,
 Ажалқия сари келар дўкиллаб,
 Иштихон олди бўз боладай шошиб,
 Кемачи тақдирдан яхшилик тилар,
 Йўловчи тикилиб боқар қияга,
 Теллагин ечиб ва кийиб қўяди.
 Ҳайкалга кўз ташлаб, ғовлаб мияси
 Зимдан қовогини уюб қўяди.
 Меъмор қочирмайди уни ҳеч кўздан,
 Қора ниятларин сезиб боради.
 Ғарбдан эсаётган шамолдай тезлаб,
 Кема қия сари сузиб боради.
 Биласиз, одамхўр Ажалқия бу,
 Оч бўри сингари тўймаз ютоқиб.
 Қирғоқ бетндаги қора куя бу,
 Лолагун соҳилнинг юздаги доғи.
 Шамол ваҳимдек борар зўрайиб,
 Тўлқин тинмай пичоқ қайрайди гўё.
 Икки елкасига сочларин ёйиб,
 Жазава ичида пишиқар дарё.
 Ана, кема кирди тўлқин қаърига,
 Белини қайириб ташлади гирдоб.
 Энди дарё уни уриб қияга
 Минг жойдан синдириб этмасми хароб.
 Йўловчи-ғаламис кема ичида
 Ҳайкал сари борар мункиб-юлқиниб.
 Уни улоқтирмоқ истайди сувга,
 Кош ютса дарёнинг асов тўлқини.
 Ленинга қўлини кўтармоқ бўлар,
 Ва лекин меъмор-ла келар юзма-юз...
 Дарё йўловчинин қаърига олар,
 Ҳайқирар, ўшқирар — тугёни чексиз.

Йўловчи чўнтагидан тушиб қолган мактуб

«Сўзимни ўқиб ол, Саиджон тўра,
 Тонг-саҳар йўлга чиқ, Чоркўйга жўна.
 Шамолдан тезроқ уч, қайрилма ортга,
 Қамчи бос, қамчи бос, қамчи бос отга.
 Чоржўйдан чиқади бир кема улли,
 Уни бошқаради икки доғули.
 Бири кемачидир, исми Раҳмонқул,
 Бири меъмор эрур, уста Содик ул.
 Улар битта Ҳайкал олиб келурлар,
 Уни Хоразмга бахт деб билурлар.
 Карвондан қолган бир мусофир бўл-да,
 Кемага чиқиб ол, тез отлан йўлга.
 Уни даф қилмасанг эмассан Саид,
 Сенга омад тилаб, сардор Жўнаид».

Кемачининг сўнги сўзи

Мен уни танирдим, Саид тўрани,
 Ҳисобсиз мол-мулки, зарри бор эди.
 Қамчисиз қон эди ҳамшира, яъни
 Камбағал одамга зўри бор эди.
 Аввал бир чанг солиб кўрди Шўрога,
 Қўллари қайрилгач, қумга чекинди.
 Бизга дўч келишин кўринг дарёда,
 «Мусофирман», деди, аблаҳ юкинди.
 Мен ҳам ишонибман лаққа, гўлман-да,
 Бўлмаса тикилиб қарамасмидим.
 Оз қолди бўлишга элда шарманда
 Уша мунофиқини, ярамасини деб.
 Одам хом сут эмган дегани шу-да,
 Майли, бир олдирав хассасин кўр ҳам.
 Уни ютганидан дарё осуда,
 Енгил нафас олиб ер ана кўркам.
 Ишлар шунақадир, Владимир Ильич,
 Гўллик қонимизда бор экан, нетдик.
 Лекин яхши ният ўзи зўр илнж,
 Илнж-да яшадик, ниятга етдик!
 У бўлса кўнгли кир йўловчи эди,
 Ярим йўлда ўзи ўз бошин еди.
 Дунё иши шундоқ, Владимир Ильич...

1 Улли — қатта.

Хотима

Яна тозаланди қулдан чойўчоқ,
 Яна олов ҳиди урди димоққа.
 Яна учқунларин сачратиб сазоқ!
 Ширин буй таратди икки қирғоққа.
 Кўмач пиширишга тутинди меъмор,
 Кемачи зеб берди ана гўлларга.
 Яна кўк юзидан тарқади ғубор,
 Ғуборсиз завақ берди офтоб дилларга.
 Кема осойишта сузиб боради,
 Тавозе қўрсатар ювашо оқимлар.
 Югюра-югюра гўё қориди
 Бетизгин тўлқинлар, беваш оқимлар.
 Аммо ким ҳам билмас Амударёни,
 Саксон ўзгаради соат ичинда.
 Гоҳ сенга бахш этар сўбҳи сабони,
 Гоҳ ўртар қоронғи офат ичинда.
 Лекин шу-ку элнинг ризки, нон-тузи,
 Бағри тўла тўфон, бағри тўла зар.
 Тўфонни жиповлаб Амунинг ўзи
 Ленинни бошига кўтариб келар.

1964 — 1983 йиллар

Урганч.

1 Сазоқ — саксовул.



Эвара — бобо қувончи.

В. Лешченко фотоэтноди

УЛУГ АЛЛОМА АБАДИЯТИ



Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган

тантанали мажлис президуми.

Л. Гусейнов ва В. Молгачев фотоси

Буюк аллома Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллиги мамлакатимизда совет фани ва маданиятининг улкан байрами сифатида кенг нишонланди.

Шу йил 6 сентябрда Москва илмий жамоатчилигининг Ал-Хоразмий юбилейига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Тантанали мажлисини СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Ал-Хоразмий юбилейи Иттифоқ ташкилий комитетининг раиси, академик П. Н. Федосеев кириш нутқи билан очди.

Атоқли олим туғилган куннинг 1200 йиллигини кенг нишонлар эканмиз,— деди у,— биз жаҳон цивилизацияси — халқлар ижодий фаолиятининг муштарак самараси бутун инсониятнинг гоёат қимматли мулки эканлигини яна бир бор таъкидлаймиз. Совет кишилари турли мамлакатлар ва давлатлардаги атоқли фан ва маданият арбобларини, халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётини ривожлантиришга улар қўшган жуда катта ҳиссани юксак баҳолайдилар ва гоёат ҳурмат қилдилар.

Олимнинг илмий меросига баҳо берарканмиз, аввало унинг илмий фаолияти у яшаган замоннинг ҳаётий манфаатлари ва талабларига қай даражада мос бўлиб тушганлигини ҳисобга олиш лозим,— деб таъкидлади П. Н. Федосеев ўз сўзида.— Бу жиҳатдан Ал-Хоразмийнинг ижодий мероси жуда катта илмий ва амалий аҳамияти билан бизни ҳозирги кунда ҳам қойил қолдиришда. Деҳқончилик, айниқса, сугориладиган деҳқончиликнинг зарур эҳтиёжлари, каналлар қазихи, ер ўлчашнинг янги усуллари — булар Ал-Хоразмий шугулланган ва ўзининг математик рисолаларида жавоб қайтаришга ҳаракат қилган амалий масалаларини тўла бўлмаган рўйхатидир. Ал-Хоразмий илмий ижодини ўрганишнинг халқаро характери турли мамлакатлар олимларининг халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда мустақамлашга қаратилган самарали ҳамкорлигининг ажойиб намунасидир. Биз атоқли жаҳон олимларидан бирининг юбилейини нишонлар эканмиз, совет илмий жамоатчилиги инсонпарварлик аъёналарига, инсоният маданиятининг бутун тарихида чўқур из қолдирган тинчлик идеалларига содиқ эканлигини таъкидлаймиз...

Аллома юбилейига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ЮНЕСКО Бош директори А. М. М'Боу нутқ сўзлади. У Ал-Хоразмий Шарқнинг буюк фарзандлари билан бир қаторда туршнинг мамнуният билан қайд ўтди. Шарқнинг буюк фарзандлари сиймосида бўлгани кунда ЮНЕСКО амал қилаётган маданиятлар тинчлик ва дўстлик, ўзаро маънавий боғиш вазиятидаги ўзининг истиқболига эга бўлади, деган шиор мўжассам ифодасини топган,— деди сўзининг охирида М'Боу.

Шундан кейин улуг юрtdошимиз юбилейига бағишланган тантаналар Москвадан Тошкентга кўчди. 10 сентябрда Алишер Навоий номидаги Давлат

академик опера ва балет катта театрида Ал-Хоразмий юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси, юбилей ташкилий комитетининг раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев «Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий жасорати ҳақида» доклад қилди. Нотиқ ўз докладыда буюк юрtdошимизнинг ҳаёти ва илмий мероси тўғрисида батафсил тўхтади.

— Гарчи Ал-Хоразмий давридан буён орадан 12 аср ўтган бўлса-да,— деди у,— олимнинг доно гоёлари ёрқин шуъласи ўрта аср зулматидан ўтиб бизгача етиб келди ва бугунги маданий тараққиётга хизмат қилмоқда.

Тантанали кечада мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ва чет эллардан келган меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб, Ал-Хоразмий даҳосининг жаҳоншумул аҳамиятини мамнуният билан таъкидладилар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, ЮНЕСКО Бош директори А. М. М'Боу, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев ҳамда республика-миз партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

Ал-Хоразмий юбилейига бағишланган тантаналар улуг алломанинг туғилган юрти — Хоразмда давом эттирилди. 12 сентябрь кунин Урганчда Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий юбилейига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Худойберганаов «Ал-Хоразмий илмий фаолиятининг аҳамияти тўғрисида» доклад қилди. Докладчи ва кечада сўзга чиққанлар: венгриялик олим М. Миклош, Урганч пиллакашлик фабрикасининг ишчиси Б. Бобожонова ва

бошқалар аллома юбилейи мамлакат ҳаётида катта воқеа бўлиши билан бирга кенг халқаро аҳамиятга ҳам молиқлигини таъкидладилар.

Урганчдаги Ал-Хоразмий номи билан аталган майдонда алломанинг қизил гранитдан ўйиб ишланган олти метрли ҳайкалининг очилиш маросими ҳам ўзига хос халқ байрамига айланди. Хивадаги кўҳна Оллоқулихон саройи биносида эса Ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган кўр-газма очилди. Кўргазма меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шарқнинг буюк алломаси Ал-Хоразмий шарафига ўтказилган юбилей тантаналари замонларнинг алоқаси, тарихий аъёналарга, халқлар босиб ўтган йўлнинг улугворлигига бўлган эҳтиром ва эъзоз рамзидир.

ТОШКЕНТ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Қадимий ва навқирон Тошкентимиз азаддан аҳоли яшаб келган муҳим маданий ва савдо марказидир. Тошкент воҳаси қадимдан ўзининг қулай географик ўрни ва муҳити, табиий бойликлари, иқлими, сувга сароблиги ва инсонлар учун зарур бошқа шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан кишиларнинг эътиборини тортди келган. Тошкент заминида 3000 йилча муқаддам маҳаллий халқлар чорвачилик, овчилик, балчиқчилик ҳамда илк бор деҳқончилик билан шугулланганлар.

Кейинги йилларда Тошкент ва унинг атрофларида олиб борилган археологик текширишлар катта илмий аҳамиятга эгадир. Бу текширишлар Тошкентнинг ёшени 2000 йил деб белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Тошкент шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган Шостепада олиб борилган археологик қазув ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Тепаликнинг «Шостепа» деб аталлигининг ўзи ҳам унинг қадимийлигидан ишонадир. Охириги беш-олти йил мобайнида бу ерда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида куйдагилар аниқланди:

Шаҳарнинг зардуштийлик, яъни оташпарастлик динига сиғинувчи

халқларнинг муқаддас диний китоби «Авестода тилга олинган шаҳар, яъни Урта Осиёда биринчи пайдо бўлган шаҳарлардан бири эканлиги маълум бўлди. Одатда, археологлар топган ёдгорлиқни шаҳар деб аташлари учун бир неча шартлар, яъни хусусиятлар бўлиши лозим. Шостепадан топилган топилмалар эса ана шу шарт ва хусусиятларга тўла жавоб бўла олади. Жумладан, шаҳар мустақкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Бир неча жойдан мудофаа деворининг қолдиқлари топиб текширилди. Деворнинг қалинлиги 4 метр бўлиб, катта ҳажмидаги хом гиштлардан ва пахсадан тикланган. Баъзи жойларда деворлар орасида узун йўлаклар ва бўйнималар, бир неча жойда дарвозалар бўлган. Деворларида душманга ўқ отишга мўлжалланган қитор пайконсимон ши-наклар жойлашган. Шаҳарнинг марказий қисмида Арк жойлашган бўлиб, у археологик жиҳатдан ўрганилди. Айниқса, унинг тарқиқ диққатга сазовордир. Тарқинг асосий марказий хонаси хоч (арифметикадаги қўшув шаклига ўхшаш) шаклдадир, атрофида ёрдамчи хоналар мавжуд.

Шостепадан ҳунармандчилик маҳалларининг ва тураржойларнинг қолдиқлари ҳам топилди. Шаҳарда дастлабки даврда савдо-сотик ривожланган, турли хил ҳунармандчилик тараққий этган. Топилган қазилмалар орасида ихчам ва сифатли ясалган сопол куюсалар, ликобчалар, хумлар, фил суягидан ясалган ва одам шакли туширилган қадаҳлар эътиборни ўзига тортади

Шостепада олиб борилган археологик қазилар натижасига асосан, Тошкент территориясида дастлаб шаҳар маданиятининг шаклланиши меллоддан аввалги II—I асрларга тўғри келади. Шостепа кўчманчилик, чорвачилик билан шугулланувчи халқлар билан ўртоқ деҳқончилик қилувчи аҳоли ўртасида — «Буюк ипак йўли» ёқасида жойлашгани учун қадимдаёқ маданияти нисбатан тараққий этган шаҳар бўлган.

Кейинги вақтларда, тўғрироғи, меллодий эранинг бошларида қадимий Тошкент (ҳозирги темирйўл вокзалининг шимолидаги) Солор арғиғи ёнида жойлашган. Солор Чирчиқнинг ўзлавлари билан бири ҳисобланиб, унинг атрофида яқин вақтгача тепалик ҳолда шаҳар қолдиқлари учрар эди.

VIII аср бошларида Урта Осиёга араб босқинчилари кириб кела бошладилар. Бу давр Чоч ўлкаси учун фоживай воқеаларга, урушларга тўлиқ бўлди. VIII асрнинг иккинчи ярмига келиб Шош араб халифалигига бўйсунди. Кейинчалик шаҳар аҳолиси Бўзсув, яъни Анҳор ва Кайковус қирғоқларига кўча бошлади. Мазкур каналлар ўша даврда қазилган эди. Бўзсув атрофидаги унумдор ерлар деҳқончилик учун қулай ва серҳосил жойлар эди. VIII асрнинг охирида Бўзсув атрофида янги шаҳар вужудга кела бошлади. Бу жой ҳозирги Урда ва Эски Жува оралиғига тўғри келади.

Шаҳарда тез-тез бўлиб турадиган кўзгюлолар VIII асрда унинг араблар томонидан яна вайрон қилинишига олиб келди. Лекин меҳнатқашларнинг қадок қўллари шаҳарни тагин қайта тиклади. Араблар зулми 150 йил давом этди. Кейин эса араб халифалиги заифлаша борди. Натижада Урта Осиё ва Хуросонда мустақил маҳаллий давлатлар вужудга келди.

Х а с р о х и р и — XI асрнинг бошларида келиб шаҳар Бинкент номи билан атала бошлади. Бу даврда Тошкент маҳаллий Сомонийлар давлатининг қўли остида эди. Шаҳарнинг янги тараққиёт босқичи X—XII асрларга тўғри келади. Шаҳар ички шахрис-

тон ва шаҳар атрофи эса работ билан уралган эди.

Бинкент Сомонийлар даврида Чоч ва Илоқ ҳавзасидаги энг йирик шаҳар эди. Шаҳар маҳсулотларига чет-да талаб катта эди. Уша даврларда анча ривожланган Бинкентнинг сирли ранг-баранг нақшли сопол идишлари Шарқда жуда машҳур бўлди.

XI асрга келиб Шарқдан кўчманчилар давлати — Қорахонийлар юриш қила бошлади. Улар Сомонийларни енгиб, уларнинг маркази Бухоронни ишғол қилдилар. XI асрдан бошлаб Бинкент шаҳри Тошкент деб атала бошлади. Бу ном Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида ҳам учрайди.

X—XI асрларда Тошкент йирик маданий ва сийсий марказга айланди. Каналлар тармоғи кенгайди. XIII асрда Тошкент Мухаммад Хоразмшоҳ қўлига ўтди. XIII аср бошларида, яъни мўғуллар келишидан аввал Мухаммад Хоразмшоҳ Тошкентни ата-йин вайрон қилди. XIII аср бошларида келиб мўғул босқинчилари жуда катта куч билан Урта Осиё устига ёпирилиб келдилар. Улар Ут-рош шаҳрини қонли жанглар билан ишғол қилган. Тошкентга тобора яқинлашиб қолдилар. Шаҳар аҳолиси эса душманга қарши мудофаа ташкил қилди, мудофаа деворларини яхшилади ва жангга ҳозирлик қурди. Халқнинг кучи билан мўғул босқинчиларининг бир қанча ҳужумлари қайтарилди. Лекин шаҳар узоқ қамалдан сўнг душман қўлига ўтди. XIII асрнинг ярмидан бошлаб Тош-

кент мўғул истилочиларининг зулми остида қолди. Мўғуллар даврида Тошкентда пул, яъни танга пул ишлаб чиқарадиган устахона бўлганлиги қўлёзма манбалардан маълум.

Кейинги асрларда Тошкент қўшни хонлиқлар ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб турди. Баъзан катта хонлиқларнинг маркази, яъни пойтахти бўлди.

Мўғул хонликлари Темирийлар томонидан тор-мор этилгандан сўнг, XIV асрга келиб, Тошкент яна ўзини тиклади...

Тошкентнинг XVIII асрдаги ижтимоий ҳаётида қуйидаги манзарани кўраемиз. Бу даврда шаҳар Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Себзор, Кўкча даҳаларига бўлинган бўлиб, ҳар қайси даҳанинг ўз ҳокими бор эди. Бу давр тарихида чор ҳокимлик даври деб аталади. Чор ҳокимлик даврида тошкентликлар ўзаро жанг қилиб турар эдилар. Кўпичча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхонтоҳур даҳасига уруш бошлар эдилар. Баъзан Шайхонтоҳур даҳаси билан Бешёғоч даҳаси бирлашиб, бошқа даҳаларга ҳужум қилдилар.

Вақтлар ўтиб, Тошкент шаҳри кенгайиб бораверди. Масалан, XIX асрга келиб Тошкент ўзгронининг 12 та дарвозаси бор эди: Камолон (ҳозирги Бахт кўчаси ўрнида), Бешёғоч (Бешёғоч колхоз базори билан Ленин қамсомоли номи боғ оралиғи), Кой-кўча (Ўзбекистон кўчасидан 9 Январь кўчасига бурлиш ўрни), Кўқон (В. И. Ленин номидаги майдон ёни), Қашқар (ҳозирги маҳус олий мили-

ция мактаби ёни), Лабзак (Хуршид кўчаси билан Анҳор чорраҳаси), Тاختапул (Собир Раҳимов номи кино-театр ёнидаги Кайковус арғиғига қурилган кўприк атрофи), Қорасарой (Қорасарой кўчасининг гузари), Сақбон (Сақбон кўчасидаги 11-мактаб билан Кайковус оралиғи), Чигагой (ҳозирги Форобий кўчасидаги Чигагой дарвоза гузари), Кўкча (Кўкча гузари), Самарқанд (ҳозирги Самарқанд дарвоза кўчасининг гузари), дарвозалари ўз даврида муҳим стратегик ва савдо-сотик аҳамиятга эга бўлган.

Бир оғиз сўз Тошкент дарвозаларининг калитлари ҳақида. Дарвозаларнинг темир калитларидан ташқари ўн иккита рамзий маънодаги олтин калити ҳам бўлган. Бу олтин калитлар Тошкентнинг тарихи тугамайди. Агар 1865 йилда бу калитлар рус подшоғига тобелик белгиси сифатида топширилган бўлса, 1933 йилда Ўзбекистон ССР ҳукуматининг илтимоси билан Совет ҳукумати бу калитларни Тошкент тарихига оид қимматли ёдгорлик сифатида республикамизга қайтариб берди. Калитларни Ўзбекистон

ССРнинг Москвадаги доимий вакили Мухиддин Турсунхўжаев қабул қилиб олади. М. Турсунхўжаев шу йили бу калитларни Ўзбекистон ССР Тарихий ёдгорликларини сақлаш комитетининг раиси Низомиддин Хўжаева топширади. Бу ҳақда ёзилган ақтинг нусхаси Ўзбекистон Халқлари тарихи музейи фондида сақланмоқда.

1935 йилда Низомиддин Хўжаев ташаббуси билан калитларнинг сифатини текшириш юзасидан комиссия тузилди. Текшириш шунинг кўрсатдики, калитлар қумушдан эмас тоза олтиндан ясалган. Шаҳримиз ўтмишининг шоҳиди бўлган бу калитларнинг ўн биттаси Давлат Банкада ва биттаси эса Ўзбекистон Халқлари тарихий музейи фондида сақланмоқда.

Мазкур олтин калитлар билан шаҳар дарвозалари очилмаган, аслида улар ҳақиқий темир калитлардан анча кичик. Ҳар бир калитнинг узунлиги 16 сантиметр бўлиб, оғирлиги 165—167 граммдир. Олтин калитлар устига уларнинг ясалган вақти 1282 (ҳижрий йил ҳисоби бўйича) реқами ва Тошкентнинг ўн иккита дарвозасининг номи ёзилган.

Мазкур қиёямиз қадимий ва навқирон шаҳримиз бой тарихидан бир шингилдир, холос.

Шорасул ШОРАҲИМОВ,
тарих фанлари кандидати,
археолог

ИККИ ҚИТЪА МУШОИРАСИ

То Х И У

Файз Аҳмад Ф А Й З

То Хиу (1920 йилда туғилган)—
вьетнам инқилобий шеърятининг
асосчиси. Йирик давлат ва жамоат
арбоби.

Файз Аҳмад Файз (1913 йил туғилган)—
покистонлик шоир, урду
ва панжоб тилларида ижод қилади. Покистонда Тинчлик тарафдор-
лари ҳаракатининг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири. 1950 йил-
дан буён Бутунжаҳон Кенгашининг аъзоси. «Халқлар ўртасида тинч-
лини мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти (1962 йил) ва
«Нилуфар» мукофоти (1975 йил) лауреатидир.

Туринг!

Узгалар баланддир — биз чўкканда тиз!
Сўраб-ёлборишлар бермайди ёрдам.
Тақдир хўжайини бўлмоқ-чун ҳар дам,
Туринг, халқим, ҳукм этинг ўзингиз.

Ғазабдан кўқарган чоғларида ёт,
Эшиклар тақиллар, юрак безоата.
Мамлакатни қонга ботирган ёвда
Нима қилсин шафқат, не қилсин нажот.

Туринг, халқ! Яшашга ҳуқуқимиз бор!
Майли, парчинласин, айирсин ҳушдан,
Буюк зафар сари ошиб ўтишда
Кўприк бўлғусидир ҳар шахид шунқор.

Ленинград. Пискарёв қабристонини

Совуқ тошлар узра азадор,
Оппоқ лавҳаларнинг бурчакларида
Гуллар чайқалади: мусаффо қон бор
Сачраган оловдай чечакларида.
Қабрлар тошига ёзилмаган ном,
Лаҳат ичра ётган марҳумлар жисмин,

Қайғуси мангулик тириклар исмин
Билолмайди гуллар ҳам мудом.
Уғлон қабристонда ухлайди мангу.
Она кўзларига доримас уйқу,
У чекиб қадар,
Қайғусидан боғлар гулчамбар.

Кун оғишида

Субҳас МУКЕРЖИ

Мукержи (1919 йил туғил-
ган)— ҳиндистонлик шоир, бен-
гал тилида ёзади. У Владимир
Маяковский ва Нозим Ҳикмат-
ни ўз устозлари деб билади.
Сахитья академиясининг муко-
фоти (1968 йил) ҳамда «Нилу-
фар» мукофоти лауреатидир.

Мағриб осмонида кесишди чизиқлар,
қонли Гангни шаҳарга қуйиб,
пиёдалар кўз ўнгиде хўмайиб
бутунлай
уйқуга қийшайди
қуёш.
Тор кўчалар бироз тинди,— ва тезда
яқинда ҳодиса рўй берган жойда
полициянинг қора машинасида
шовқинсиз бўлди пайдо
оқшом.

Хона бўйлаб бордим, эшикни бекитдим,
чироқни ёқдим — қора қоплон бўлиб,
ёпилмаган ойнадан елкасин букиб,
кўчага сакраб чиқди
нимқоронги.
Деразага келдим, дарпардани йиғдим,
ёқимтой бугудек эркаланиб дарров,
мени қучиб олди ҳуркак ва тезоб,
қайтиб сакрашга тайёр турган
оқшом.

Эргаш МУҲАММАД таржималари

Назул ИСЛОМ,
Бангладеш

Сени излайман

Сени излаб, қакирурман — йўлдан мудом,
Ибтидолар ибтидоси — сени излайман.
Олислардан келган қадам товушларингни
Тунлари-да мен бехато таниб, илғайман.

Енаётган юлдуз каби сен тушларимга
Шиддат билан отиласан ҳар тун беомон,
Ташналиқдан ҳалсизланган қўшман — вужудим
Иссиқ ҳаво ичра, сувга ташнаман ҳамон.

Онгимдаги зулмат ичра сен ёруғ нурсан,
Боғларга-да кўрк бахш этган кўкдаги булут.
Юксакларда чақнаган ул оний чақмоқсан,
Қалдиросан даҳшат солган, беҳудуд сукут.

Сен — бу оғир йўлларимда ёлғиз ишончим,
Сенга атаб тўқиялман тенгсиз гулчамбар.
О, мен сени, фақат сени излайман ҳамон,
Мудом сени излаялман, аммо бесамар...

Йўловчилар олмайман
Бу эскирган қайиққа,
Не фалокат дуч келса
Кутиб олурман якка.
Сузурман, дарё асов —
Ютмоқчи бўлар гирдоб,
Гирдоблар ичра ўзга
Соҳилга етиш азоб.

Сокин пайтлари дарё
Юзарди унда аксинг,
Тонг юлдузидай ёруғ,
Саямдай покизайдинг.
Бўрондан синди ойна,
Ул изларинг йўқолди,
Ениб битди юлдуз ҳам,
Фақат ёлғизлик қолди...

Қандай чиқай соҳилга,
Унда не ҳам топурман,
Юракни дардга кўмиб,
Дардимни сир тутурман.
Вақт ўтар. Қурир дарё.
Қайта тўлғай ҳайқириб,
Бари қайтгай, лекин сени
Топиб бўлмас ахтариб.

Туман ичра сузурман,
Қайғум тўлиб юракка,
Нотинч дарё ичин-да,
Гирдоб ичинда якка.
Сузурман — бари бекор —
Гирдобга тушди умрим,
Мадорим куримоқда,
Чўкмоқдадир қайиғим.

Исмоил МАҲМУД
таржималари



Тошкентдаги Вагон-ремонт заводи ишчиси, коммунист
Худойберган Мансуров.

В. Лешченко фотоси




Р. ВИКО. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ака-
демиги, астроном В. П. ШЧЕГЛОВ.



РАССОМ ИШ УСТИДА.

БРИГАДА БОШЛИҒИ.




ТАБИАТ САХОВАТИ.




СССР ХАЛҚ РАССОМИ
РАҲИМ АҲМЕДОВ
АСАРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР

ҲАМИД ОЛИМЖОН.

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ НАБИ РАҲИМОВ.



ОҚТОШ.





Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириб, ишга туширишда ўзбекистонлик мутахассислар зўр шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: Новгород областидаги Ўзбекистон-Парфин Сув қурилиши трести бошқарувчиси Ҳақим Абилов мутахассислар билан биргаликда янги режалар устида маслаҳатлашмоқда.

Новгород область, Парфин районидаги «Дружба» совхозида Самарқанд студентлари қурган уйлар. Р. Шамсутдинов фотолари (ЎзТАГ)



ҚУЁШ ҲАРОРАТИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Биз янги ва самарали энергия манбаларини излаш, улардан рационал фойдаланиш йўлларини излаш борасидаги ишларини кучайтирмоғимиз керак.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан

Маълумки, илмий-техника революцияси ва ишлаб чиқаришнинг бугунги тараққиёти натижасида энергияга бўлган талаб кун сайн ўсиб бораётди. Кун сайн ортиб бораётган бу талабларни нефть, тошкўмир, газ, электр ва бошқа тур энергия манбалари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келмоқда.

Жаҳон олимлари қуёш энергиясидан фойдаланишга доир илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор бера бошлади. Айниқса, қуёш ҳарорати ёрдамида сарҳоддаги шўр сувларни қучитиш қурилмаларини яратишга қизиқиш кейинги пайтларда кучайди. Кўпгина мамлакатларда бундай қурилмаларнинг дастлабки намуналари ишлаб чиқарилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қўшни туркманistonлик геотехник олимлар ҳам қуёш сув қучитгичлари яратиш устида кенг қўламадаги тадқиқотларни амалга оширдилар.

Бироқ, яратилётган қурилмаларнинг иш унуми ҳали паст эди. Хўш, унинг иш унумини қандай йўл билан ошириш мумкин? Бухоролик ёш тадқиқотчи Туроб Жўраев мақсадини мазкур проблемани ҳал этишга қаратди. У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, УэФА Физика-техника институти қуёш энергиясини қайта ишлаш лабораториясининг мудири Ф. Е. Умаров ва Бухоро Давлат педагогика институти физика кафедрасининг доценти, техника фанлари кандидати Б. М. Очиплов раҳбарлигида илмий кузатишлар олиб борди.

Тажриба ва тинимсиз изланишлар ўз самарасини берди. Ёш тадқиқотчи бошқа республикаларда қўлланилаётган усуллардан воз кечиб, қия поғонали қуёш сув қучитгичлари конструкциясини яратди. Натижада қурилманинг иш унумини қарийб икки барабар оширишга эришди.

Аваалги қурилмалар парник шаклида бўлиб, катта юзадаги суви бугълатиш учун нисбатан кўп иссиқлик сарфланар эди. Т. Жўраев эса қўтисимон қурилма ясаб, қуёшга қаратиб қия ўрнатди ва поғоналарга бўлди. Бунда қурилманинг юқори қисмида қўйилган суви поғоналар маълум миқдорда ўзида тутиб қолади. Натижада сувини бугълаши тезлашади. Қурилманинг устки қисми шиша билан берkitилган. Парланган сув шишага урилиб, томчиларга айланади ва секин пастга сиза бошлайди. Махсус най орқали ташқарига узатилади. Сув таркибидаги туз эса поғоналарда тўпланаверади.

1974 йилда истеъдодли ёш олим Туроб Жўраев «Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қия поғонали типдаги қуёш сув қучитгичларини тадқиқ этиш» деган мавзуда диссертация ёқлаб, техника фанлари кандидати илмий даражасини олди. Туробжон ўзи яратган қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этишга киришди. Бу ишда Бухоро қоракўлчилик совхозлари трестининг инженери Аслон Одинаев унга ёрдамга келди. У ҳам қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича илмий иш олиб борарди. Иккала ёш олим Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида бу қурилмани йирик ҳажмда яратишга аҳд қилдилар. Ўзбекистон Қишлоқ қурилишлари илмий-тадқиқот институтининг группа раҳбари Марат Мусин уларга лойихалаш ишларида кўмаклашди. Кўп ўтмай совхозда йирик сув қучитувчи қурилма бунёд этилди. Техника соҳасидаги бу ишлар учун улар 1979 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлдилар.

Ҳозирги пайтда қуёш сув қучитгичлари ва қуёш совитгичлари халқ хўжалигига қандай самаралар келтириши мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун Конимех район «Октябрь 40 йиллиги» совхозидagi қурилмани мисол келтирайлик. У ердаги табиий қудук сувларини истеъмол қилиб бўлмайди. Совхозга чучук сув цистерналарда темир йўл орқали аввало яқин станциягача келтирилади. Кейин эса автотранспорт воситасида аҳоли пунктларига ташилади.

Натижада, хўжалик ҳар тонна сув учун 8 сўм 30 тиийн сарфлайди. Тўрт йил муқаддам совхозда бунёд этилган 504 кавадрат-метр ҳажмдаги қуёш сув қучитгич қурилмаси эса сўтқасига ўртача 5 тонна атрофида чучук сув етказга бошлади. Бундай усулда олинган ҳар тонна сув учун сарф-харажатлар атиги 2—2,5 сўмини ташкил этди. Хўжалик сувдан йилгига 8 минг сўмга яқин иқтисод қилаётди. Агар қурилманинг ҳажми кенгайтирилса, табиийки, иқтисодий самарадорлик яна ҳам ортиб боради.

Бу — бир совхоз миқёсида келтирилган мисол. Ахир, республикамизда қуёш қурилмаси ёрдамига муҳтож хўжаликлар озмунчами?!

Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш партия ва ҳукуматимиз ҳарорларида белгилаб берилган асосий вазифалардан биридир. Чўпон-чўликлар ёз бўйи яйловларда яшайдилар. Уларнинг ўтовлари батареали телевизор ҳамда радиоприйимниклар мавжуд. Бироқ, уларнинг холодильникдан фойдаланиш имкониятлари йўқ. Жазирама саратонда муздек сув ичиш, озик-овқат маҳсулотларини тоза сақлаш ҳали улар учун эртакдай бир гап. Ахир, битта ўтовга электр линияси тортиб келиш учун қанча симёғоч, сим керак бўлади? Бундай шароитда қуёш совитгичлари ўрнатилган холодильникларнинг қанчали қўл келишини бир тасаввур қилинг-а! Қуёш холодильниклари ишлаб чиқариш фақатгина халқ хўжалиги учун фойда келтирмасдан, балки катта социал аҳамиятга ҳам эгадир.

Институт геотехник олимлари яратган «ХАБ-120» серияли холодильник давлат қабул комиссияси томонидан синовдан ўтказилиб, халқ хўжалигига қўллашга тавсия қилинди. Шунингдек, техника фанлари кандидати Ю. Н. Ёкубов раҳбарлигида яратилган 600 кавадрат-метрлик гелиотеплица иссиқлик аккумуляторлари билан жиҳозланган бўлиб, улар қуёш ҳароратини ўзида тўплайдилар ва кечалари ёки қуёшсиз кунларда парникни муваққат температурада сақлаб туришга хизмат қиладилар.

Айни вақтда умумий физика кафедрасининг фаолиятига институт ректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан аربоби, физика-математика фанлари

доктори, профессор Вафо Араббевич Мўминов бошчилик қилмоқда. Профессорнинг айтишича, 60-йилларнинг бошларидеёқ Бухоро Давлат педагогика институтида қуёш энергиясини тадқиқ этишга киришилган. Дастлаб Бўрон Очиплов қуёш сув қучитгичлари, Юнус Ёқубов гелиотеплицалари ва Ориф Шодиев қуёш совитгичлари яратиш устида ишладилар. Кейинчалик уларнинг сафига Туроб Жўраев, Рустам Ахтамов, Эргаш Норов, Аъзам Воҳидов ва Юнус Усмонов сингари иқтидорли ёшлар келиб қўшилдилар. Уларнинг бarchаси кандидатлик диссертацияларини муваффақиятли ёқладилар. Ҳозир Раҳмон Мирзахўжаев, Сиддиқ Қаҳқоров, Очил Қомиллов, Зухр Тоиров, Салим Шодиевлар илмий изланишларини якунлаш, Бўрон Очиплов ва Юнус Ёқубовлар эса гелиотехника бўйича докторлик диссертацияларини ёқлаш арафасида турибдилар.

Тадқиқотларнинг бу йўсинда давом эттирилиши туғайли мавжуд гелиоқурилмалар устидаги кузатишлар чуқурлашаётди, уларнинг иш принциплари мукаммаллашиб, ижобий самаралар бераётди. Масалан, Туроб Жўраев яратган сув қучитгичнинг поғоналарида туз йиғилиб қолавер секин-аста қурилманинг иш унумини пастайтирар эди. Тўпланган тузин тозалаш учун эса кўп вақт сарфланар, баъзан очиб қўйиш жараёнида шишалар синиб кетар эди. Кафедра ўқитувчиси Сиддиқ Қаҳқоров унда йиғилган тузин тозалашнинг механик усули устида изланди. Изланишларнинг самараси натижасида қия поғонали сув қучитгичнинг иш унуми янада орттирилди. Техника фанлари кандидати Ориф Шодиев қуёш совитгичлари воситасида уй холодильникеларини ишлашга эришган бўлса, Раҳмон Мирзахўжаев, Салим Шодиев каби тадқиқотчилар йирик омборларни совитгич муаммоларини ҳал этаяптилар.


Ўтган йили вақтинча яшаш шароитларида фойдаланиш учун яратилган йиғма-ускуна — қуёш сув қучитгич қурилмаси Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кургазмасида намойиш қилинди. Унинг ихтирочилари дипломлар билан тақдирландилар.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ



Моҳир токар, коммунистик меҳнат зарбдори Саъдулла Мақсумов — Тошкентдаги Геология разведкиси механика заводининг илгор ишчиси. У шу йилнинг июль ойида ўн биринчи беш йиллик шахсий топириқларини мўддатидан аввал адо этиб, ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси



ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒ

Салимжон МАҲКАМОВ

Кўш боғлар орқасига ўтди. Атрофга салқинлик чўкди. Дарахларга қайтиб учиб келган чумчуларнинг чугур-чугури бошланди. Уч қаватли бинонинг мармар зинасидан ваэини қадам ташлаб ташабган тўлагина аёл эшик олдига тўхтаб, кўзойнагини қўлига олди-да, атрофга суқлиниб қаради.

— Бутун атроф яшнб кетибди-ку,— деди у муссаффо ҳаводан тўйиб нафас оларкан.

— Вера ола, ким билан гаплашаяпсиз!— унинг хаёлини бўлди рўпарадаги бир қаватли бино эшигини чикиб келган мўсафид,— у ёқ-бу ёққа қарасам, ҳеч ким йўқ, сиз бўлсангиз...

Вера ола кулиб кўйди.

— Биласизми, Жўра ака, атрофимга қарайманда, бу жойлар ёшлик йилларимизда қандай эди-ю, ҳозир қанақа бўлиб кетибди, деб ўша пайтларни эслаб кетаман.

Қирқ йилдан бери қабулхона котиби бўлиб ишлаб келаятган Вера Анисовна Швеци илмий бир-лаша тарихининг жонли гувоҳи, дейишди. Унинг дадаси Анисин Викторович бир минг тўққиз юз ўнинчи йилда ёш мутахассис сифатида Рихард Рихардович Шредер тақлифи билан бу ерга ишга келди. У гулчилик соҳасида анчагина ангилчилар яратди, унинг бу борадаги илмий тадиқоти Шредерга маъқул бўлди. Анисин Викторович бу орада рус-герман урушида қатнашди. У 1918 йилда яна Ташкентга, Р. П. Шредер раҳбарлигидаги тажриба станциясига қайтиб келди. У бу ерда гулчилик соҳасида иқтидорли олим сифатида умрининг охиригача самарали иш олиб борди.

Вера Анисовна тенгдоши, кўп йиллар давомида боғдорчилик бригадасини бошқарган Жўра Имомов билан гапланиб бориб, фаворалар суя пуракб турган хиёбондаги ўриндиққа ўтирди. Бундай пайтларда ёшлик йилларини эслаб, боғдорчилик ишларидан гапланиш кишига қанчалар ҳузур бағишлайди.

Хаёл Вера Анисовнани яна ўтмишга етаклади: Тўққиз-ўн ёшларда эди ўшанда. Отаси шаҳардан қатнаб ишларди. Ҳозирги ЦУМ магазинининг орқарида карвонсарой бўлгучи эди. Эрталаб ҳамма шу ерга йиғиларди. Улар турт гилдираки аравага ташвишарди, кейин йўл-йўлаккай Пушкин кўчасида яшовчи Рихард Рихардовични ҳам олардлар. Шаҳардан станцияга икки ярим-уч соатда зўрга келишарди. Ешлар учун ҳар кун келиб-кетиб завқли эди. Лекин баҳор ва куздаги лоғарчиликда тоқзорларда иш оғир эди. Ҳамма ишлар қўлда бажариладди.

Россия иккинчи ватани бўлиб қолган ажойиб боғбон Рихард Иванович Шредернинг ўғли Рихард Рихардович Шредер 1902 йилда Туркистонга келиб, Туркистон кишлоқ хўжалик тажриба станциясида ишлаб бошлади. Уша вақтда мўжазгина тажриба даласи бўлган бу ерда ёш олим Шредер иштиёқ билан меҳнат қилди. Идрокли, маҳалли миллат ёшларининг ишга қаққонлигидан, ҳушмуомалигидан жуда хурсанд бўлди. Масумий меҳнатга жалб қилинганлар орасида Ризамат исмий йигит ҳам бор эди. Узбек йигити ҳаракатчанлиги билан Рихард Рихардовичга ёқиб қолди. Ризамат гарчи саводсиз бўлса-да, эҳсин ўткир эди. У илнга алоқадор гапларни тез пайқаб олар, ишда бунга амал қилишга уринар эди. У олимнинг гапларини тинглаб бўлган, «башарти мана бундоқ қилсак-чи», мазмунда ўзи ҳам мулоҳаза билдирарди. Рихард Рихардович унинг фикрини таразига солиб кўриб: «Оббо сен-ё, мактаб курганингда, биздақаларга дарс берардинг-а», деб кулиб кўярди.

— Мактабга кирганингда, албатта домлам сиз бўлардингиз,— деди Ризамат жийлаёйи.— Ҳозир ҳам сизнинг мактабингиз талабасиман чоғи...

Шредер тажриба даласида асосан илмий ишлар олиб борарди. Ерининг тасарруфи Иванов деган боғчининг қўлида эди. Олим масумий ишга ёлланган ишчиларнинг меҳнатига жуда оз ҳақ тўлашини кўриб ачирса-да, қўлидан бирор ёрдам келмасди. Агар у шу тўғрида боғга бирор нарсга деса: «Бу ердаги тартиб ёқмаётган бўлса, мутахассисни алмаштириш қўлимиздан келади», деган жавобни эшитарди.

— Мана энди меҳнаткаш халқнинг елкасига офтоб тегаятган бўлди,— деди бир куни Рихард Рихардович Октябрь иккилобидан кейин. У ўзини халқ хизматкори, Ватан фидоисини деб билиб, илмий ишлари кўлимини кенгайтира борди. Ёш Совет ҳокимияти унинг талаб-эhtiёжларини ўша давр имкониятига яраша қондирар, унинг ташаббусини қўллаб-қувватлар эди.

Амалий тажрибасини устод олим Шредер ёнида юриб йил билан мустаҳкамлаган Ризамат Мусамухамедов узумчилик соҳасида етакчи ходим бўлиб, энди мустақил улаштин моҳирлик билан бошқарарди. У устози билан бирга янги, серҳосил узум навларини яратиб, эл эhtiёборига туша бошлаганди.

«Меҳнатсеварликда, янгиликни чидам билан юзга чиқаришда Рихард Рихардович ва Ризамат Мусамухамедовнинг тупроғи бир ердан олингандай», дейишарди ўшанда ҳамкасабалари.

Устоз Р. П. Шредер ҳақида Жўра Имомов шундай эслайди:

— Тўққиз-ўн ёшларимда дадам: «Юр ўғлим, кўзинг пишади, ҳар қалай, ёрдамнинг тегар», деб мени эрталаб ўзлари билан олиб кетардилар. Бир кун ток тараяганимизда Рихард Рихардович келиб қолди. У дадамдан мени сўради. Дадам гурурланиб: — Уғлим боғдорчиликка қизиқмади, ўчинчи синфини таломлади. Биз саводсиз бўлганимиз етар, уни ўқитаман, Рихард Рихардович,— деди. «Ўқисин, ўқганингни йўли ҳаммиса ёруғ»,— деди Рихард Рихардович. Уша кундан эhtiёборан Рихард Рихардовичдан узумчилик сир-асрорини ўргана бошладим. Кўп йиллар бригадир бўлиб ишладим, янги навларни синовдан ўтказишда олимларимизга кўмақлашдим. Ҳозир эса Улуғ Ватан уруши жароҳати вақидан энгилроқ ишдаман — кассирман.

Жўра ака алланарсалар ҳақида ўй сўриб, сўзида давом этади:

— Уттиз тўртинчи йил, ёш пайти эди. Эртаги мевалар ранг олиб, боғларга фойз кирган. Тажриба станцияси даровозис ёнига ўша пайтларда онданда кўзга ташланадиган энгил машиналар келиб тўхтади. Рихард Рихардович меҳмонларни самимий кутиб олди. У киши ёнида Ризамат ота, бошқа кишилар ҳам бор эди. Менинг дадамлар ҳам шулар орасида эдилар.

— Боғимизга хўш келибсизлар, Акмал Икромович, Йўлдош ота,— деди Рихард Рихардович кўндоқ овозда. Мен яхши танидиган район партия комитетининг биринчи котиби Василий Каймаков Шредер билан уларни боғ томон бошладди.

Р. П. Шредер республика партия ва ҳукумат раҳбарларига узум ва меваларнинг янги навлари, боғдорчиликнинг келажаги ҳақида ҳажжон билан сўзлар, уларнинг саволларига аниқ ва равшан жавоб берад эди.

— Мана шу янги навларни республикамизнинг бошқа ерларига кўпроқ тарқатиш керак,— деди Акмал Икромов Шредер ҳозир таърифлаган қирмизи олмани кўрсатиб.— Халқимиз мевани қўллаб истеъмол қилиши керак.

— Урик-олма, узум-шафтоли, қовун-тарвузи бўлмаган дастурхон-дастурхоним. Писта-бодом, ёнғоқор бўлса, нур-устига нур,— деди Йўлдош ота Охунбоев.— Бу Шредер оғайнимиз боғ шайдо-си экан. Унинг ва издошларининг фаолияти туфайли яқин келажагда Ўзбекистоннинг барча ерлари боғлардан либос кийса, ажаб эмас.

Акмал Икромов, Йўлдош Охунбоев боғбонлар билан самимий сўхбат қуриб, маслаҳатлар бердилар. Эhtiёжларини суриштирдилар.

Василий Каймаков меҳмонларни кузатган, Рихард Шредер, Ризамат Мусамухамедов ва станциянинг бошқа раҳбарлари билан янги режалар хусусида маслаҳатлашди.

Бирлашмаган ўша йиллардаги тарихи саҳифаларини арақлаганда, унинг бугунги тарқатиқти чўққисига чиқишда фидокорона ишлаганлар номини хўрмат билан эслаб ўтиш лозим. Улуғ Ватан урушидан аввалги бир неча йиллар давомида бу ташкилотни Собиржон Содиков моҳирлик билан бошқарди. Кексаларнинг эслашича, Собиржон ака ажойиб раҳбар эди. «Инсон кўчат эҳис, халққа яхши теккандagina, ўзини энгил ҳис этади»,— деди у.

— Еки бўлмаса Тожихон ая Пўлатовани олиб кўрайлик,— дейди Жўра ака,— у киши райком котиби эди. Дадаларимизнинг нимакни талаб-эhtiёжлари бўлса, ўша аяга айтишарди. Ҳамма илтимосларни бажонидий ўрнига кўяр эдилар.

Р. П. Шредер билан бевосита бирга ишлаган бўлса-да, олимнинг бу ерда ишлаган қирқ икки йиллик амалги меҳнати даврида яратган тажрибаларини аюлға ошираётган бригадирлардан бири — Наби Шокиров: «Р. П. Шредернинг дадаси ҳам, ўзи ҳам боғдорчиликда паст бўйли сермева дарахлар келажагда кўлайшини оруз қилган эдилар», дейди.

Наби ака бригадасида ана шу хил дарахли боғ-

лар юзга келди.— Йигирма саккиз гектар паст бўйли олмасоримиз бор,— дейди у.— Бу усулдаги боғларнинг ҳосилдорлиги бошқа боғларга қараганда юқори, Гектаридан 20—25 тоннадан олма териб оламиз. Масаланинг яна бир муҳим томони бор: паст бўйли боғда соҳибкорнинг иши анча энгил кўчади. Олмалар шалперга тараб қўйлади. Бундай усулда олма териш осонлашади. Яна иккинчи яхши томони, бундай боғларда ҳамма иш механизмлар ёрдамида бажарилади.

Наби Шокировнинг ўғли Азизбек ҳам ота изидан борди. У тажрибали цитрусчи Асом ота Иброҳимовга шоғирд тушди. Бир томондан, узоқ йиллар давомида ортирилган тажриба, иккинчи ёқдан, фан асослари омухта бўлиб, бирлаша лимонзорларида ҳосилдорлик йил сайин ошмоқда. Бултур уч гектар лимонзордан пладанга 28 тонна ўрнига 100 тонна ҳосил йиғиб олинди.

Бугунги авлод соҳибкорлари ишини кузатганда, улар ўзларининг улуғ устозлари — боғдорчилик ва узумчиликка бутун умрларини бағишлаган Р. П. Шредер, Ризамат ота Мусамухамедов сингари фидоий кишиларнинг илмий ва амалий аънавларини давом эттираётганликларининг гувоҳи бўласиз.

«Ота-онанга олтидан ҳайкал қўйма, улар номига тааб боғ қил!»—Ризамат отанинг бу ўғити шоғирдларнинг дилига го бўлиб кетган. Унинг ўзи ҳам шу олий мақсадга содиқ эди.

Бундан саксон йил бурун ёш Ризамат ерга тиккан ток қаламчалари ўсиб, кўпайиб, Ташкент воҳасини боғларга буркади. Мирзачўл, Марказий Фарғона ва Бухоро, қўйинги, дёғиримизнинг ҳамма жойларига Ризамат ота сингари кишиларимиз савоҳатдан боғ-роғлар яшнб ётибди.

Ризамат ота иккилобдан илгари масумий ишини бўйлиб ишлаган. Фақат Октябрь революциясидан кейингина боғбоннинг бахти очилди. У бир асрлик умрининг охиригача бирлашма боғ бонбон ва маслаҳатчи бўлиб ишлаб, ўнлаб шоғирдларни вояга етказди. Отанинг эндиликда устозлик даражасига етган шоғирдларини республикамизнинг ҳамма ерида учратасиз. Улардан бири бирлаша бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзасевдир. У Ташкент Кишлоқ хўжалиги институти талабаси бўлган йилларида, янги қирқинчи йилларнинг бошларида бир гуруҳ ҳамкурслари билан билимларини тажрибада мустақамлаш учун Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик тажриба станциясига юборилган эди. Ёш талабаларни академик Р. П. Шредернинг ўзи кутиб олди. Олим ёшларга синчковлик билан қараб:

— Боғдорчиликка ҳавас қўйибсизлар-да, жуда ажаб,— деди.— Боғ ўстириб, мевасидан одамларни баҳраманд этмоқдан савобли иш йўқ,— дея у йигитларга ўзини таништирди, сўнг уларнинг номини сўраб, ҳар бирига истак билдирди.

— Маҳмуд Мирза ўғли. Шаҳарликман, дегин. Ташкентнинг қаеридансан. Ҳа, маъқул, Олмазор кўчасиданмансан, демек, боғдорчиликка алоқан бор. Олмазорда туғилган йигит олмасор сардорни бўлса, ажаб эмас...

Рихард Рихардович йигитларни боғ томон бошлади.

— Биз боғдорчилик институтига шундан кейин тез-тез чиқиб турадиган бўлдик,— дейди ўша йилларни хотирлаб Маҳмуд Мирзасев.— Қўпинча ҳар талаб, ҳатто оилаб ўша ерда қолиб кетардик. Устоз биз билан ёнма-ён юриб, иш ўргатар, баъзан бир туп ток ёки мева дарахти устида соатлаб сўзлар, қайси нава Ўзбекистон иқлимига тезда кўйиши, қайси бири кўп меҳнат, изланиш талаб қилиши ҳақида ипидан-иғнасича сўзлаб берад эди. Ўша йилларда ҳурматли домларимиздан эшитган ўғилларимиз келажақдаги катта ишларимизга ҳамиртурш бўлдики, бунинг учун улардан бир умр миннатдоримиз.

Рихард Рихардович Шредернинг Ўзбекистонда боғдорчилик, узумчиликни ривожлантириш, маҳаллий миллат фарзандларидан мутахассислар етиштириш соҳасидаги катта хизматлари муносоиб тақдирланган. У Меҳнат Қизил байроқ ордени билан, бошқа нишонлар билан мукофотланган. Р. П. Шредер Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты эди.

— Мевами, токми, резавор экиними, янги нава яратилса,— дейди Маҳмуд Мирзасев,— аввало унинг янгилигини далиллаш керак. Бирор нава ҳақида меваси мазали, серҳосил, касалликларга чидамли, дейишгина етмайди,— исбот зарур. Бу ишни бир йилда қилиб бўлмайди, албатта. Икки-уч йилда янги кетадиган янги нави илм ҳам, ҳаёт ҳам тан олмайди. Ҳамма гап узоқ мuddат яшайдиган янги нава яратилди! Мана ҳозир узумининг 1 минг 250 хил, ўринчининг 500 хил, шафтолининг 600 хил нави мавжуд. Буларнинг ҳаммасини янги дельмайимиз. Ота-боболаримизга манзур бўлган, аммо кейинги вақтларда ҳар хил сабабларга кўра йўқола бошлаган «қари» навларни тиклаш, уларни катта майдонларда ўстириш осон бўлмади. Хўсайни, эчкимар, қарос, каттакўрғон, соҳиб, дароий навларини яна кўпайтириш тўғрисида мунозара кетганда, бир гуруҳ олим ва мутахассислар: «Бу орқага чекиниш, деб эйтироз билдирдилар. Улар, узумининг техник навларини кўпайтириш зарур, деб даъво

РАҚҚОСА ЖАКЛИН АҲМЕДОВА

...Ранго-ранг ва муаттар гуллар тароватидан маст, ям-яшил майсалар оғушида товуссимон хиром қилаётган соҳибжамол қиз... Дафъатан унинг назари кўркам ва фасоҳат бобида тенги йўқ йигитга тушади ва севиб қолади. Ҳолбуки, йигитнинг ўз маъшуқаси бор эди. Қиз эса бундан беҳабар. Йигит ҳам қизга улкан севги, беназир меҳр ва саховат билан ёндашгани сабабли муҳаббат злангаси ҳар икки қалбни ўзига тобе этади. Лекин орада пайдо бўлган ғаддор овчи икки ёш ўртасига нифоқ солиш мақсадида мазкур сирдан қизни воқиф қилади: мақсади соҳибжамол қизнинг бемисл муруватига, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш эди. Аммо гўзал қиз бу мудҳиш воқеанинг оғир дордини кўтара олмай, азоб исканжасида оламдан кўз юмади...

Бу манзара А. Аданнинг «Жизель» балетидан бир кўриниш, холос. Мазкур сахна моҳир санъаткор томонидан ижро этилганда, томошабин қалби ларзага тушади, беихтиёр ўзини асар қаҳрамонлари ёнида ҳис этади, қалбани йиғлайди, икки ёшнинг заволга юз тутган муҳаббатига ачинади.

Ҳўш, бу ижрочи ким ўзи? Бу санъаткор бундан бир неча йиллар муқаддам чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон «Ватан» жамияти таклифига кўра серкўш республикамизга Гәрбий Германиядан ўқишга келган, Ҳамза номидаги Тошкент хореография билим юртини тугаллаб қайтган Жаклин Аҳмедовадир. Жаклин — Гәрбий Германиядаги туркистонлик ватандошлар маданият жамиятининг раиси, доктор Мурод Аҳмедовнинг қизи.

Ҳозирги кунда Жаклин ГФРнинг Мюнхен шаҳридаги Бавария миллий театрининг яққоҳон ижрочиси бўлиб, гәрбий германиялик томошабинларни совет балети санъати мактабининг ютуқлари билан таништириб келмоқда.

Жаклиннинг нияти битта: етук



Жаклин Аҳмедова «Жизель» балетида бош ролини ижро этмоқда.

К. Ромеев фотоси

санъаткор бўлиб етишиш ва совет ҳамда немис халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ривожланишида ўз улушини қўшишдан иборатдир. Биз билан бўлган сўхбатда Жаклин Аҳмедова ўз иккундий ишларни ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистон — менинг отам туғилиб ўсган, бизнинг оиламиз учун муқаддас юрт. Мен бу ерда маънавий жиҳатдан камол топдим, илм олдим, элга манзур бўладиган балет санъати сирларини ўргандим. Менинг камолот погоналари сари боришимда Ўзбекистон «Ватан» жамияти ва унинг кенгаши аъзоси, Совет Иттифоқи халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Бернора Қориева ва Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрининг бир қатор артистлари ақиндан ёрдам бердилар. Мен қаерда концертлар билан чиқмайин,— хоҳ Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк, Сан-Франциско ва бошқа шаҳарларида, хоҳ бошқа жойларда,— ўзбекистонлик мураббийларининг самимий маслаҳат ва ўғитлари ҳамisha ёдимда туради.

Сўхбат нихоҳида Жаклин «Ватан» жамияти меҳмони сифатида Тошкентда бўлган сўнги сафарига А. Аданнинг «Жизель» балетига бош партияни ижро этганлиги ва Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик тўйига бағишланган концертларда бевосита иштирок этганлигидан фахрлиниб сўзини якунлади:

— Жаҳон халқларининг орзу-ўйи ижод этиш ва яраттирди. Бунинг учун энг муҳим омил — тинчлик ва осудалик лозим. Мен тинчлик учун, халқлар оқсоқлигини учун курашаётган Тошкентда ижро этган ролларимдан ниҳоят даражада мамнунман. Агар ўз санъатини ўзбек томошабинларига бир оз бўлса-да манзур қилолган бўлсам, демак, сафарим беҳуда ўтмади, деб ўйлайман.

Аҳмаджон ЛУҚМОНОВ,
Ўзбекистон «Ватан» жамияти бўлими мудир

қийдилар, аммо халқимизнинг хўраки нав узумни, майизни кўп истеъмол қилишини инобатга олгилари келмади. Инсон истеъғи, талабига зид борган одам ҳеч қачон ютиб чиқмаган...

1948 йил. Кўклам. Богдорчилик, узумчилик тажриба станциясига Маҳмуд Мирзаев бошлиқ этиб тайинланганида йигирма етти ёшда эди. Уттиз беш йил бурун саксон олти гектар ерга эга бўлган тажриба станцияси мана бугунги кунда филиаллар, станциялар, техникум ва аспирантура бўлими каби ўттиз ташкилотни бирлаштирган Богдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш илмий бирлашмасига айланди. Эндиликда 2 миң гектар майдонда мева дарахтлари, узум ва турли-туман кўчат, субтропик дарахтлар, хилма-хил гуллар ўстирилмоқда. Ун олти миң кишилик коллективда тўрт юз илмий ходим, шулардан саксон киши фан кандидат бўлиб, уллар амалга ошираётган ангилликлар, Богдорчилик ва узумчиликдаги илгор иш усуллари республикамиздагина эмас, балки Урта Осиё республикаларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бирлашма коллектив томонидан илмий ишларга сарфланаётган бир сўм пўл давлат кассасига ўртача 9 сўм 50 тишин бўлиб қайтмоқда. Еки бирлашма хўжаликлари йилга 20 миллион сўм сарфлаб, 26 миллион сўм даромад қилмоқда. Соф фойда эса 6 миллион сўмдан ошаётир. Ташкилотларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисобиде, уларнинг ўртача рентабеллиги 45—50 процентни ташкил этади.

— Пойдеворини академик Шредер ва устоз Ризамат оталар мустаҳкам қилиб қўюшган экан, мана, кичик бир тажриба даласи Эндиликда улкан илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди,— деди Маҳмуд Мирзаев кабинети тўрига осигилик

Шредер ва Ризамат ота портретларига кўз қири билан ишора қилиб.— Фақат бир мен эмас, Ўзбекистондаги барча борганлар, шу соҳанинг илм аҳли улардан иш ўрганган, асарларини ўқиб, касб маҳоратларини оширганлар. Янги навлар яратишда, экин экиш мушкул бўлган жойларни, тоғ ёнбағирларини ўзлаштириб боғлар барпо этишда, чўлларни бўстонларга айлантиришда шу устозлар тажрибасига изчил амал қилмоқдамиз.

Тоғ ёнбағирларидаги айлана супаларда янаша турган мезвор боғларни кўрганмисиз? Инсон саховатига қойил қолсан киши. Халқимиз тухумдек тош турмайдиган тоғ ёнбағирларида ҳам кўплаб боғлар бунёд этаётир. Кейинги йилларнинг ўзида тоғлиди колхоз ва совхозларда ана шундай боғлар уч миң гектардан ошиб кетди. Кейинги йилларнинг ўзидагина бирлашмамиз олимлари кўмагида Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон колхоз ва совхозларида етти миң гектар янги бог ташкил этилди. Олимларимиз бугунги кунда юздан ортиқ хўжаликка амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон Компартисини Марказий Комитети, республика ҳукумати Богдорчилик ва узумчилик ишларини ривожлантириш ҳақида тинмай гамхўрлик қилмоқдалар. Яқин-яқинларгача ҳам малакали соҳибкор кадрлар етишмас эди. Энди бу масала ҳал этилди. Бирлашмамиз ўзининг ўрта маълумотли соҳибкорлар тайёрловчи техникумига, олий даражадаги мутахассислар етиштирувчи илмий-тадқиқот институтига, аспирантура бўлимига эга. Лабораторияларимизда Богдорчиликнинг муҳим муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш учун барча имконият ва қулай

ликларга эгамиз. Богдорчилик техникаси конструкторлик бюроси, цехлари ҳам тасарруфимизда.

Ҳа, илмий-ишлаб чиқариш бирлашманинг фаолияти чиндан ҳам самарали. Кейинги йилларда мева ва узумнинг қиш совуғига, шўрхок ерларга чидамли, эртапишар олтишдан ортиқ янги нави яратилди. Республикамизда Богдорчилик ва узумчилик В. В. Кузнецов, А. А. Рибиков, М. Собиров, Р. Г. Бороздин сингари салоҳиятли олимларнинг илмий йўл-йўриқлари асосида тараққий этмоқда.

Бирлашма коллективининг Иттифоқимиздаги ҳамда қатор хоржий давлатлардаги турдош соҳалар бўйича ҳамкорлиги ҳам диққатга сазовордир. Бирлашма селекциончилари яратган мева ва узумнинг янги навлари Урта Осиё, Закавказье, Узок Шарқ ва Украинада, шунингдек, Хиндистон, Югославия, Венгрия, Польша, Руминия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда экиб ўстирилмоқда.

Бирлашма коллективининг кўп йиллик самарали хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Бугун Бирлашма байроғида Ленин орденни порлаб турирди. Шунингдек, бу илмий-ишлаб чиқариш муассасаси Иттифоқ Халқ хўжалиги, ютуқлари кўргазмасининг 35 дипломи, 12 олтин медали, халқаро виставкалар ва конкурсларнинг 24 олий медали билан мукофотланган. Кўпгина олимлар ва соҳибкорлар ҳам ҳукуматимизнинг орден ва медалларини олишга сазовор бўдилар. Бирлашма бош директори Маҳмуд Мирзаев эса кўп йиллик илмий-ташқилий ишлари, янги навлар яратишдаги баракали хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, деган юксак унвонга сазовор бўлди. У ўттиз олти йилдан бери илмий бирлашмага фаол раҳбарлик қилмоқда.

Фароғат

ҲИКОЯ

Йигит жасорат билан эшик зулфинини ушладию, тўхтаб қолди, очигша ботинолмади. Назарида ўша мудҳиш хат эгаси ана шу эшик ортида тургандек эди. Хаёли паришон, чехраси хавотирли.

У бир йил муқаддам шу эшикдан беамалол кириб-чикиб юрарди. Энди-чи? Энди эшикни очса, севгилисидан юз ўгириб, ситамкор захарханда билан ўша хатдаги дилозор сўзларини такрорлайдигандек эди: «...Лекин мен сизни кутишдан аллақачон воз кечганман. Менга ҳам, сизга ҳам янги ёр муборак бўлсин...»

Йигит изтироб билан чуқур ҳизсинди. Зулфиндан қўлини олиб, изига қайтмоқ учун бурилган ҳам эдики, қўққисдан эшик очилиб қолди. У чўчи тушди. Челақ кўтариб чиққан ўрта яшар аёл йигитни кувониб кўтиб олди.

Қуёш уфққа лопларанг тус бермасдан бошланган сўхбат ой баралла кулиб қараганда ҳам давом этарди. Ойша хола Шокирни қўриб марҳум синглисини эслади, қувонди. У синглиси ва Шокирнинг болалиги ҳақидаги хотираларини бир бошдан гапириб чиқди. Шокир холасининг сўзларини иштиёқ билан эшитди. Унинг ўртача қомаги, ширмойи кулчадек тўлишган юзи ва ниҳоят қувноқлиги, сўзамоллигини онасига ўхшатди, онасини кўргандек бўлди. Сўхбат асосида икки қиз: холасининг «еттинги ерга қўйиб» кўрган ягона фарзанди — Фароғат ва унинг амакиваччаси бўлмиш Мавлуда ҳам Ойша холанинг ёнида эди. Иккалеси ҳам сурх новдадек, истараси иссиқ, қорамғиз юзлари жозибадор қизлар эди. Қалам тортилагандек қошлари остида қуралай кўзлари парпираб турарди. Қарашлари, илтфотлари, сўзлашлари ҳам содда, ёқимтой. Кулишлари бегубор, самимий. Шокирнинг таъбирича, «табиий ҳуснига қаноат қилган ифтихор қизлар» эди.

Ойша хола ўрнидан турартиб, Шокирга уқидирди:

— Келганим яхши бўлди, ўғлим. Хола дегани онадай гап. Почнаган отанг ўрнини босса, мана бу қизлар сингилларинг. Уйимизнинг тўри сенигил, болам, энди шу ерда қолавер, тортинмагин...

Шокир миннатдорчилик билдирди, рози бўлди. Бундан қаноатланган Ойша хола хотиржам ўз ётоқхонасига кириб кетди. Қизлар ҳам уйдан чиқибди, Шокирнинг ўзи ёлғиз қолди. Деворлари оқланган, поли ҳам янги бўлагандек ялтираган мўъжизатина унинг деразаси ёнига ёзув столи қўйилган эди. Бурчакдаги шакфадда аллақанча китоблар тахланиб турарди. Шакф тепасида зарҳалли рамкаларда бир нечта манзарали суратлар осилди. Шокир уларга бир-бир қараб кўйдди. Кейин, ўнг томонидаги рух қарават томон бориб, ечиниб, чироқни ўчирди.

Лекин шу пайт тўртбурчак довланинг нариги бетидagi хоналардан

биридан чироқ ёнди. Муштумдаккина лампочка ҳаммаёқни нурга гарқ қилиб юборди. Соддагина безатилган бу уй Фароғат билан Мавлуданинг дарс тайёрлаш ва ётиш жойлари эди. Мавлуда уйга кирган заҳоти ўз қаравотига ёнбошлаб олиб сўради:

— Қалай, олаваччанг?

Қўшқават дераза ёнидаги стулга ўтирган Фароғат: «Яхши деб қўя-қолди. Аммо Мавлуда дугонасининг жавобидан қаноатланмади. У бир кўришдаёқ Шокирнинг «баъзи нуқсонларини» топган эди.

— Ҳм... Нимаси яхши?! Афтини кўр, барқаштовокдай. Гапирса, қошларининг ўртасида қари кишиларникидек буришиб кетади-ку, нимаси яхши? Холаваччанг-да, а!..

— Қўйсангчи,— дея эътироз билдирди Фароғат.— Доимо одамларни гавдасига, ҳуснига қараб яхши-ёмонга ажратиб юрасан. Ҳусни нима қилиб беради!..

— Вой-вой-вой!— Мавлуда ўтириб олди.— Гапини қаранг-чи!.. Йигит деган бежиримроқ бўлсин-да, ўртоқжон, ҳалигм... кўввим дейишга арзигудек...

— Нима?! Кўввим?! — Фароғат шўх жилмайди.— Ҳа, мўғомбор, менга ёмон қўрсатиб, ўзинг эггаллаб олмақчудан шекилли.

Мавлуданинг юзлари қизариб кетди. У ясама табассум билан изох берди:

— Йўқ, ўртоқжон, кеңирасан... шунчаки... йигит деган хушбиним, кўхлик бўлса, дейман...

— Гўзаллик яхши,— деб унинг сўзини бўлди Фароғат.— Аммо, усти ялтироқ, ичи қалтироқ гўзалдан хунук бўлса ҳам ақлли, бамаъни одам афзал эмасми!..

Мавлуда чимирилиб, жавоб бермай тескари қараб олди. Аслида Шокир кўп жиҳатдан унга ёқиб қолган, йигитнинг «камчиликларини» у жўрттага — дугонасининг «кўнглига» қўлиб кўриш маъносиде айтган эди.

Фароғат стол гортмасидан «Хотиралар учун» деб ёзиб қўйилган дафтари олиб очди. Унинг ёзилмаган саҳифасига бугунги числони қўйиб, шу сўзларни ёзди:

«Мавлуда билан Тўқимаччилик институтига ўқишга киргани бориб, феодал табиат эри томонидан ўлдирилган холамининг ўғли — Шокир акамани кўриб қолдим. У шу ерда сиртдан ўқир экан, ётоқда ётиб, заводда ишлар экан. Қўймаздан уйга олиб келдим. Ойим, дадам хурсанд бўлдилар. Биринчи кечани узоқ сўхбат билан ўтказдик. Хушбичим, салобатли йигит бўлибди олаваччам. У энди бизнинг уйда туради».

Атиргул тикансиз бўлмаганидек, Шокирнинг муҳаббати ҳам ҳижронсиз бўлмади...

Улар ҳар кунни холи уйда дарс тайёрлашарди. Шокир юқори курсда бўлгани учун қизларга ердан беради, кўпинча физика қондаларини ўргатади. Фароғат идрокли экан. У бир гапни дарров ўқиб оларди. Мавлуда

эса паришонхотир, қулоғида гап турмайди. Ҳозир тушунтирилган масалани қайтариб сўралса, айтиб бера-майди. Шунинг учун Шокир кўпроқ унга эътибор берад, ундан назарини узмас эди. Мавлуда бунга муҳаббат нишонаси, деб тушунди. Бора-бора унга ҳадеб қаравергиси келадиган ноъли ишваси, табассумини аямайдиган бўлиб қолди. У ҳозирнинг ўзи-даёқ йигитга муҳаббат изох қилишга тайёр. Бироқ, кейинчалик эр-хотинчиликда «ўзинг ялингансан» дегулик бўлмасин, деб, Шокирнинг ўзидан гап чиқишини пойлаб юрипти. Унинг хаёлини банд қилиш, унга ёқиб пайда кийимини ҳам, ўзини ҳам турлагани-турлагани. Юзларига уя суриб юрадиган бўлди. Соҳларини-ку сира орқасига ташлаб юрмай қўйдди. Секин-аста чилвирдек ўрилган соҳларини ёйиб, нақ миёсига худди даканхўрознинг тожисидек қилиб қўядиган бўлди.

Шокир ҳамон унга эътибор бериб қарарди, гоҳо унга термулиб қоларди ва ўзини: «Эсиз қизлик назокати! Сохтакорлигининг нима ҳождати бор-а?.. Тўғри, озодалик, пардозандоз керак. Лекин меъёри билан-да! Табиий ҳусни оёқ ости қилиш беъманилик-ку»,— дерди. У ҳар замонда Фароғатга қараб қўяди. Қараган сари қандайдир бир куч — аллақандай нозик ҳис унинг кўнгли мейлини Фароғатга яқинлаштираётгандек бўлади. Фароғатнинг ўз табиий кўрнини бўзмай, одоб сақлаб, бир тарзда юршиш унга ёқиб қолган эди...

Токарь Шокир эрталаб барвақт ишга кетар, кечқурун иккала қиз билан ва ўзини: «Чунки унинг иши туғагунча қизлар ҳам қўйшдан чиқиб, завод дарвозасига келиб турарди».

Бир кунги қизиқ бўлди. Шокир завод дарвозасидан чиқса, иккала қиз одатдагидек, хиёбонда туришибди. Фароғатнинг қўлида дафтар-китоб солинган қичкина папка. Эғнида айлана исқалатлик ҳаворанг жун кўйлак. Орқасида бир жуфт қора чилвирдек осилиб турган соҳлари қуёш нуринда ялтирайдди. У Шокирни кўрмади, кўзлари Мавлудада эди. Мавлуда эса, сурнайсифат шим билан антика кўйлак кийиб олган эди. Соҳларини лайлак инига ўхшатиб қўйибди. Қизилга бўялган лабларини виқор билан қимирлатиб, Фароғатга ниманидир уқтирар эди.

Шокир келиб, уларнинг сўхбатини бўлди. Йигит ҳам анчадан бери гапини келтириб юрган Мавлуданинг ҳозирги ҳолатини кўрган он:

— У-ўй!.. Мана энди магазинлар витринисига қўйиладиган кўғирчоқлардан ҳам ўтиб кетибсиз, Мавлуда-хон,— деб юборди. Мавлуданинг кўзлари қиндан чиқиб кетаёзди. У:

— Вой, бу нима деганингиз?!.. Мен кўғирчоқ?!.. Рахмат,— деди-ю юлқини кетиб қолди... Фароғат билан Шокир кўз уриштириб олишди, сўнгра кулишиб, унинг ортидан кетишди.

Мавлуда уйга кела содиб ўзини қаравотга ташлади, тўлганиб, силкини юм-юм йиғлади. Йиги асосида

юзидаги уласио лабидаги буклар юзилиб кетди. Соҳлари ёзиллиб, тўзғиди. Урнидан азот туриб, қолган-қутган соч тўғноғичларини ҳам юлиб олди. Кийимини ечиб, Фароғат билан бирга тикдирган жун кўйлагини кийиб олди. Ойнага қараб соҳларининг парқини очаётган чоғда уйга кириб қолган ойиси Рукья она уни кўриб суюниб кетди:

— Ҳа, онанг қоқинди, ажаб қилибсан, кўй, ўша тасқара юршигини. Яхши кийиниб, соҳларингни селкилатиб юрганинг қандоқ яхши...

Мавлуданинг назарида Шокир ҳам худди шу мазмунда гапирган, шундай даяётгандек эди. Шокирнинг сўзлари дилига таъна тигидек санчилган бўлса-да, хаёлини ундан олиб қочолмас эди. Шокирнинг кўнглини қолдирмаслик, унга яхши кўриниш, муҳаббатига сазовор бўлиш учун ҳар ишга тайёр эди у. Шунинг учун бир зумда қадимги аслига тушиб, ховлига чиқди, Фароғат билан Шокирни самимий кўтиб олди...

Шокир аслида иккала қизнинг ҳам муҳаббатини қозонган эди. Мавлуда Шокирга мафтунлигини гоҳо сездирди, кўп кўяр, Фароғат эса билдирмасликка тиршар, лекин қарашлари, ҳаракати, юзларининг товланишлари «севаман» деб ишора қилаётгандек эди. Шокирнинг ўзи Фароғатни юрдан яхши кўрар, аммо қай йўсини севгисини изох этишни билмай ҳайрон эди. Чунки ўртада Мавлуда бор. Шокир билан Фароғат кўз уриштириб қолса ҳам, Мавлуданинг туси ўзгариб, турланиб кетаверар, Шокирни ҳаммадан қизганар эди.

Еш юрарларда ишқ куртаги барг ёзаётган бир пайтда Шокир узоқ сафарга кетадиган бўлиб қолди. У институтни битириш олдидан Ленинграддаги заводлардан бирида бир йил давомида амалий тажриба ортириб қайтиши лозим экан. Шокир кетиш олдидан севгилис билан ошқора гапллашиб олишни истарди. Фароғат ҳам худди шу ниҳоятда эди. Бир кунги кечқурун Мавлуда эшикка чиқиб кетиши билан Фароғат:

— Шундай қилиб, кетаверасизми энди, Шокир ака!— деб қолди. Шокир севиниб кетди, беҳтиёр унинг қўлини ушлаб:

— Фароғатим!.. Юрагинми сизга қолдириб кетаман,— деди.

Қиз бир ҳўрсинди, кейин қалбидаги гапни лўнда қилиб айтиб қўя-қолди.

— Қуруқ гап бу!.. Бари бир айрилик... Ҳамиша ўзингиз билан бирга бўлсан, дейман.

Шокир қизни кўчиб ўпди. Эшик бирдан очилиб, Мавлуда кириши билан улар ажралишди. У ўртада бўлаётган гапни эшик олдидан эшитиб турган эди...

Шу кундан бошлаб Мавлуданинг кўнглидаги яширин муҳаббат раққ туғилини кийди. У Фароғат билан Шокирнинг юриш-ўтиришларини, қошқўз ҳаракатларини зимдан кузата бошлади. Улар иккиси эса, бунга напар-гузарларига илмай, ошқора гапллашадиган бўлиб қолди. Ҳатто икки мартаба бирга кинога ҳам боришди.

Бу ҳолат Мавлудани эсанкиратиб қўйди. Ниҳоят, у шундай қилдики, отилмаган соқдон ўз бошига тегди. У Фароғатнинг Шокир билан «овоқжойларда сангиб» юрганини кейинги-ойиси орқали амаксининг хотинига чаққан эди, Фароғатнинг ота-онаси (айтага севинишиб, Шокир институтни битирса, уни кувё-ўғил қилиб олишларини билдирдиши.

Фароғат ёзги таътил бошланishi билан институтдан йўлланма олиб, санаторияга жўнади. Шокирнинг келар вақтидан икки ой ошса ҳам, у ҳамон Ленинграддан қайтмасди. На хат бор, на хабар. Гўё у бирон но-занинга андарқат бўлган-у Фароғатини унутган эди. Бунга ўйлайвериб, Фароғатнинг эти устихонига ёпишиб, У Шокирдан ҳар қанча аччиланса ҳам сира умид узгиси келмас эди. Санаториядаги йўшун ҳаёт Фа-

Қумғон

Хонамизнинг тоқчаси узра,
Қўйилгандир бир дона қумғон.
Бувим шундай сўзлаб берарди,
Қумғондан сўз очганда меҳмон:
— Қаҳатчилик...

Қирқ учинчи йил,
Болалар ёш,
кўп қийналди жон.

Илож қанча...

Шаҳид ўғлимдан,
Қолгани шу — ягона қумғон!
— Йўқ, бувижон,— дедим бир
кун,—

Хизматлари улуг отамнинг.
Биз ёшларга қолдириб кетган
Шу бадавлат буюк Ватанни!

ХУШВАҚТ БОНУГА

Ҳеч хабаринг борми сенинг —
Ҳандалак пишиди.
Бугдой ўрим-йғимига
Ҳамма киришди.
Ғарам-ғарам бугдой ўриб,
Тинмайман бир дам.
Бугдойзорнинг қўшиғидан,
Жаранглар олам.
Эй гўзалим, қайлардасан,
Бугдой урайлик.
Бугдой ўриш бир баҳона,
Дийдор кўрайлик.

Ҳеч хабаринг борми сенинг —
Айладим кирмон.
Дарвозангни совчи босди,—
Мен учун армон.
«Сомони сендан, бугдойи мендан,
Хўбо-хўб»,— дейман.
Совчиларнинг йўлларига
Кўрай тўп дейман.
Сени олиб кетсаларми —
Хаётим тамом.
Куй баҳона ёнимга кел,
Ой урмасдан шом.

Қишлоқни оралаб келаётган чол,
Кекса тут остида бир дам ўтирди.
Ешлиги ўтган ер нақадар ширин,
Клуб, йўл, ҳовузга фикран термулди.
Сўнг, ердан бир қатра тупроқ олдию
Зўр ифтихор билан сурди кўзига.
Ешлигин топгандек яраб кетди у,
Пичирлаб дер эди ўзи-ўзига:
— Азиздир бу тупроқ,—
бор бунда сабаб,—
Шундадир тўйилган киндигим қони.
Ҳақиматга бой эрур ҳар заранг,
ерим,
Зарранга алишмам бутун дунёни.

Ҳеч хабаринг борми сенинг —
Бугдой чошланди.
Қайси кўзлар қувондию
Қайси ёшланди...
Найлай, тақдир тегирмонга
Ундади мени.
Узинг айтгил, қандай ташлаб
Кетайин сени.



«Эя тибат уни асра!»
Дейман дилмда.
Билалмайман нималар бор
Ҳали йўлимда.

Тегирмонга гар кирмасанг,
Иссиқ нон қайда?


Қайдасан?

Нигоҳим бир умр сен келар йўлда,
Ҳисларим — ғалаён кўтарган дилда.
Номингдан ўзга сўз айланмас тилда,
Қайдасан, меҳриноз, қайдасан?

Баҳорим ўтмоқда, келмайди, қаранг,
Бу сиру савдодан бошгинам гаранг.
Ҳолимни бу ҳолга тушгандан сўранг,
Қайдасан, меҳриноз, қайдасан?

Термулиб юзларим кетди саргайиб,
Анҳор ҳам, гулзор ҳам кўзимга
ғариб.

Келақол, яйраин бошга кўтариб,
Қайдасан, меҳриноз, қайдасан?



Темур НОРБЕК

— Чинордай ўс,— дейсан ҳаммага,—
Чинорлар-ку жуда бақувват.
Лекин билгил, юрт гўзаллиги
Чинор билан эмасдир фақат.
Кимдир тоқдай ўсса не бўпти,
Мадад берсанг, бўлмайсан хароб.
Ерданларинг эвазига ток —
Эрта элга бермасми шароб?
Ҳар талабинг чегараси бор,
Керамасми анору анжир!
Тут, ўркини урасан ерга,
Эй биродар, ўзинг ким, ахир!?

— Қалайсиз, синглим!
— Олтин!
— Бу сўзингиз жуда чин.
Сиз қайси олтиндан кам?
Сўзласин одил ҳақем!
Олдингизда дур-олтин —
Қадр-қиймати бир тийин.
Асл олтин ўзингиз,
Ширин-шакар сўзингиз,
Қуралайдир кўзингиз,
Нақш олмадек юзингиз...
Дур бўлмасиз, кун ўтар,
Орзуга ҳам қўл етар,
Аммо, сизларсиз ҳаёт —
Бўларди нобуд-барбод!

Ер деб аланга кечмасанг,
Отингни ҳайда.
Йигит деган қайлиғ учун
Асли номус-ор.
Тегирмондан аммо бутун
Чиқмоғлик даркор.

Тегирмон бир синов экан,
Мени туйдилар.
Сенга эса уст-устига
Совчи қўйдилар.
Бошим эса тегирмондек
Айланди, қолди.
Кўзларимдан кеча-кундуз
Йўқу йўқолди...

Бугун эса ҳовлимизда
Ёнмоқда тандир.
Тўй нонини ёпаётир,
Уч-тўртта кампир.
Тегирмонда «соч оқарди»,—
Бу армон эмас.
Чидам билан мени кутдинг,
Шунинг ўзи бас!
«Тегирмондан омон чиқдим»,
Мен оқлик олиб.
Бизни «ғирдоб»га отганлар
Юрар тонг қолиб!

рак кетса, ташвишланмай бўладими?..
Бир кун Фароғат ваннадан чиқиб,
энди Маулудага ҳам бир хат ёзиб,
Шокирнинг бор-йўқлигини сўрамоқчи
бўлиб почтага йўл олди. Санатория-
да ортирган дугонаси Шукрия қар-
шисидан чиқиб қолиб, уни тўхтатди:
— Фароғат!.. Сенга хат келди.
— Хат?.. Кимдан?..
— Хоҳ, ёқадими?.. Битта ўйнаб
берсанг айтаман.

Фароғат ўйнамасданок билишга,
хатни олишга интилди. Шукрия қаҳ-
қаҳ уриб қочар эди. Фароғат қувлай-
верди. Шукрия ёш, паст бўйлик бўл-
са ҳам тикмачодек семиз киз эди. У
унча чополмай, тезда чарчади. Фаро-
ғат уни ушлаб олиб қийнашга тушган:
— Хўп-хўп, ўйнамасанг ҳам айта-
ман. Хат Шокир Содиқов дегандан,—
деди халослаб Шукрия.

Фароғат хатни севина-севина очди.
Лекин хатга кўз югуртирди-ю, авазойи
бузилди. Гўё хат қалхатдек чанг со-
либ, унинг шодлик каптарини илиб
қочди. Хатни мижиғлаб ерга отди.
Шукрия ажабланиб хатни ердан олиб
ўқиди:

«Сиз ҳануз мени кутиб юргандир-
сиз?.. Афсуски, мен сиздан аллақач-
он воз кечганман. Ҳар қанча ачиқ
тил билан қаргасангиз қаргайверинг.
Лекин мени кутиб, овора бўлманг,
Сизга узр билан: Узганинг Шокири».

Фароғат санаториядан келиб, ота-
онасининг соғ-саломатлигини сўра-
ди-ю, аммо Шокирни бир оғиз ҳам
тилга олмади. Ойша хола бўлса ҳам-
ма гапдан воқиф эди, у қизининг
кўнглидаги безовталикни сезиб ту-
рар эди. Уйга кириш олдида у:

— Шокир аканг келган,— деб
шпишди. Бу хабар Фароғатни ҳам
чўчатиб, ҳам севинтирди.

— Қани?... деди ҳовлиқиб Фаро-
ғат.

— Ленинграддан жўнаш олдида
бир гапдан аччилганиб, тўғри заво-
дига келиб қўяқолган экан...

— Қанақа гап!

— Ойша хола жавоб беришга улгур-
май, Шокирнинг ўзи келиб қолди.
Фароғат уни кўрди-ю, титраб, ўпкаси
тўлиб уйига кириб кетди. Кетма-кет
Шокир ҳам кириб унинг ёнидаги
стулга ўтирди. Тулугини ютиниб, зўр-
га сўради:

— Келганим сизга ёқмади шекил-
ли, Фароғат?

— Аксинча,— деди Фароғат ва
бирдан қўли билан юзини тўсиб, пиқ-
пиқ йиғлаб юборди. Бир оздан сўнг
йиғи аралаш:


— Мана эсдалагингиз... Мен бун-
дайлигингизни...— дея тутила-тутила
қўлидаги хатни Шокирнинг олдига
қўйди.

Шокир хатга қараб баттар тўтоқди.
Шошилганича — чўнтагидан яна бир
хат чиқарди. Иккала хатни солишти-
риб кўриб ажабланиб, иккаласини
ҳам Фароғатнинг олдига қўйди. Фаро-
ғат хатларга нигоҳ ташлаб туриб
ажабланиб, ғазабланди. Кейин кул-
лимсираб Шокирга тикилди:

— Иккаласи ҳам бир қўлда ёзил-
ган, хатто қоғозларига ҳам хил-а!

— Дили қора, ноинсоф одамнинг
иши бу,— деди Шокир.— Сиз билан
менга бегона хат бу, Фароғатим.

Кўзлари бир-бирига қадалди. Бир-
бирига интизор икки вужуд ёндашди,
лаб-лабга тегди. Шу топда оёқ ҳа-
қарати эшитилгандай бўлди. Уйга ҳеч
ким кирвермаган. Фароғат ўрнидан
туриб, эшикни очиб қаради. Боядан
берси эшик орқасида аҳолини кузатиб
турган — ўзи қилган иблисонани шининг
натижасиз чиққанини пайқаган Ма-
луда аллақачон ҳовли ўртасига кетиб
қолган эди.



Расми Алижон ХОЛИҚОВ чизган

роғатни қамраб олди. Бироқ Шокир
унинг хаёлидан сира кетмасди. «Бир
хабар юборинг!» деб уйига телеграм-

ма берса, ойиси: «Биз соғмиз, таш-
вишланма», деб жавоб қайтарибди.
Ахир, юрагингга энг ақин киши беда-

КЎҲНА ДУНЁ СИРЛАРИ

Ватанимиз қадимий ёдгорликларга ниҳоятда бойдир. Жумладан, Сурхондарё воҳасида олиб борилган қазилмалар натижасида қўлга киритилган археологик топилмалар ҳам қадимий маданий меросимиз бойлигидан далолат беради.

Сурхондарёда биринчи археологик қазилмалар 1927 йилда бошланган эди. Айритом фрескалари, Тешиктош ғоридан топилган неандерталь бола скелети, Зараўтсойнинг қизил суратлари, Қоратепадига будда ғор ибодатхонаси... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бундай археологик кашфиётларнинг ўзи жаҳоншумул аҳамиятга эга. Айниқса, область территорияси олтиминчи йиллардан бери археологларнинг асосий қадимий бўлиб қолди. Бу ерда Москва ва Ленинград мутахассислари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология ҳамда Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтларининг олимлари мутасил равишда кенг миқёсдаги археологик қазилмалар олиб бормоқдалар. Бир қатор олимлар қушлар салтанатининг дастлабки пойтахти ҳисобланган Далавэрзинтепани ўргандилар. Археологларнинг яна бир бригадаси Ангор районидagi Зартепада қазил ишларини олиб борди. Холчаён, Зурмала ёдгорликлари ўрганилди. Эски Термизда ҳозир ҳам кенг миқёсда қазилмалар ўтказилмоқда. Археологлар кейинги йилларда Шеробод ва Гагарин районлари территориясида ўтказилган бу тадқиқотлар ҳаққимизнинг тарихини янги кашфиётлар билан бойитди. Булар нималардан иборат? Биз Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг директори, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаров билан шу ҳусусда суҳбатлашдик.

Сурхондарё области территориясида олиб борилган илмий изланишлар натижаларини нисбатан хулосалар, қуйидаги кашфиётларни изоҳлаб ўтиш мумкин.

Биринчи кашфиёт Ўзбекистонда чорвачилик ҳўжалиги пайдо бўлиши мўддати тўғрисида шу пайтгача фанда ҳужм суриб келган мулоҳазаларни тамомила ўзгартариб юборди. Гап шундаки, Ўзбекистонда ёввойи ҳайвонлар неолит даврида қўлга ўргатилди, деб ҳисоблаб келинар эди. Бойсув районидagi Мачай ғоридан топилган ашё-далиллар бу борадаги фан хулосасини яна уч минг йилга қадимийлаштирди. Бугун биз бобокалонларимиз бундан олти-етти минг йил илгари ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиб, чорвачиликка асос солганлар, деб айта оламиз. Бу катта аҳамиятга эга бўлган ихтиродир.

Иккинчи кашфиёт Шеробод чўли зонасидаги Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон каби ўндан ортиқ ноҳир ёдгорликларини ўрганиш туфайли яра-

тилди. Археологлар бу ёдгорликларнинг бронза даврида обод шаҳар ва қишлоқлар бўлганлигини аниқладилар. Масалан, Сополлитепа ёдгорлиги эраимиздан олдинги иккинчи-инччи йилларнинг бошларига оиддир. Қалъа деворлари сомон аралаштирилган хом гишдан урилган. Уша пайтдаги омон ҳам топилди. Демак, деҳқонлар ҳайвон кучидан фойдаланганлар. Бу республикамиз территориясидаги сўғорма деҳқончилигининг бошланиш мўддатини роса яна минг йилга қадимийлаштирди. Ҳолбуки, Фарғона водийсида ўрганилган Чуст маданияти материалларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда бундан уч минг йил бурун сўғорма деҳқончилиги ялтирилган, деган фикр ҳўкм сураб эди. Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1972 йили чоп этилган III томи ва бошқа илмий асарларда ҳам шу фикр олға сурилади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда бундан тўрт минг йил бурун сўғорма деҳқончилиги бўлганлиги етмишинчи йилларнинг охирида исботланди.

Учинчи кашфиёт боғдорчиликка оиддир. Археологлар қабрларга дафн этилган кишилар ёнидан кўза ва хурмачалар топдилар. Буни қаранглик, уларда узув уруғи ва жийда данаклари шу пайтгача сақланган. Мутахассислар бу идишларда ўз пайтда қандайдир ичимлик сақланганлигини аниқладилар. Сополдан қилинган қадаҳ ва вазачалар топилиши бунинг яққол исботидир. Нафис, бежирим, сифатли ва жарангдор қилиб ишланган идишларни кўриб, уларнинг бундан қарийб тўрт минг йил илгари асалганлигига кишининг ишонгиси келмайди.

Тўртинчи кашфиёт: археологлар Жарқўтонни қазил пайтида бир мато қолдими топдилар. Мато парчаси Тошкент Тўқимачилик институти ва Пахтачилик целлюлозаси институти лабораторияларига юборилди. Тўқимачилик институти олимлари мато парчаси қисқа толали пахта навидан тўқилган, деган хулосага келдилар. Аммо пахтачилик целлюлозаси институти олимлари парча таркибида азот йўқлигига асосланиб, ўсимлик толасидан қилинган бу матони пахтадан эмас, балки жут ўсимликлари: зигирпоу ёки жанопдан тўқилган бўлиши мумкин, деб ҳисобладилар.

Лекин, энг муҳими шундаки, бобокалонларимиз қадим матобоп маданий ўсимликларни эканлари ва улардан газламалар тайёрлаганлари аён бўлди.

Бешинчи кашфиёт: Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган матоларнинг кўпчилиги текширилганда, улар табиий ипақдан тўқилганлиги аниқланди. Бу, Урта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи тарихида жуда катта ҳўжалик ихтиросидир. Чунки яқин-яқинларгача турли адабиётлар ва дарсликларда бизда ипақчиликнинг пайдо бўлиши Хитой билан боғлаб келинар эди. Гўё Хитойга борган қандайдир савёҳ ипақ курти уруғини ҳасасининг учидagi махсус тешика солиб олиб келган эмиш. Шундан кейин — эраимизнинг бошларида Урта Осиёда ипақ тарқалди, деган фикр мавжуд эди. Сополлитепада олиб борилган илмий қазил ишлари бу фикрларни инкор этди. Республикаимиз территорияси, бундан роса тўрт минг йил илгари ҳам ипақчилик Ватани бўлганлиги исботланди.

Олтинчи кашфиёт: ўтган йили археологлар Бўстон ёдгорлигини оцаёт-

ганларида, қадимий қабристонга дуч келдилар. Юзлаб қабрларда кишилар — бола ҳудди она қорнида ётган ҳолатда бир биқини билан гужанак таразда қўйилган. Баъзи қабрларда скелетлар учрайди. Ёнларида эса қатор-қатор идишлар. Бу исломга қадар бўлган зороастризм динига хос элементлардир. Зороастризм динининг одатига кўра, киши ўлганда уни ерга кўммасдилар, сувга ташламасдилар, оловда ҳам куйдирмасдилар. Чунки тупроқ, сув, ҳаво ва олов муқаддас ҳисобланар эди. Шунинг учун махсус жойларда даҳмалар қурилиб, марҳум унга қўйиларди.

Зороастризм динининг Урта Осиё ва Эронда тарқалиши эраимиздан олдинги бир мингиччи йилларнинг ўрталарига оид деб ҳисоблаб келинади. Мазкур далилларнинг бронза даври ёдгорликларидан топилиши Урта Осиёда зороастризм динининг шаклланиш жараёнини яна беш юз йилга қадимийлаштирди.

Еттинчи кашфиёт: Урта Осиёда пайдо бўлган илк шаҳарлар ҳақида гап кетганда, етмишинчи йилларга қадар бу шаҳарларнинг келиб чиқиши эраимиздан 500 йил олдин Урта Осиёни босиб олган Эрон аҳмонийлари даври билан боғланар эди. Гўё улар маҳаллий халққа шаҳар қуриш ҳамда ҳўнармандчиликни ўргатди, деб ҳисобланарди. Бундай дейилишига сабаб шуки, Ўзбекистон территориясида Эрон аҳмонийларига шаҳар маданияти бўлганлигини кўрсатувчи ёдгорлик топилмаган эди. Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон ва Муллалитепа каби бронза даврига оид ёдгорликларни ўрганиш республикамизда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши истилочилар билан боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Бу ёдгорликларда илк шаҳар (протоғор)га оид кўпгина далиллар қўлга киритилди. Шаҳар бўлиши учун планли равишда солинган турли бинолар атрофи қалин мудофаа девори билан ўраллиши, кулолчилик, заргарлик, металл билан ишлаш, тўқимачилик, ҳўнармандчилик ривожланиши, бу ерда аҳоли бориб синадиган муқаддас жойлар бўлиши, шаҳар ҳўкимини, унинг саройи, ҳўкимнинг муҳри каби омишлар бўлиши талаб этилар эди. Сополлитепани қазил жараёнида шу талабнинг ҳамма шартларига жавоб берадиган далиллар қўлга киритилди. Хуллас, шаҳар ҳаёти, турмушига хос бўлган элементларнинг Шеробод чўли зонасидаги ёдгорликлардан топилиши Ўзбекистонда илк шаҳарлар биз ўйлагандан минг йил аввал пайдо бўлганлигини кўрсатди.

Сурхондарё ўлкаси ўзбек халқи тарихини кенг, чуқур ва ҳар тарафлама ёритиш учун муҳим далилий ашёлар бермоқда. Бу борадаги топилмалар бениҳоя кўп. Археологик материалларнинг бир қисми Москва, Ленинград, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги қатор музейларга топширилди.

1982 йил ноябрь ойида Шеробод район партия-совет раҳбарлари олимларнинг маҳаллий археология музейи ташкил этиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватладилар. Жарқўтон ёдгорлиги жойлашган «Гулистон» совхозида археология музейи биноси ҳашар йўли билан қурилди. Бу музейни КПСС Марказий Комитети Сибей бюроси аэзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов келиб кўрди ва музей дафтарига ўз таас-

сиротларини ёзиб қолдири. Музейдаги қазилма ёдгорликлар ҳаққимизнинг минг-минг йиллик тарихининг яққол тимсолидир. Шеробод археология музейи совет кишиларини, айниқса, ёш авлодини юксак дид ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида ҳам муҳим амалий кўргазма вазифасини ўтамоқда.

Хуллас, қадимий Сурхон воҳасида олиб борилётган археологик изланишлар фанимизни халқимиз тарихининг турли даврларига оид муҳим янгиликлар билан бойитмоқда.

Олимлар янги қазилмалар олиб бормоқдалар. Демак, археологик кашфиётлар силсиласи ҳам давом этамак.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ



Тошкент телеминораси ўз кўр-куя салоҳати билан пойтахтимизга янада фойз бағишламоқда.

В. Дубровский фотоси

**Тадқиқот
кашфиёт,
ахборот**

«...СЎЗ ДУРРЕДУРКИМ, АНИНГ ДАРЁСИ КЎНГУЛДИР...»

Ўзбек адабиёти тарихи осмонидан нур сочувчи дуррашон юлдузлар борки, улар ичида энг буюғи, энг порлоғи Мир Алишер Навоийдир. Алишер Навоий ўзининг бетакрор ижоди билан замондошларининг ақлу шуурини ёритиб, уларнинг ижодий фаолиятига раҳнамолик қилибгина қолмай, балки асрлар давомида олимлару адиллар, фозилу файласуфлар фикр-мулоҳазаларининг сайқал топишига, ўзбек халқи илм-фанининг раванқиғига, ҳатто Урта Осиё ва Осиёдаги кўпгина бошқа халқлар маданиятларига ҳам салмоқли таъсир ўтказиб келди. Бу мутафаккир шоирнинг ўлмас асарлари туркий тилда ижод этувчи ўзидан кейинги шоирларнинг адабий-бадиий ижод йўлларининггина эмас, балки илмий тафаккурларини ҳам шамс сингари мунавар этди. Навоийдан кейинги асрлардаги ижодкорлар эса, ўз ижодлари билан тараққий этаятган фикрлар ҳазинасини бойитдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ижоди кўпгина халқларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Алишер Навоий ўз замонасининг улкан давлат арбоби, адабиётшунос ва тилшунос олими ҳам эди. Унинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари туркий тилда бадиий (назм ва насрда) асарлар яратилиши соҳасида олиб борган илмий-лингвистик тарғибот ишларидан ҳисобланади. Асар номининг ўзи икки тил луғавий хусусиятларининг муқоясасига бағишланганлигидан далолат бериб турибди. Навоийнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «...луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисола ни жамъ қилиб битгидим». Яъни, туркий ва форсий тиллар луғатининг шарҳу баёнини изоҳлаш ниятида ушбу асар яратилган.

Навоий ўз асарлари билан замонасининг шоиру фузалоларига давлат арбоби сифатида сарварлик қилди. Туркий ва форсий тилларнинг ўткир билимдонли сифатида майдонга чиқди ва ниҳоят, «Муҳокаматул-луғатайн»га ўхшаш илмий рисола билан туркий тилда ёш истеъдод эгаларини кўпроқ туркий тилда асар ижод этишига тарғиб этди, уларга раҳнамолик қилди. Зеро, ўша даврда форс тилининг нуфузи баландроқ эди. Шунинг учун Алишер ёшларни ҳеч бўлмаста, иккала тилда баб-баравар ижод этишига чақирди. Улуғ мутафаккирнинг бундай илмий фаолияти ўз замонасида ҳам, ундан кейин ҳам классик ўзбек адабий тилининг шаклланишида, унинг йирик адабий тил сифатида раванқ топишида, шубҳасиз, жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг бу хизмати учун ҳар қанча улугласок, ҳар қанча таҳсин айтсак, озлик қилади.

Алишер Навоий мазкур асарида ҳар бир тилда луғат, суҳан, лафз зеболиғи мавжуд, фақат уни топиб ўрганмоқ, сайқал бериш, ундан фойдалана олмақ — суҳан дуррини термоқ лозим, деб уқтиради. Буюк олим туркий тил борасида тўхталиб, унинг бой ва гўзаллигини қайд этди. Сўз ясаш қолипи ва унинг грамматик шакллари хусусида зўр эҳтирос билан ёзади ва юзга яқин сўзларнинг маъно товланишларини ёрқин мисоллар — байтлар орқали кўрсатиб ўтади. Қуруқшамоқ, ўсанмоқ, алдамқ, ишонмоқ, айланмоқ, қийнамоқ, танламоқ, индамоқ, чидамоқ, тузмақ, қадамоқ, кўндурмақ, гангирамоқ, қизганмоқ каби мисолларни сўз шакллари воситасида баён этилиши лозим бўлган маъно ифодалари ҳақидаги фикрларни исботлаш учун келтиради. Улуғ аллома туркий тилдаги сўзларни форсий тилдаги сўзлар билан қиёслаб, форс тилида сўзлар аналитик йўл билан ифодаланишини кўрсатиб беради. Қиёслам: ишонмоқ — бовар қардан, чидамоқ — тоқат қардан, кўндурмоқ — маъқул қардан ва ҳоказо.

«Муҳокаматул-луғатайн» муаллифи сўзининг луғавий маъносини аниқлаш учун бир қатор сўзларнинг шарҳу баёнига тўхталиб, назмдан мисоллар келтиради:

Узоринги очарга кимсанурман,
Ва эл кўрмағига қизганурман.

«Телмурмак» сўзи ҳақида фикр юритганда, унинг мазмуни ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун Алишер Навоий қуйидаги шерий мисолни келтиради:

Тўқадур қонимни ҳар дам
кўзларинг боқиб туриб,
Ким нега юзумга боққайсан
Йироқдин телмуруб.

«Безанмак» сўзи устида тўхталганда, Навоий унинг маъно ифодасини ойдинлаштириш мақсадида ҳам байтага мурожаат этади.

Эрур бас чу ҳусну малаҳат санга,
Ясанмак, безанмак не ҳожат санга?

Бу мисоллар Навоийнинг бадиий ижодда нақадар назик таъб эканлигидан, ҳар бир сўзини лексик маъносига зўр эътибор бериб ишлатганлигидан гувоҳлик беради. Бундан ташқари, у мазкур асарида қариндошлик, овчилик, ов ҳайвонлари, отлар, қушлар, эгар-жабдуқ, таомларга доир сўз терминларини намуна тариқасида келтириб, уларни туркча-форсча муқояса этади. Зеро, бундай муқоясалар тилшуносликда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, илмий жиҳатдан ҳали ҳам ўрганишга лойиқдир. Навоий икки тилни қиёслаб шундай дейди: «Улуқ қардош ва кичик қардошнинг иккаласин «бародар» дерлар ва турлар улугни «оған ва кичикни «ини» дерлар. Ва алар улуг, кичик қиз қардошини ҳам «хоҳар» дерлар ва булар улугни — «згачи» ва кичикни «сингили» дерлар...»

Навоий сўз ясашнинг баъзи томонларига тўхталиб, туркий тилда тегач, айтач, боргоч, топқоқ, сотқоқ, ёргоч ва шунингдек, биллақур, қилақур, кетақур, етақур каби сўз шакллари морфологик йўл орқали ясалганлигини қайд қилиб ўтади. Шоир туркий тилдаги авул (овул) воситасида ясалган ҳировул, қаровул, сўзавул, бакавул, ясавул, шинговул каби ясама сўзларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳам диққатга молик фикрларни ўртага ташлайди.

Кизиғи шундаки, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ишлатиладиган қип-қизил (сифат) типидagi сўзларнинг пайдо бўлиши, борлиғи ва аслиши Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида ҳам қайд этилади:




ғатайн» асарида ҳам қайд этилади: оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-сарик, юм-юмалоқ, ол-очуғ, чуп-чүқур, кўм-күк, ям-яшил кабилар.

Бизни қизиқтирган яна бир соҳа шуки, Алишер Навоий асаридан аниқланишича, «чи суффикси билан ясалган сўзлар жуда узоқ тарихга эга бўлиб, у аслида туркий тилга хос экан. Бунинг исботи учун улуг аллома қуйидаги мисолларни келтиради: «ўрчи, сувчи, хазиначи, чавгончи, кўшчи, тамғачи, кемачи, қўйчи ва шу кабилар. Шунингдек, у тажнис сўзларнинг омонимлик хусусиятлари борасида фикр юритади ва ўз мулоҳазаларини жонли далиллар (қиёслаш воситасида) асосида исботлайди.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» рисоласи ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайдиган энг ахши лингвистик асар сифатида тилшунослигимизга хизмат қилаверади. Чунки унда сўзлар, сўз замиридаги маънолар, сўзларнинг морфологик шакли, тузилиши, ўзбек тили ва унинг хусусиятлари, ўзбек тилининг энг маъно кашф этишдаги илмий имкониятлари ҳақида баҳс юритади. Агар бу асарнинг XV аср охирида яратилганлигини, бу каби асар ҳали илмий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаганлигини инобатга олсак, ҳозирги лингвистикамиз соҳасида, хусусан ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда «Муҳокаматул-луғатайн» асарининг илмий қиммати кўз олдимизда янада равшанроқ гавдаланади.

Алишер Навоийнинг бу бебаҳо асарини тадқиқ қилиш, шубҳасиз, хайрли ва манфаатли ишдир. Зеро, Навоийнинг ўзи ҳам келгуси авлодларга мурожаат этиб, агар меннинг айтганларимдан «вуқуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоסי биле ёд қилғайлар ва руҳумни анинг биле шод қилғайлар», деган эди.

Пўлод ҚУРБОНОВ,
филология фанлари кандидати
Аҳрор ОДИЛОВ,
Душанбе Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси



Хоразм губерния Шовот районидagi янги кутубхона ҳамиша китобхона билан гавжум.

© [УзТАГ фотохроникаси]



Сергели районидagi Темир-бетон конструктори заводи кантактли алоқа устунлари ҳеҳида тайёрланаётган маҳсулотлар БАМ қурилишларида фойдаланилаётир.

Суратда: йиғувчи-арматурачилар бригадаси бошлиғи Владимир Шахгелдиян.

М. Нуриддинов фотоси

МАЙИЗ МЎЛ БЎЛАДИ

Совхоз бош агрономи Сайдрасул Қирқижитов қия тепаликдаги тоқзор томон илдам борарди. У ерда қўмилган тоқзорларга жўк оранларига илгор звеноси бошлиги Салим Қозоқов моҳирлик билан сув тарарди.

— Бу боғни кечаёқ сугориб бўлардик, — деди Салим ака саломлашаркан, куюниб. — Тепаликка сув чиқариб берадиган насосларнингиз ишламай қолди.

— Ремонтчиларни бу ишга бугуноқ жалб қиламиз, — деди бош агроном. — Кўк-ламга ишларга ҳозирдан тайёрларлик кўриш лозим. Мамадиёр Норжигитов билан Бойдан Иброҳимов ҳам жонбозлик кўрсатишпти. Суғоришда тажрибанинг роли катта. Энг муҳими, тоқ кишки яхоб сувига қанча қондирилса, меваси шунча мўл бўлади.

Салим Қозоқов яна бир неча маслаҳатлар бериб, совхоз гаражи томон йўл олди. Машина асфальт йўлдан бораркан, агроном икки томондаги тепаликлардан барпо қилинган тоқзорларга назар ташлайди. Ун йиллар илгари бу ерлар қакраган дашт бўлиб, баҳорда қиска фурусат кўк либосга бурканардио сўнг йил давомида сарғайиб, қовжираб ётарди. Самарқанд областида Кўшрабат райони ташкил қилинган, қўшни Иштихон районидан Свердлов номидаги боғ-узумчилик совхози ҳам янги районга қўшилди. Ушанда атиги уч-тўрт бригада узум етиштирарди холос. Сайдрасул Қирқижитов Қишлоқ хўжалиги институтини тамомлагач, Свердлов номидаги боғ-узумчилик совхозига бош агроном бўлиб келди. Ҳозир совхознинг ўн тўрт бригадасида асосан боғ парвариш қилинади. Заҳматқаш, тажрибали боғбонларнинг ҳиммати

билан совхоз бир неча йиллардан буён сифатли майиз тайёрлаш бўйича зиммага олган мажбуриятларини ортиғи билан бажармоқда.

Сайдрасул ака гараждаги ишлардан ҳам мамнун бўлди. Механизаторларнинг кўпчилиги бульдозерларини аллақачон мавсумга шай қилиб қўйган эдилар.

— Бу йил 1-бўлимдаги даштдан 13 гектар, 2-бўлимдан эса 18 гектар янги ер очамиз, — деди Сайдрасул ака бульдозерчиларга. — Бир ажойиб боғ яратайликки...

Тоқлар очилиб, шохчалари сўриларга боғлангач, далалар ажиб тус олади. Қиш бўйи яйдоқ ётган ерлар ўрнида худди ўрмон ҳосил бўлгандай таассурот қолдиради. Совхознинг Абдуқаҳор Ҳазратов бошлиқ бригадаси далаларида иш қизғин. Бўригул Усарова, Мейлихол Синдорова, Шафоат Ашурова сингари боғбон қизлар тоқ новдаларини сўриларга боғлашда жонбозлик кўрсатишяпти. Сайдрасул ака боғларни айланаркан, бирдан юраги увишиб кетди. Бир тоқ шохчадан сув томаёпти, яна бирида новдага ёпишган лойни ҳам ғриб, томчи йилтираб турибди.

— Бу қанақа беларволик, — деди куюниб бригадирга, — ахир бу — тоқнинг «қони»-ку. Бечора, энди майиб бўлиб қолади. Бригадир Ҳазратов соувқоқ, тажрибасиз боғбонни топиб, масъулиятсизлиги учун унга танбех берди.

— Узр, — деди бош агрономга бригадир, — энди ёшларни тажрибали боғбонларга биркитиб қўямиз. — Яхши. Аввал сув оқаётган новдаларни латта билан боғланглар, — деб Сайдрасул ака қўшни бригадаларга айланиб кетди. У Олим Хўжабеков, Мели

Синдоров ва Дўсан Равашанов бошлиқ бригада бдбонларининг меҳнатидан ҳам мамнун бўлди. Бу бригадаларда бир йўла сўриларга ойначалар осиб қўйилган экан. Аслида бу ҳам тажрибадан келиб чиққан: узум пишмида ойначалар осилган тоқларга чумчуқ ва майна қинлашгани ҳадиксирармиш...

Совхоз боғларида асосан қишмиш, тоифа, ризамат, каттакўргони ва хусайни каби майизбоп тоқлар парвариш қилинади. Лекин тоқ кўчатлари экилаётганида баъзан бошқа хиллари ҳам аралашиб қолади. Янги боғ икки-уч йилсиз мева бермайди. Шу сабабли дастлаб унинг навини акратиб қийин. Боғда «адашган» тоқлар олиниб, ўрнига яна кўчат экиш керак. Қўчат етказиб берадиган парник ишчилари беларволик қилишмас, шундай хол юз бермайди.

Боғбонлар август ойида узум қуритиладиган майдонларни сувқоддан чиқариб қўядилар. Шунда майизлар сифатли, баракали бўлади. Совхоз боғбонлари бу йил 487 гектар майдондан 90 центнердан узум етиштириб, давлатга 520 тонна сифатли майиз топширдилар. — КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленумида қабул қилинган Озик-овқат программасида мева қуритиш ва уни қайта ишлаш масаласига катта эътибор берилди, — дейди совхоз директори Топшўлат Синдоров. — Шу боис боғбонларимиз беш йилликда майиз тайёрлашни янада кўпайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олишган.

Дарҳақиқат, қўли бул совхоз боғбонларининг бу борадаги аҳди қатъий.

Тўлқин ЭШБЕКОВ

Уллибиби ОТАЕВА Ер уйқуси

Девани енган баҳодир мисол Донг қотганча ухлар она Ер. Хуштак чалиб турса-да, шамол, Чақмоқ қақиб титраса-да кўк, Уйқусига етказмас малол.

Оғир унинг чеккан заҳмати, Уйқуси ҳам шу қадар қаттиқ. Тер тўкиди у роса уч фасл, Тушида ҳам, ҳойнаҳой, меҳнат — Жангларининг завқиға интиқ. Даррандалар дағдағаси ҳам, Паррандалар қанот саси ҳам, Уйғотолмай аламга ботган Баҳодирни гўзал малакнинг Соч толаси уйғотган каби, Уйқусидан уйғотар Ерни Илк майсанинг нафис гул лаби!

Кунлар

Кунлар ўтар бизга сездирмай, Бизларни ўзидан бездирмай. Лекин у гоҳ тўхтаб қолгандай, Олдаг юришлардан толгандай.

Бут қанотли куш — хуш кунларинг, У учайди кўк бағрин ёриб. Ярадор куш — гагмин кунларинг, У учибмас, борар судралаб.

Бошга тушганда

Емон одам эмас Матсафо асли Унингсиз ўтмайди маърака, тўйлар. Кимнинг бошга гап тушса, тасалли, Насиҳат беришни жойига қўяр. Дейлик онасидан айрилса кимдир, Дардан аритмоқни ўйларди бироз: «Ўзи роса қариб қолганди кампир, Ҳам ота-онанинг қазоси мерос». Кимнингдир уйда қиёмат қўлиб, Фарзанди доғида ўртаниб ёнса, Матсафо шунга ҳам сўзлар гап топиб: «Белинг тўла бола, ўзинг соғ бўлсанг...» Ҳа, шундай, Матсафо савобга ботган, Ҳамманинг қўнглини олар ишқилиб. Лекин у ҳеч қанон дардмандлар билан Йиғлаша олмасди бирга қўшилиб. Дердилар: «Ғамини ичига ютар, Бирлардан олдида кўз ёши тўкмас. Бошга не келса, қадин тик тутар, Ҳар на бало-қазо унга чўт эмас. Кеча шу Матсафо аламдан ичиб, Етти маҳаллани тудди фарёди: Йиғлар оти ўлган дўстини кучиб, Чунки ўлган эди унинг ҳам оти.

Урганч



ЯХШИ
САҚЛАНГАН
МЎМИЁ

Мисрлик археологлар янгилик очдилар. Эл-Кантар шаҳри атрофидан, Сувайш

каналининг шарқий қирғонидан улар учта тоштобут топиб олдилар. Бу тоштобутларнинг ичидан жуда яхши сақланган мўмиё, шунингдек, кўпгина тилла тақинчоқлар чиқди.

ШАҲАРЛАР

ЯҚИНЛАШМОҚДА

Американинг Сан-Франциско ва Лос-Анжелос шаҳарлари ўртасидаги масофа йиллар ўтган сайин қисқариб бораётир. Геологик портлашларнинг турли томонлари бўйлаб жойлашган бу шаҳарлар бир-бирига қараб ҳар йили 5 сантиметр тезликда ҳаракат қилмоқда.

Уйғонган вулқон

Индонезиянинг Унауна оролидаги Чоло вулқонининг отилиб чиқиши оқибатида қишлоқ хўжалигига 25 миллиард рупийдан кўпроқ зарар етди. Антара агентлигининг хабар беришича, қайта уйғонган вулқон дасидан 700 мингга яқин пальма дарактлари ва юзлаб қорамоллар йўқ бўлди.

Гольфстримнинг кучи

Гольфстримнинг Атлантик океанга қўйиладиган жойидаги оқимининг сув ҳажми ер юзидеги барча дарёлар оқими миқдоридан 65 марта кўпдир.

Қўршапалаклар хуружи

Ҳиндистоннинг Керала штатидаги бир қатор районларнинг қишлоқ хўжалиги заҳматқашлари қўршапалакларнинг фавқуллоддаги ҳужумидан қаттиқ ташвишга тушдилар. Гап шунданки, тунда учадиган бу жониворлар пишиқчилик мавсумида кокос ёнғоқлари плантациясига чинакамига қирғин келтирдилар. Бу очофат паррандалар фақат Аллепи районидангина мавсумдан бери бир ярим миллиондан кўпроқ кокос ёнғоқларини еб тамомладилар. Зараркунандаларга қарши курашиш жуда қийин бўлди. Чунки қўршапалаклар тунда қилғиликни қилиб қўйиб, кундузлари одам юриши қийин бўлган қояларга ва гор-

ларга яшириндилар. Шу бондан ноилж қолган фермерлар уларнинг ҳар бир тунги ҳужумидан сўнг келтирилган зарарни ҳисоблашга мажбур бўлдилар. Фермерлар федерацияси илтимоси билан ҳукумат қўршапалакларга қарши зудлик билан чора кўришга киришди.

Ёз ва ёнғин

Шу йил ёз ойларида Урта денгиздаги Сардиния оролида (Италия) жуда кучли ўрмон ёнғинлари бўлиб ўтди. Бу ёнғин оролининг ашил бойлигига катта зиён етказди. Ут ўчириш командалари кетма-кет ёнғин чиқаятгани учун ўтнинг ўчиришга зўр-базўр улгурдилар. Тахмин қилишларча, Сардиния оролида юз берган ёнғинлар бу йилги мисли қўрилмаган жазираси ёз оқибатидир.

Фозил Йўлдош ўли куйлаган «Алломиш» достони,— «кишилик жамиятининг бахтли болалиги» деган юксак таърифта сазовор бўлган «Илиада» каби,— жаҳон эпосининг классик намуналаридан бири бўлиб қолди. Достоннинг ҳозирга қадар рус тилида,— антология, парчалар, айрим тўпламларга киритилганларидан ташқари,— ўн марта нашр қилинган ҳам шунинг кўрсатади.

Достоннинг рус тилида ilk бор чиқишида ҳам унинг ўзбек тилидаги биринчи нашрини тайёрлаган атоқли шоиримиз Хамид Олимовнинг хизмати катта бўлди. У 1940 йили «Литература и искусство Узбекистана» журналининг олтинчи сонига босилган мақоласида достонни рус тилига таржима қилиш иши кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини таъкидлаган эди.

«Алломиш» достонининг рус тилига таржимаси 1975 йили «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сериясида ва 1982 йили «Библиотека поэты» катта сериясида 25 минг нусхада чоп этилган айниқса қувончли воқеа бўлди.

Бу бебаҳо асарнинг рус китобхоналари томонидан шу қадар ардоқланганининг сабаби маълум: «Алломиш» чинакам халқчил, гўзал эпос бўлиб, барчани олижаноб қис-туйгулар оламига чорлайди, китобхонлар мадралик, жазурлик ҳисларини уйғотди, она-Ватанга садоқат йўлида қаҳрамонлик кўрсатишга чақиради, пок инсоний севгини ардоқлашга ўргатади. Достоннинг сюжетте, унда акс этган турмуш ва табиат лавҳалари, психологик тасвир воситалари, диалог, монолог, портрет, фольклорга хос мажозий тимсоллар, халқ донишмандлигининг ажойиб дурдоналари бўлмиш мақол, матал, ҳикмати сўзлар, турғун бирикмалар, ҳар бир сўз ва образнинг таъсир қудрати китобхонни ўзига ром қилмай қўймайди.

Достонга бутун заковати ва юрак кўрнини бағишлаган таржимон Лев Пенковскийнинг сермашаққат ва олижаноб меҳнати тудайли ўзбек халқ озаки ижодининг бу дурдонаси бизнинг бегона Ватанимиздагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам шухратга эга бўлди. «Алломиш» рус тилидан таржима қилиниб, қардош Чехословакияда ҳам нашр этилди, бу ерда чиқадиган бир неча газета ва журналларда ижобий баҳо олди, таржимон Ян Коморовский эса нашрнинг мукофотига сазовор бўлди.

Бундай шухратнинг боиси нимадар? Энг аввало, достондаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, пок муҳаббат тасвирини, она-Ватанга садоқат, қаҳрамонлик каби соф инсоний туйғуларни истеъдодли рус таржимон рус тилида тўла-тўқиса акс эттира олганлигидир. Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский халқ озаки ижодиёти ҳақида тўхталиб, шеърятни халқнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳаёт кўзгусидир, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, «Алломиш» достонидеда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари ёрқин ифодаланган. Бадиий асарнинг миллий руҳи бошқа тилда яхши берилса, унинг китобхони қаҳрамонлар маънавий оламини, бошқа бир халқнинг моддий, иқтимоий, маънавий маданиятини тўри туюшунинг имкониятига эга бўлади. Шу нуқтага назардан «Алломиш»нинг Л. Пенковский томонидан рус тилига қилинган таржимаси энг етук ҳисобланади.

«Алломиш» достони гоъвий-бадиий бой, серқирра, қомусий характерга эга. Унде истифода қилинган ҳар бир сўз, ибора, бадиий тасвир воси-

Алпамыш. Узбекский народный эпос. Перевод Льва Пенковского. Библиотека поэта, Большая серия, «Советский писатель». Ленинград, 1982. Вступительная статья, подготовлена текстами и примечаниями Т. М. Мирзаяна.

ХАЛҚЛАР АРДОҒИ

мақризи

тарли таржимода ҳам асар гоъси ёрқин намоён бўлишига, образларнинг таъсирчанлигини оширишга хизमत қилган. Тажрибали, ишининг кўзини билган, асар моҳиятини тўқил туюшган, заковатли таржимон ўзга халқ донишмандлигининг энг нозик қирраларини ҳам очиб бера олган, таржимога оригинал руҳини сингдирган. Маълумки, ҳикматли ибораларни бошқа тилда беришда уларнинг айнан эквиваленти бўлмаса, асосан мағизни сақлаб қолишда, асосий мазмунга мос образли иборалар қўлланади.

«Алломиш» достонидеги энг гўзал монологлар рус тилида ҳам бутун жозибаси, дидактики, эмоционалиги ва эстетик хусусиятлари билан берилган. Рус китобхони зўр муҳорат билан таржима қилинган жуда кўп эпизодларни ўқиб завқ олади, унда кўтаринки руҳ пайдо бўлади, ўзини достонда кечаётган воқеаларнинг иштирокчисидай сезади.

Миллий руҳ асл нухсанинг ўзига хошлигини белгилайди. Бунинг тўғри ифодалаб бера билиш эса бошқа миллат, бошқа этнографик муҳит вакили бўлмиш таржимон зиммасига катта масъулият юклайди. Таржима қилиниши қийин ва ҳатто таржима қилинмайдиган ўринларни ҳам ўз китобхонининг дидактика қилишларига мослаб беришга интилади. Мана шундай миллийликнинг бир белгиси фақат шу халққа хос сўзларни таржима қилишидир. Асл нухсадиги жинда, тўй, қамчи, шайтон, пиёла, дастурхон, аравақча, лаббай, қурҳайт, салом, ака, опа, хола, тўра, оломон, оинма, чангарак, қалам, ҳуржун, талқон, зиндон, жалам каби 150 га яқин ўзбекча сўз русча текстга ҳам ўтган. Таржимон баъзи сўзларни текст ичиде, параллел таржимаси билан: **джига** — **знак старшинства**, **бақаул** — **начальник поварни**, **куймак** — **ячничина с мукой**, **сипахи** — **конники** — **сипахи**, **амальдар** — **советник тарзида беради**. Айрим сўзларнинг маъносини контекстан аниқ билиниб туради. «Майдон бўлса (жанг бошланса) бедов отлар чопилар» эпик формуласидаги «майдон» сўзининг рус тилида «площадь», «плац», «манеж», «арена» каби эквивалентлари бор, аммо уларнинг бирортаси ҳам айни сўз маъносини урғусини тўла ифодалай олмайдди. Шунинг учун таржимон «на майдане скачет конь коною в обгон», деб қўя қолган. Еки, яна бошқа мисол. Ўзбек эпосида кал ва кўса образлари комизм яратишга хизмат қилади.

Достондаги Кайкубат-қалин рус фольклоридеги ана шундай вазифадор **дурочок** (Иванушка-дурочок) ёки **плевшивый** деб берилган, шоир кўзлаган ният амалга ошмаган бўларди. Шунинг учун таржимон у сўзини қолдириб, тасвирий йўл билан контекстанд ишора беради: «Пастухом этих девятюноса отар был Кайкубат-каль — как тыква, плевшивый».

«Алломиш» достонининг русча таржимаси аслдагидек мусиқий, енгил, салобатли, асар гоъси талаб қилган ўринларда эса мусиқий, бошқ жаранглайди. Бунга эришиш учун бадиий таржима устаси Л. Пенковский жон куйдириб ишлади, бир неча бор Фозил шоирнинг импровизация санъатини кузатди, тинглади, унинг маҳоратини ўрганди. Йирик шарқшунос, фольклоршунос олимлар Е. Бертельс, В. Жирмунский, Х. Зарифов, улкан шоир Хамид Олимовлар билан бамаслаҳат иш қурди. Достоннинг шеърини қисмлари каби, проза бўлақларини мусиқийлик, ритм билан таъминлади. Бунинг учун таржимон

оригиналнинг жаранглашини эслатувачи жумлалар тузади, шеърятга хос инверсия, анафора каби стилистик кўринишлардан уюмли фойдаланади. Қофиядош сўзлар қўллабди. Бир хил товушлари маром билан такрорланиб, айтиладиган фикрни бўрттириб берадиган сўзлар танлайди. Проза парчаларига шеърини оҳанг бериш учун рус классик ва жаҳон адабиётидега (хусусан, Р. Роланнинг «Кола Брюньониде») синиб қўрилган равшинлик усулини мос ҳисоблайди. Таржимоннинг бу тадбири ўзини оқлади.

Таржимода оригиналнинг психологик тасвир санъати ҳам муваффақиятли хал этилган. Асарнинг эмоционалиги ва романтик кўтаринкилик руҳи ижобий қаҳрамонлар психологиясини кўрсатиш орқали тикланган. Ешларнинг ўз ота-оналарига, қариндош-уруғларига, маҳбуб-маҳбубаларига нисбатан чексиз муҳаббат туйғуси, олихнаматлилик ва инсонпарварлик, она юртини севгиш ва унга соғини ҳисси, Қултой, Кайкубат каби оддий кишиларга нисбатан ҳам чуқур иззат-иқром кўрсатиш, олижаноб ниятларини рўёбга чиқариш йўлидаги мардонворлик, душманга нисбатан қаттиқ нафрат — қаҳрамонлар ички дувёсини кўрсатувачи белгилардир. Уларнинг эзгу орзуларини амалга оширишда қушлар ва ҳайвонлар кўмак беради. Улар ҳам одам каби ҳўрсанд бўладилар, изтироб чекадилар. Алломиш тутқунликдан қайтарганда «Тарлон бия — Бойчборнинг энаси, Чиборнинг довушини тўқайда» зшитиб қолиб, «банди кетган» Чиборни эслайди, кишнаб, эгасига бўйин бермай, Чибор қаршисига чопайди. Бунинг кўриб Ҳакимбек «дейди гирён бўлиб ўпкаси тўлади», кўз ёши сел бўлади... Хуллас, бадиий ўзгартириш, тасвирий воситаларга бой ва сермазмон халқ достонининг машҳур адиб Лев Миняев Пенковский бажарган таржимаси рус китобхонига яхши тортиқ бўлган эди.

Таржимани нашрга тайёрлаган фольклоршунос Тўра Мирзаяев достонга кириш сўзи ҳам ёзган, «Алломишнинг генезиси, ўрганилиш тарихи, бадиий тасвирий воситалари ҳақида тўхталган. Бизнингча, ўттиз бетга яқин бу мақолада Ўзбекистонда рус тилига таржима мактабини яратган, Ўзбекистонда хизмат қилган маданият ходими, улкан таржимон-шоир Л. М. Пенковский ҳақида, унинг таржима принциплари ҳақида бир оғиз ҳам илиқ сўз айтилмагани афсусларнаридир. Фақат бир абзацда (368-бет) таржимоннинг айрим нуқсонлари қайд этилган. Ҳўш, у қандай нуқсонлар экан?

Автор Бўйбўри турбан Бойсарининг Али ҳалифа турбатини зиярат қилиб бориш эпизоди русчада ташлаб кетилганини айтди. Таржимоннинг иш принципларидан келиб чиқиб, шунинг айтиш керакки, у энг аввало, ўзбек эпосининг рус китобхонига бадиий таъсири, достондаги ҳамма нарсанинг имкони борича далилланган, мантиққа тўғри, туюшарли бўлишини ўқийди. Агар асарда сюжетнинг усшига ғов бўладиган иккинчи даражали эпизодлар кўп бўлса, таржимон ўзини улардан воз кечишга ҳақли ҳисоблайди.

Билдирилган яна бир эътироз — таржимода сатрлар мутаносиблигини бузилиши хусусида. Аввал айтиб ўтганимиздек, сатрлар мутаносиблигининг бузилиши ўзбек ва рус тилларининг луғавий ва семантик нормалари ўртасидеги номувофиқлик билан изоҳланади. Дарвоқе,

мутаносиблик ақидасига сажда қилиш, ёки қатъий, сатра-сатр таржима қилиш принципи, кўпинча, турли-туман хато ва камчиликларга олиб келади, таржимоннинг «ёёқ-қўлини боғлаб», фикр доирасини чегаралаб қўяди. Айтилиши керак бўлган фикр ифодаланмай қолиб кетиши мумкин. Лекин бу билан асл нухсанинг бир сатрини икки-уч сатр билан хоҳлаганча ағдарса бўлаверар экан, деган хулосага ҳам келмаслик лозим. Эквивалентлик принципи ҳам адекват таржима принципи бўйсунмай ва шунга хизмат қилади.

Ваҳоланки, таржима асли билан синчиклаб солиштириб чиқилса, қуйидаги камчиликларни кўриш мумкин эди:

1. Барчинийнинг Суксурой канизаги билан курут (куртова) ёвдиган сўри — бостирма остида ўтириши таржимода «ипак курти ёйилдиган сўрича ости» бўлиб қолган. Бу славян тилидаги таржимога ҳам «ипак курти» бўлиб ўтишига сабаб бўлган.

2. Алларнинг Кўкаманинг устига тоғнинг чўққиси қулагандаги урилаётган мушларни таржимода бошқача берилган: Кўкаман тоғ чўққисидай ётарди. Шу ерда «тепкилашиб чикмоқ» ибораси «колотить», «дубасить» ёки «грызть» деймай, сўзма-сўз «пинать друг друга ногой» деб ағдарилади.

3. «Олмадагини сўлган гудай таржимон бор» таржимода «яблочко сущеним стала» (90-бет) деб берилган.

4. «Тўқсон қўра қўй» — «тўқсон қўра қора қўй» (119-бет) бўлиб қолган.

5. «Бир сўз айтиб, кўнглин кўтар, Қоражон,

Сўнгра отим олиб учсин фалакка», — дейди Алломиш дўстига.

Бу мазмун таржимода ўзгартириб юборилган:

Прочитай скорей двукратно калиму(?),

Конь мой в небеса твои поднимет

вместе с ним (135-бет).

6. «Отасини урган фарзанд оқ бўлар» мисрасидаги «қарғиш эшитмоқ», «оқ қилинмоқ», «қалъатламоқ» сўзларининг маъноси чиқмаган:

Если дерзкий сын отца побить посмел,

Станет от проказы белым он, как мел (131-бет).

7. Персонажнинг соқовоблиги (р, з, с, л товушларини айта олмалиги) юморни кучайтириб беришга хизмат қиладиган бадиий усул. Бодом-бикачнинг соқовоблиги таржимода ҳар хил берилган: Бир жойда у тўғри гапирса (348-бет), бошқа жойда (кейинги саҳифаларда) ҳақиқи товушларни айта олмайдди. Соқовоблигининг сабаби ҳам нотўғри талқин қилинган: «Тилини олаҳаққа қўйган» ибораси сўзма-сўз: «привычку имела она спать с вынутым языком. Отклевала ей однажды ворона кончик языка» (345-бет), деб ўғрилган.

Достонни иккинчи нашрга тайёрлашда шу каби жузъий нуқсонларга эътибор бериш керак эди. Уйлаймики, достоннинг келгуси русча нашрларидеда кўрсатилган камчиликлар бартараф қилинади.

Аммо, умуман олганда, «Алломиш» достони рус тилига таржимасининг иккинчи наشري маданий ҳаётимизда мумкин воқеа бўлди, ўзбек халқ қаҳрамонлиги эпосининг Бутунитифоқ ва жаҳон миқёсида янада кенг тарқалиши учун имконият яратди.


Комилжон ЖўРАЕВ,
филология фанлари кандидати



ҚОИДАНИ БУЗМАНГ, АФСУСЛАНАСИЗ!

Ниязмурод РУЗИМУРодов,

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги
Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг
бошлиғи, милиция полковниги



Тошкент шаҳар Ижроия Комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекциясининг катта инспектори, милиция лейтенанти Нигора Жўрабоева ўз постида.

Ривожланган социализм жамиятининг қудратли одими, фан ва техниканинг мислсиз тараққиёти ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига кучли таъсир кўрсатаётир. Партия ва ҳукуратимизнинг одил сиёсати ва беҳисл ғамхўрлиги туфайли совет халқининг турмуш даражаси тобора ошмоқда. Совет кишилари ҳар йили кўплаб энгил машиналар харид қилмоқдалар. Бунинг ўстига, мамлакатимизда йил сайин аҳоли сони кескин ўсаётир. Йирик шаҳарларда, об-ластларнинг марказларида ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларда вақт ўтган сари пиёдаларнинг зичлиги ортиб бораётир.

Мана шу объектив омиллар натижасида мамлакатимизда, жумладан, республикаимизда йўл ҳаракати йилдан-йилга мураккаблашиб, давлат автомобиль инспекцияси ходимлари, ҳайдовчилар ва йўловчилар олдига янги муаммоларни қўймоқда. СССР Олий Совети Президиумининг яқинда кучга кирган «Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги фармони ана шундай муаммоларни ҳал этишга, йўл ҳаракати қондаларини мустақамлашга, автомобиль ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фалокатларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Фармоннинг асосий моҳияти нималардан иборат? Биз бу ўринда худди шу ҳусусда фикр юритмоқчимиз.

Кейинги пайтларга қадар автомобиль йўлларида тартибни сақлаш, ҳайдовчилар ва йўловчиларни йўл ҳаракати қондалари бўйича тарбиялаш, тартиб бузувчиларга маъмурий чоралар қўриш масалалари ҳар бир иттифоқдош республикада турлича ҳал этиларди ва белгиланарди. Бунда республиканинг норматив ҳужжатларида қоида бузувчиға масъулият чораси аниқ белгиланмасди, кўпинча бир хил айб

учун мамлакатимизнинг турли регионларида ҳар хил жазо чоралари қўлланиларди. Эндиликда — ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, социалистик қонунчиликни мустақамлаш ва йўл транспорти ҳодисаларига қарши курашни кучайтириш умумхалқ иши бўлиб қолган бир пайтда янгича қоидалар жорий қилиниши тақозо этди.

Ҳукуратимизнинг мазкур фармонига кўра, қонунни бузининг ҳақиқий хавф-хатари — оқибати ҳисобга олинган ва масъулият тақалаштирилган тартибда кучайтирилган. Фармонда қонун бузишларга атрофлича баҳо бериш кўзда тутилган бўлиб, унинг моҳияти ижтимоий хавф даражасини аниқ белгилашдан иборатдир.

Фармонда энг кенг тарқалган қоида бузишлар — тезликни ошириб юбориш, ҳаракат сигналларига, йўл белгилари ва чиқиқларига риоя қилмаслик, қувиб ўтиш ва маневр қилиш қондаларини бузиш каби айбларнинг аниқ рўйхати қайд этилган. Бу хил гуноҳлар учун 3 сўмдан 10 сўмгача жарима белгиланган. Рўйхатда кўрсатилмаган бошқа хил айблар учун 3 сўмдан жарима кўрсатилган.

Ҳайдовчи вужудга келган вазиятга нисбатан вақ-

тида, тўғри ҳаракат қилолмай қоладиган ва авария ҳолатини вужудга келтирувчи айбдорлар учун масъулият чораси фармонда янгича қайд қилинган. Мана, бир мисол. Айтилик, ҳайдовчи олдиндаги автомобильни қувиб ўтаётиб, рўпарасида транспорт бўлмагани ҳолда қарама-қарши ҳаракат чизигидан ўтди-да, яна ўз сафига қўшилди, дейлик. Принцип жиҳатидан қараганда, бунда қоида бузилади, лекин авария вазияти вужудга келмайдиган пайтда ҳам шундай ҳаракат қилди, дейлик. Янги фармонда кўрсатилишича, иккала ҳолда ҳам қоида бузилиши бир хил — қарама-қарши ҳаракат чизигидан ўтилган. Аммо бу икки ҳолатдаги хавф-хатар даражаси ҳар хил. Шунинг учун жазо чораси ҳам турлича қўлланилади. Янги қонунга кўра, авария ҳолатини вужудга келтиргани учун 20 сўмгача жарима солинади.

Бирор қоида бузувчиға жазо чораси белгиланаётганда жўрттага, яъни онгли равишда айб қилинганлиги ёки эҳтиётсизлик орқасида сўдир бўлган вазият ҳам жиддий ҳисобга олинади. Бунда нима кўзда тутилади? Кўпинча, йўл ҳаракати қондалари онгли равишда бузилади, яъни ҳайдовчилар ўз хатти-ҳаракатларини биллиб турганликлари ҳолда таваккалига иш тутадилар. Лекин оғир оқибатларга олиб келувчи вазиятни ҳам ким жўрттага келтириб чиқармайди. Хўш, шундай экан, қоида жўрттага бузилганими ёки эҳтиётсизлик орқасида келиб чиққанми — бунга алоҳида эътибор билан қаралади.

Айтилик, авария юз берди. Бунда энг аввало ҳайдовчининг авария вазиятиға бўлган муносабатини аниқлаш лозим. Башарти у ўзи учун хавф туғдирган бўлса, бунда айб сабабини тажрибасизлик ёки эҳтиётсизликка йўйса бўлади. Маъбодо, бу ҳолатдан иккинчи бир ҳайдовчинини қалтис вазиятга тушириб қўйган бўлса, у ҳолда автоинспекция ходимлари бошқаларнинг манфаатларини назар-писанд этмаслик оқибатида авария вазиятини вужудга келтирган худбин ҳайдовчиға нисбатан бевосита айб қўйишга ва уни қаттиқроқ жазолашга ҳақлидир.

Янги фармонда йўл ҳаракати қондаларини такрор-такрор, яъни йил давомида қайта-қайта бузувчилар учун маъмурий жазо чоралари ҳам аниқ белгиланган. Шунингдек, янги қонуннинг бир нечта моддаси айрим айб турлари учун жавобгарлигини оширишни кўзда тутди. Масалан, темир йўлни кесиб ўтиш қондаларининг пиёдалар томонидан бузилиши, уларнинг йўл ҳаракатиға ҳалақат беришлари ҳам кўнгилсиз оқибатларға олиб келиши мумкин. Айниқса, йўловчиларнинг пала-партиш юриши, шаҳарларға четдан қатновнинг кўпайиши йўл ҳаракати тартибини анча қийинлаштириб қўймоқда. Шунинг учун ҳам фармонда пиёдалар ва велосипедчилар ҳамда аравақашлар зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Улар тартиб сигналларига, йўл белгилари ва йўл чиқиқлари талабларига амал қилмаган ҳолларда Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан оғзаки оғохлантирилади ёки уларға уч сўм микдоридан жарима солинади. Башарти бунда қондани



Эҳтиётсизлик ва шашқалоқликнинг оқибати дом шундай аянчлидир.

КУРТАКЛАР

Мамадали МАҲМУДОВ



Тоғ дарёси

Ўркак-ўркак қояларни оралаб
дарё оқаяпти.
— Алвидо!— деб қолмоқда қоялар.
— Алвидо!— деб елмоқда дарё.
Дарё бугиқ қайқириб, тўсиққа урилди.
Тўсиқ «қилт» этмади.
Дарё ҳам шаштидан тушмади.
Зеро, бошқа йўл йўқ эди.

Сой

Зангори соҳиллар аро чайқалиб
сой оқиб бораёпти.

Музли чўққилар фарзандига маъ-
юс қараб қоляпти.

Олисда, яшил туман ичида яшил
водий ястаниб ётибди.

Сой водийга яқинлашганда, ялан-
ғоч қояга дуч келди...

Сой сиқилиб, ўз ўзанига сиғмай
қолди.

Бирок сулув водийни унутмади.
Йўлида давом этди; қояга урилиб,
сурилиб, яна урилиб давом этди.

Муттасил ҳаракат... Бахил қоя...
қай бири қудратли!

Азалий қўшиқ

Азим тоғлар тиниқ сойни кузатиб
қолди.

Сой урилиб-сурилиб оқиб кета-
верди.

Тақир даштга етди.
Лойқаланди...

Тиниди...

Изида:

Буғдойзорлар қолди.

Урилиб-сурилиб оқиб кетаверди.

Сунг сахрога етди.

Лойқаланди...

Тиниди.

Пахтазорлар қолди.

Урилиб-сурилиб оқиб кетаверди.

Изида:

Лойқаланди...

Тиниди...

Лойқаланди...

Тиниди...

Равоч

Оқ бўрон қўнган чўққилар пойида,
ёнбағирларда барглари саватдай-са-
ватдай келадиган равочлар етилди.

Шифобахш неъматдан ким татиди,
ким татимади.

Қўш сели, ёмғир қамчиси, ша-
мол зарбли равочларни тез қаритиб
қўйди.

Аммо сояларда кўқарган равочлар
ҳали барра эди.

О, шафқатсиз табиат! Нега, Ҳаётни
тенг баҳам кўрмадинг!?

Из

«Одам юрмас» довоани... У олис
булутлар қўйнига яширинган.

Яралгандан бери уни қалин қор
қоплаб ётади. Унда тез-тез ваҳший
бўронлар, қор кўчкилар бўлади. Ку-
тилмаганда баҳайбат тошлар юмалай-
ди, тоғ, даралар фарёд чекади.

У тик. Гўё осмонга устун. Қўш
ҳам, ой ҳам у билан тўқнашади.

Унинг бир ёни — офтоб ўтмас ча-
налзор. Бир ёни — яланғоч, ғариб
қоялар. Бу хатарли жойларда йирт-
қичлар изғиб юради.

Шунданми, бу кўрқинчли дован-
дан бирор кимса ошмаган эди.

Лекин... қутлуғ тонгда ғаройиб ҳо-
диса юз берди. Бир жасур одам до-
вонга ўрлади. У тизза бўйи қор ке-
чиб, юксакликка кўтарилар, кўтарил-
ган сайин кичрайиб борар эди. Бора-
бора у чумолидек кўриниб қолди.
Сўнг, оқимтир туман ичига сингиб
кетди.

Аммо қордаги изи кўриниб ту-
рарди.

Иккинчи кун азонда ҳам худди шу
қалтис издан бир танти одам юрди.

Кейинчалик... буралиб-буралиб ос-
монга тирмашган илндай ингичка,
илндай хавfli бу издан одам узил-
май қолди...

бузиш оқибатида транспорт воситалари, юк, йўл,
иншоот ёки бошқа мол-мулк шикастланса, айбдор-
ларга беш сўмдан ўттиз сўмгача жарима солинади.
Машиналарни маст ҳолда бошқарган, умуман,
кайф билан рулга ўтирган ҳайдовчиларга нисбатан
муросасиз муносабатда бўлиш, уларга жиддий жазо
чораларини белгилаш фармонда алоҳида таъкидлан-
ган. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарган-
лиги учун, шунингдек, машинани бошқаришни маст
кишига топширгани учун жарима миқдори — 30 сўм-
дан 100 сўмгача ёки ҳайдовчи бир йил муддат билан
машинани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.
Мабодо, ҳайдовчи қондани бир йил ичида такрорий
бузса, яъни яна маст ҳолда машина рулига ўтирса,
у бир йилдан уч йилгача ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум
бўлади.

СССР Олий Совети Президиумининг мазкур фар-
монида йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмайдиган
транспорт ва йўлдан фойдаланадиган ташкилотлар-
нинг мансабдор шахсларини айбга йўл қўйган тақ-
дирда жазолаш тартиби ҳам аниқ кўрсатилган. Тех-
ник жиҳатдан носоз, ўзбошимчилик билан қайта ус-
куланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ва тех-
ник кўриқдан ўтмаган транспорт воситаларини йўлга
чиқарган кишиларга (раҳбарларга) 10 сўмдан 30
сўмгача жарима солинади. Йил давомида бу ҳолат
такрорланса, жарима миқдори 20 сўмдан 50 сўмгача
оширилади.

Умуман, СССР Олий Совети Президиумининг куч-
га кирган янги фармони гражданларнинг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни яна-
да яхшилашни, автомобиль транспортда интизомни
мустақкамлашни, юк ва пассажирлар ташинида хавф-
сизлигини таъминлаш манфаатларини кўзда тутди.
Демак, мазкур ҳужжат муҳим давлат ва умумхалқ
аҳамиятига эгадир. Шунинг учун ҳам республикамиз
Давлат автомобиль инспекцияси органларининг хо-
димлари бу муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатни атрофла-
рича пухта ўрганиш ва уни автотранспорт корхонала-
рининг ишчи-ҳайдовчилари ўртасида кенг тарғиб
этиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни уюшқоқлик
билан амалга оширмоқдалар.



Автомашиналарнинг ўз вақтида техник қаровдан ўтказилиши фалокатларнинг олдини олиш ва техниканинг йўлга яроқчилигини аниқлаш имконини беради.

Н. Шарипов фотолар

Зиддият

— Салом ошна, қалай, соғ юрибсанми?
Э-ҳа, тўй муборақ, уйланибсанми?
Бироз тўлишибсан, устинг ҳам башанг,
Гапир, қандай ўтди тўю-гомашанг?!
— Йил бўлди, одамдек ашайман, ўртоқ,
Студент котлетин емайман мўтлоқ...
Уйимда кутмоқда овқат сараси,
Қунда тоза кўйлак — оппоқ ёқаси.
(Не ҳожат дўстимдан — сөндан яширмоқ!)
Хотиним — бебаҳо, тенгсиз, меҳрибон,

Агар гобим қочса хотиним шу он
Даволашга бошлар мисоли доктор,
Ширин-шакар сўзин охири йўқдир.
Туну кун ёнимда гирди-капалақ,
Узини аямас, жон этиб ҳалак...
Ҳатто қочмоқчиман уйдан олиб бош,
Яна ўз-ўзимга пиширман ош...
— Ундай бўлса нега уйландинг, ука?
— Керак эди менга...

Жўра... прописка!..

Сон ва сифат

— Мени тез табрикла, Петушков дўстим!
— Нима билан, айт-чи!
— Муқофот олдим.
— Не учун муқофот айт-чи, ҳов, дўстим!..
— Не учун дейди-а? Планлар тўлди...
Савдога ташладим юз мингга тароқ.
Ҳозирок, Сотиб олишинг мумкин!..
Лекин...



Турқинг галати-ку, иш чатоқми сан,
Сочинг ҳам тўкилиб... бўлсан тепакал?!
— Ишим соз, тўкилган сочим қарасам,
Тароғиндан шундай бўлди тарасам...
* * *

Баъзи бракчилар кексаар ҳамон,
Сифатнинг ҳоли танг, юксакдадир СОН!

Сами АБДУҚАҲҲОР таржималари

Саратоннинг
сарик қунида

Саратон ёндирган энг иссиқ кунда,
Чўққага гап отди кўрада Эчки:
«Иссиқда ҳарсиллаб ётгунча бунда,
Ташқарига чиқиб маза қилсанг-чи!
Ажойиб кўлмак бор, ёнбошла, ётвол!»
«Э, ҳозир бу кўлмак бўлмақда увол,
Маза қилиб ётардим аллақачонқ»,
Бирок,

Унда ётибди бир кайфи тароқ!
Ҳар дам олиш кунлар эртароқ!
Сўнг пивохонадан у чиқиб,
Ётади кўлмакка бошини тикчиб!..»

Бу кичик қиссадан ҳисса нима денг?
Баъзилар Чўққага ўзин қилар тенг!..

ВИКТОР ГЮГО
УЙ-МУЗЕЙИДА

Шарофат БОТИРОВА

Парижнинг Вожирар кўчасида бир
ажиб даргоҳ бор. Бу — жаҳон ада-
биятига ўзининг 80 томлик асарлари
билан боқий қирган буюк шоир,
прогрессив ёзувчи, драматург Виктор
Гюго ашаб ўтган уй. Эндиликда уй-
музейга айлантирилган беш қаватли
бу бино санъаткорнинг баракали
ижоди, инсониятга қолдирган бой
адабий мероси туфайли ардоқлидир.

Уй-музейга қадам қўйишнингиз билан
ҳовли сатҳидики катта боққа кўн-
зингиз тушади. Фавворалар отилиб
турган ҳовуз атрофида тош ўриндиқ-
лар. Бино ҳам, ўриндиқлар ҳам кул-
ранг. Буларни кузатар экансиз, Гюго-
нинг Парижга бағишлаб ёзган «Кул-
ранг юз бу шаҳар» мисраси беҳи-
тёр ёдингизга тушади. Шу пайт
мазкур сўлим манзилгоҳини таъриф-
лаган лирик шоир Ламартинни ҳам
эслайсиз, уни «мафтун этган» «хил-
ват боғ, беозор каптарларни» кўра-
сиз. Боғда дам олиб ўтирган — сер-
ҳашам турларга бурканган хонимлар
нони бурдалаб-уватиб, ерга сепади-
лар, кафтларида каптарларга увоқ
тутадилар. Каптарлар ҳеч чўчимай,
хонимлар кўлидан донайди. Балки
булар ўша Ламартин тасавирлаган
каптарларнинг узоқ авлодидир...

Кун бўйи қилинган ижоддан сўнг
шоир боққа чиқар, бу сўлим хилват-
гоҳда кўзларига дам берар эди.
Шоир даврида кўча шунчалик сокин
ва осойишта эдики, бу ерда карта
ўйнаб ўтирган Наполеон армиясининг
собиқ ҳарбийларидан ўзга деярли
ҳеч ким бўлмас, шоир эса шундай
кезларда «қий-чўгга кўмилган» Пари-
жда эмас, гўёки Булон ўрмонлари-
нинг беозор бир четида яшаётгандай
ҳис қиларди ўзини. Шоир мана шу
ҳовлида илкомнинг уқпар қанотида
жўшиб кўйлади, капитал дастидан
бебахт булганларнинг бошини сила-
ди, бир бурда нонини улар билан
бахам кўрди.

Бу даргоҳда «Консерватор» жур-
налига асос солинди, романтизм
мактаби очилди. Шоир беосита раҳ-
барлик қилган мазкур тўғарак ба-
риб-бориб адабий оқимга айланди,
ўзига ҳос мактаб вазифасини ўтади.

Романтизм тўғаригининг аъзолари,
барча қизиқувчилар шу уйга тўплани-
шар эди. Баъзан уларга унинг беш
қавати ҳам етмай қоларди. Шунда
шоир уларни кунчиқар томонда
жойлашган Люксембург боғига ёки
Монпарнасга эргаштириб борарди.
У ерда эса, қизгин мушоира, бахс-
лар бошланиб кетарди. Биринчи бў-
либ Виктор Гюго шеър ўйрди.

Қимир этмай тинглаётган шеър
шайдолари шоирдан кўпинча Шарқ
мавзундаги шеърлардан ўқиб бе-
ришини сўрар эдилар. Умирида бирор
марта Шарқни ўз кўзи билан кўрма-
ган шоир шеърлариде шарқшунос
дўсти Эрнест Фурни (араб поэзияси-
нинг илхосманди) ҳикоялари асосида
шундай бир Шарқни кашф этдики,
бу ўша даврда Байрон асарларида
кўйланган Шарқ, Эленшлегернинг
«Аладин» асариндаги ва Гётеннинг
«Шарқ девониндаги Шарқдан ҳам
гўзал ва жозибалироқ эди. Унинг
мазкур туркумига киритилган «Сув
бағридаги Соран», «Заркокил Нурма-
ҳал», «Паранжи», «Муфтининг жанг
ҳайқирғиси», «Дарвиш», «Султоннинг
арзандаси» асарларида шарқона
одатлар, расм-русумлар бодий гў-
зал образлар ва тақдорланмас таш-
беҳлар орқали ифодаланган.

Шоирнинг уй-музейида шохона
мебеллар, биллур ва чинни идишлар
деярли йўқ. Биринчи қаватда шоир-
нинг китоблари, ўзи чизган расмлар-
дан олинган нусхалар, шоир ижоди
ҳақидаги илмий асарлар, суратлар
сотилади. Қолган қаватларда Гюго
чизган расмлар, полотнолар билан
ғанишасиз. Унинг қирққа яқин тасви-

рий асарлари диққатга сазовордир.
Булар орасида айниқса Гюго ўзини
ва оила аъзоларини тасавирлаган, шун-
ингдек, «Париж кўринишлари»,
«Империя ғилдираги остида қолган
Париж» расмлари кучли таассурот
қолдиради.

Иккинчи қаватда шоир ўз қўли билан
қизил дарахдан ясаган ниҳоятда
бежирми диван, буфетлар турибди.
Буларни у сургунда юрган пайтлари
Жерсида ясаганлиги қайд этилган.
Диваннинг орқа ўриндиғига портрет
учун жой ҳам ўйилган.

Болалар хонасига киримиз. Ундан
ичкарида яна бир кичик хона — шо-
ирнинг тўнғич қизи Леопольдина хо-
наси бор. Бу ерга қирган киши таъ-
сирланмай чикмайди. 1843 йил, 9
сентябрда ўн олти ёшли Леопольди-
на Шарль Вакери билан никоҳдан
ўтиши керак эди. Севгининг кўзи кўр
бўлади, деганларидек, муҳаббат учун
еттинчи самога ҳам ўчишга тайёр
турган ҳар иккала ёш, нотариус Ба-
зириникига Вилькедан Кодебеккача
Сена бўйлаб қайқада боршига еҳд
қиладилар. Ахир, эртага улар никоҳ-
дан ўтишади! Уларга кўвнинг жияни
ҳам ҳамроҳ бўлади. Кодебекка етиб,
нотариусни оладилар ва орқага қай-
тадилар. Кўпни кўрган нотариус,
юракни ҳовучлаб қайқада кетгунимча
пиёда бораман, деб енгилгина те-
бранич турган елканли қайқачдан
Бар-и-Ва қиргоғига тушиб қолади.
Бўлажак кўвё эҳтиётдан қайқақча ик-
кита тошни солиб кўяди: «Ана энди
огирроқ бўлди, йўлга!» Шу дамда
кучли шамол туриб, чаг-тузон кўта-
рилади. Қайқача ағдарилиб, Лео-

польдина ҳалок бўлади. Бунни кўрган
Шарль моҳир сузувчи бўлишига қа-
рамай, ўзини сувга чўктиради. Бу
ҳалокат Гюгони қаттиқ қайғуга сола-
ди. Шўх лира торларига аза инади.
Йил давомида ғамгин ва маҳзун
асарлар дунёга келади. «Ҳаёлот»,
«Куз япроқлари» тўпламлари шу ма-
зун торлар махсулидир.

Стал устида катан муслими газла-
мадан тикилган кўйлак, гулли шляпа,
мўъжазгина енгил туфли ва езув:
«Бу менинг шўрлик қизимдан қолган
хотира». Деворда эса шеър:

Сен Сенани севар эдинг, тинч
гўзал-деб,
Ким ҳам билар эди бу ерда
тинчингни топшинг.
(«Ҳаёлот»)

Сўнги қаватлардаги кўргазмалар
бу ер шоирнинг ижодхонаси бўлган-
лигидан гувохлик беради. Кўлёмла-
ри, кўлёмалар... Уларнинг сон-са-
ноғи йўқ. Бир асарнинг бир неча
марта қайта ишланган нусхалари,
асар қаҳрамонларининг қўлда чизил-
ган расмлари, таклифномалар, етим-
хонадан келган ташаккурномалар,
тўрт фарзанди дунёга келтириб, бир-
ортасининг бахтига шерик бўлолма-
ган жабрдийда Гюго хонимнинг кун-
далиги, «Париж ибодатхонаси»
(«Нотр-Дам»)нинг бир неча вариант-
лари, минглаб шеърларнинг асл нус-
халари, шоир овози ёзилган граммо-
фон турибди. Давлат арбоби — де-
путат сифатида олиб борган кунда-
лиги, сатҳлаштирилган драмалари-
нинг афишалари, бош ролларни иж-
ро этган актёрлар. Улар орасида
шоирга бир умр илком бағишлаб
келган содиқ, садоқатли Жюльетта
Друз портрети ҳам, унинг шоир ҳа-
қидаги кундалиги ҳам турибди.
Олимпиа-шоир (Андрей Моруа таъ-
рифи) бу аёнинг сазовати олдига
бош этади.

Хуллас, бу хонада буюк ёзувчи
яшаб ижод қилган даврдаги ҳамма
нарсэ ўз ҳолатида сақланмоқда.

Париж — Жиззах

ТАБИАТ АСРАЙЛИК

Биз болалик давримизни, бундан 30—35 йиллар муқаддам хошди бўлган айрим воқеаларни, ўша давр табиат гўзаллиқларини тез-тез кўрсатдим. Аинқиса, болаликда, ёшликда бу гўзалликлар кўзингизга жуда бошқача кўринади. Чунончи, районимиздаги Жигачи қишлоғида жуда кўп майда кўллар бўлар эди. Ҳозир уларнинг ўрни экинзор. Кўллар атрофида қамиш, юлғун каби кўплаб ўсимликлар ўсар эди. Сува ҳаммаша баликлар, ўрдаклар сузиб юрарди. Тустовуқларни айтмайсизми: турли рангда товланишдан кўз қувониб, дил завқларди. Сува камайиб, ариқларда жилди раб оқа бошлагач, балиқ-

ларни тизилиб сузишни томоша қилардик. Эндиликда буларнинг ҳаммаси биз — катталар учун хотирага, болалар учун эса чўп-чакка айланди.

Уша ўрдак, тустовуқ ва бошқа жониворлар жуда камайиб кетди. Чунки кўп ҳолларда милтиқ кўтарган бешафқат овчилар, тўр қўлтиқлаган раҳмсиз балиқчилар ҳақидан ошмоқда. Сир эмас, биздаги айрим «шахсий балиқчи»лар мавжуд кўллардан бирданга 200—300 килограмм балиқ ушлаб, қишлоқларни айла-май сотиб юрадилар. Ҳаво иссиқ вақтлари эса вақтида сота олмай саситиб, чиритиб захашларга ағдаришади. Қанчадан-қанча балиқлар шундай нобуд бўлмоқда. Тегшли мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари уларнинг живонини тортиб қўйишлари лозим эмасми, ахир!?

Отам чўпон эдилар. Отам билан кўл ва чўллар

да кўп бўлганми. Қўй-қуларга қўйилиб юрган кийик ва кийикчаларни кўп кўрганман. Ҳатто кийиклар, қобонлар қишлоқларгача яқинлашиб келарди. Энди эса кийик, кийикчалар оз қолди, уларни ахтариб ҳам тополмайсиз.

Нега бундай? Уша даврда ҳам овчилар бор эди. Лекин инсоф-били овлашарди. Ҳозир-чи, кечқурунлари машина, тракторларга кучли прожектор ўрнатиб олган баднафслар кийик ва товуқонларни овлашади. Улар инсофни билмайдилар.

Яқинда бир кўнгилсизликнинг устидан чиқдик. Районимизда Шурноқ чегдан балиққа сероб кўл бор. Шу кўлга уч нафар балиқчи бориб роиса балиқ овлашарди. Лекин эса «балиқ хиромонини» титиб, йирикларини саралаб, майдаларини куруқ сувсиз ерга ташлаб кетишган. Бу — ношукрулик, ўтакетган шафқатсиз-

ликдан бошқа нарса эмас. Бундай шахсларни живовлаб қўйиш керак! Табиатни муҳофиза қилишга мутасадди бўлган ташкилот ва шахслар талабчиликни ва назоратни кучайтирсалар, «механизмлашган» ва «электрик» овичиларни қаттиқ тартибга қайтарсалар, бебаҳо бойлигимиз бўлган табиат тополмас эди.

Қишлоқлар этақларидаги майда кўллар, массивлар ўзлаштирилмоқда, экинзорларга айлантирилмоқда. Бу — яхши. Ер қанча кўп очилса, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шунча кўпаяди. Лекин айрим ҳолларда ўзлаштирилётган ерлар эътиборсизлик туфайли партов бўлиб қолмоқда. Бинобарин, кўл ёки чўлини бузиб, ўзлаштиривётганимиз лекин кўзланмақсодимизга эришолмаётганимиз: усидан ҳам, бунисидан ҳам фойдалана олмайсизми. Табиатнинг ноёб жонзотлари — ёввойи ҳай-

вонларнинг, балиқларнинг қонларини учун, яшаш учун табиий кўл, чўл ва яйловлар ҳам жуда зарур. Яна муҳими шундаки, аҳоли чорва молларини боқиш учун ҳам яйловлар керак. Кишилар етарли миқдорда ем-хашак жамғара олмайётганликлари, қўй-эчкилар учун яйловлар камайиб бораётганлиги сабабли чорва молларининг сони кескин ўсгурмаётгани. Болтиқбўйи республикаларида чорвачилик ривожланганлиги, чунки қишлоқлар атрофида яйловлар сақлаб қолганлиги ҳақида кўп айтишлар бор. Биз ҳам қардошларимизнинг тажрибасини кенг қўлланганимиз айти мудоадири. Зеро, Озбек-оқвот программасининг Бажарилишида табиатга оғли муносабатда бўлиш, унинг имкониётларидан оқилона фойдаланиш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Умурзоқ ЧОРИЕВ,
Қоракўл райони

Халоскор

Июнь ойининг ўрталари. Тоғ ёнбағирларида ўтлаб юрган қўй-қўзилар бирдан ҳурқиб, ўзларини ҳар томонга ура бошлашди. Подага қаққир оралаган эди. Милтиқни олишни унутган эдим. Ҳай-ҳайлаб подани айланиб ўтганимда, йирткич қўзилардан бирини «илиб» кетганди. Аламимга чидаб-май ер тепиндим. Шунда ажойиб воқеа содир бўлди. Қаёқдандир пайдо бўлган бургут кескин пастваб, қашиқнинг нақ пешонасини кўзлаб қўшоёқлаб тепди. Қашиқ бургут зарбидан силкиниб йиқилди. Қўзичоқ эса унинг чангалидан қочиб кутулди.

Омон қолган қўзичоқ бир ойча оқсаб юрди. Сўнг жароҳати битиб кетди. Кейинчалик ундан кўша-кўша кўзи олдик.

Марс сайёрасидаги қуриб қолган дарёлар олимларни ҳалигача тўлқинлантириб келаётир. Бу дарёларнинг суви қачон ва нега қуриб қолган? Агар сайёранинг ҳозиргидек бешафқат иклими гоҳо ўзгариб турган бўлса, нега кейинчалик бундай ўзгариш юз бермади? Бундай саволларга жавоб беришнинг муҳимлиги Марснинг ўтмишига аниқлик киритиш билангина белгиланмайди, шунингдек, балки Ер иқлимининг эволюциясига ҳам маълум аниқлик кирита олади.

Ленинградлик олимлар Марсдаги куруқ дарёларни янгича тушунтиришни таклиф этмоқдалар. Шуниси шондорлики, деб фараз қилишади улар, қачонлардир сайёрадаги бешафқат шароитнинг юмшашы вулқонларнинг ҳаракатга келишига имкон туғдирган.

Қачонлардир Марс устида кучли лава оқимлари оқиб ўтган, атмосферага эса, кўп миқдорда кул ва сув буғлари отилиб турган. Левапар совий бошлагач,

Урмон қоровули Ҳасанбой тоғ бургути боласини хонаки қўриб асради. Дастлаб уни темир қафасда боқди. Қочиб кетишидан ҳайиққан эди-да. Йўқ бургутлар ҳам бир кун туз қирган жойга қирқ кун салом беришаркан. Эгасига хиёнат қилмади. Эгаси уни қафасдан чиқариб юборганидан сўнг ҳам уй атрофидан, ҳовлисида нари кетмади. У оқшом тушиб, тун пардаси ёйилиши билан ўз «қошона»сига кириб тонг оттирарди. Бургут тонг отиши билан эгасининг елкасига қўниб, у билан бирга ўрмонни кезарди. Бургут ўрмонга ҳам бемалол кириб чиқарарди. Бир гал у телевизор устида қанотларини ёйиб, кўм-кўк кўзларини бақрайитириб турган

(аслида чиннидан ясалган) бургутни кўриб қолди. Биринки чўқилаб кўрди. «Бургут» қимир этмади. Қаттиқроқ силтаган эди, ичида нимадир шарақлаб кетди. Демак, унинг гўшларига шерик бўлаётган шу экан-да!

Шундан кейин бургутнинг қалбида ўз рақибига нисбатан адоват ҳисси пайдо бўлди шекилли, кунларнинг бирида ундан ўч олди. Уйда ҳеч ким қолмаганлигини пойлаб, рақибини ўғирлаб чиқиб кетди. Тоғлар устига олимб чиқиб, баланд қовлар устидан ташлаб юборди... Унинг ичида уй эгаси икки йилдан бери асраётган тангалар тубсиз дарага сочилиб кетди.

Исҳоқ НИШОНОВ

Марсда дарёлар бўлганми?

Ўздан олтингургурсимон газ ажратиб чиқарган, бу газ сув буғлари билан бирикчи, бутун сайёра устида олтингургурт кислотасининг заррачаларидан иборат булут қатламини ҳосил қилган. Бу тумани қатлам сайёрада парниксимон ғалати шароит яратган. Яъни у сайёрага қуёш радиациясини ўтказида ва шу билан бирга сайёра юзасини қизитган нурларнинг иссиқлигини ўздан ташқарига чиқармайди. Табиийки, бундай шароитда сайёра устки қатламнинг ҳарорати ошиб борган, унинг атмосферасида намлик миқдори кўпайган. Булутлардан ёққан ёмғирлар

ва қорлар сув оқимларига айланган. Марсдан олинган суратларда ўз аниқ аксини топган қуриган дарёлар ана ўша сув оқимларининг изларидир.

Вулқонлар тинчиб қолганидан кейин олтингургурт кислотасининг атмосферада туриб қолган аралашмаси аста-секин Марс юзасига ўтирган ва сайёра устини олтингургурт бирикмаси билан бойитган. Қизил сайёра тупроғи кимёвий составининг аниқланиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди: Марс сайёрасида ҳақиқатан ҳам олтингургурт кўп экан.

Маълумки, Ерда ҳам сайёрамиз шаклланаётган даврда вулқонларнинг актив ҳаракати натижасида сув пайдо бўлган. Айрим олимларнинг фаразларига кўра, Ердаги денгизлар ва океанларнинг пайдо бўлиши ҳам, юқорида айтилганидек, парниксимон шароитсиз юз бермаган.

К. КОНДРАТЬЕВ,
Н. МОСКАЛЕНКО,
С. ПАРШИН

Оролдаги ҳайкаллар сирини

Жанубий Америкадан 3 минг 800 километр ва Африка минтақасидан 2 минг километр узоқликда — Тинч океан қўршовида қолган Пасхи ороли аҳолисининг келиб чиқиш тарихи ҳозиргача муаммо бўлиб келмоқда.

Француз олими Жан Доссе ўзи кашф этган ва 1980 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган метод бўйича орол аҳолисининг оқ қон таначаларини текшириб, пасиликларнинг аجدодлари эрамингача бўлган 5 асрдаёқ мазкур оролни эгаллаганликларини ва улар бу ерга Полинезиядан келганларини аниқлади.

Пасхи ороли [майdonи 165 квадрат километр] голландиялик саёхатчи Якоб Ротгевен томонидан 1722 йил пасха куни кашф қилинган. Ана шу кун оролнининг номида ҳам акс этган.

Нақлларга қараганда, оролниинг дастлабки эгалари бу ерга эрамингача олдинги 450 йилда гашриф буюрганлар. Бундан ташқари, мазкур оролда узун қулоқли ва қалта қулоқли деб аталадиган қабилаларнинг яшаганликлари, қалта қулоқлилар кўрган ҳайкалларни 1280 йилда узун қулоқлилар бузиб ташлаганликлари ҳақида ҳам нақллар мавжуд.

Пасхи оролида одамсифат тош ҳайкаллар анчагина. Уларнинг кўзлари осмонга қараган. Шу босдан ҳам Полинезиянинг бошқа оролларида яшаётганлар Пасхи оролини «Мата Ки Те Папу», яъни «Осмонга тикилган ингоҳлар» ҳам деб аташади.

Оролдаги улкан ҳайкалларнинг бошлари қизил туф [гипс-симон материал]дан ясалган, қалпоқлари ҳам бор. Ҳайкаллар турли рангларга бўялган, ҳатто уларга тош либос ҳам кийгизилган.

Кейинги кашфиётлар орол аҳолисининг аждодлари монголд гуруҳга мансуб халқлар бўлганлигини кўрсатади. Улар эрамингача тўрт минг йил

илгари Хитойдан Янги Гвинеяга ва Нийога, Океаниянинг бошқа жойларига, жумладан, Полинезияга кўчиб ўтганлар.

Умуман, Пасхи оролида 600 та ҳайкал тикланган ва 244 та ибодатхона қурилган. Лекин охир-оқибатда дов-даратсиз бу орол аҳолини боқа олмай қолган. Аҳолининг сони 3 мингдан 10 минггагача, эҳтимол, 20 минггача ўсган деб тахмин қилинади. Бу ерда тир-чилик учун бошланган жанг одамхўрлик билан тууган. У ердаги аҳоли жадваллардаги «ронго-ронго» ёзувини ҳатто компьютерлар ёрдамида ҳам ўқиб бўлмаётир. Эҳтимол, мазкур ёзув маъносини изоҳлаш мумкин бўлганда, Пасхи ороли тарихининг ўша шафқатсиз



даврларига онд янги маълумотлар қўлга киритилар. Ҳозирча орол қабилаларининг ўзаро қонли жанги диспенси фокна билан 1680 йилда тугалланганлиги исботланган холос. Оролдаги улкан одамсифат ҳайкал тошлар ўша кўн-на давр ёдгорликларидир.



Республикамазининг сўлим тоғларида жойлашган пионер лагерларида эса кўплаб афғонистонлик болалар дам олдилар.

Е. Ботиров фотоси


СПАРТАКИАДА САБОҚЛАРИ

СССР халқлари VIII Спартакиада-сида бошқа спортчилар каби шахматчилар баҳсида ҳам ўзига яраша рекордлар ўрнатилди. Ўзбекистон спорт делегацияси ана шундай улкан анжуманда биринчи марта олдинги ўринга кўтарилди. Мусобақаларда қўтилмаган воқеалар юз берди: (7 эркак ва 2 аёл шахматчи) халқаро гроссмейстерлар бўлган РСФСР командаси биринчи марта финалга чиқа олмади. Атиги бир гроссмейстер етакчилигидаги Арманистон шахматчилари эса Спартакиада совринлари учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улар бунга тиришқоқлик, ҳамжиҳатлик туяфайли эришдилар. 1975 йилги Спартакиадада бизнинг шахматчиларимиз ҳам ана шундай фазилатлари билан ўзларидан анча устун коллективларни ортада қолдиришга муваффақ бўлган эдилар. Аммо бор имкониятларни ишга солиш, улардан умумли фойдаланиш учун шароит яратиш билан бир қаторда ташкилотчилик, мутасаддилик илмини ҳам пухтароқ эгаллаш лозим эди.

VIII Спартакиадада иштирок этган командалар орасида ўртача ёши кичик бўлганлар ўзбекистонликлар (24 ёш) бўлди. Бу шахматда ёш жиҳатдан яхши кўрсаткичдир.

Мусобақа низомига кўра, ҳар бир команда 6 эркак ва 2 хотин-қиз, жами 8 асосий ва битта запас (эрикак) ўйинчидан иборат эди. Бизнинг терма командамизда бир халқаро мастер, беш нафар СССР спорт мастери ва уч нафар мастерликка номзод қатнашди. Ўйинчиларимиз саралаш гуруппаларида қатнашган тўрт командадан кейин бешинчи ўринда эдилар. Бинобарин, командамиз иккинчи финалга чиқиб, 7—12 ўринлар учун курашиш ҳуқуқига эришиш, Қозогистон ва Литва командаларидан ҳеч бўлмаганда биттасини ортада қолдиришга интиildi. Биринчи финалга йўлланма берадиган икки ўринни гроссмейстерлардан ташкил топган Москва ва Ленинград командалари эгаллашгани аниқ эди. Бизнинг командамиз ҳам қўрғога кўра, кучлилар гуруппасига тушиб қолди. Баҳс қозогистонликлар билан бошланди. Беш сўятлик қизгин курашдан сўнг ҳисоб 2:3 ҳолида

матч бўлиниб қолган бўлса-да, кечиктирилган уч ўйиндан иккитасини ўз фойдамизга ҳал этиб, биттасини дуранг қилишимиз ва умумий ҳисобини 4,5:3,5 га етатишимиз лозим эди. Гроссмейстер Н. Рашковский ўйинни давом эттирмасданок Г. Аъзамов голиб келганигини тан олди. Чала қолган яна икки учрашувда эса...




Е. Владимиров — В. Логинов партияси ана шу вазиятга кечиктирилган эди. Шу ҳолатда Логинов (қоралар) қўли банд. Бунинг устига, оқлар кучсиз контроль юриши — 41. Сg5? (41. Фf8 яхшироқ) ёзиб қўйганлиги масалани тезда ҳал қилиши керак эди. Бироқ Логинов уйда қилинган таҳлилни унутиб қўйиб, 41... Кd3? ўйнади ва 42. Лf8 дан кейин дурангга рози бўлди. Бу ерда 42... Лg1+ 43. Кр: g1 Фe1+ 44. Крg2 Ф: f2+ 45. Крh3 Фf5+ (45... Фf1+ 46. Крh4!) 46. Крg2 (энди 46. Крh4? эмас, албатта, чунки бу ҳолда 46... Фg4 X) вариантни кўзда тутилди.

Ваҳоланки, 41. Сg5 контроль юришдан сўнг Логинов 41... Кg4! (41... Кd3 сунг ўринга) ўйнаб, галаба қозониши мумкин эди. Энди оқлар 42... Лg1+ 43. Кр: g1 Фe1+ 44. Крg2 Ф: f2+ 45. Крh3 Ф: h2X хавфидан омон-эсон қутилиб кета олмайдди. Бунинг ўзининг тахтада таҳлил қилиб қўйинг.

Чирқиқлик ёш мастерликка номзод М. Салтаев ҳам истеъдодли спорт

мастери Т. Аъзамов билан бўлган етти соатлик қийин олишувлардан сўнг ўйинни дуранг ҳолатга олиб келишга муваффақ бўлди. Оқлар (Аъзамов)нинг 61. Фa1—e1 юришдан кейин тахтада шундай вазият юзага келди.



Шу ҳолатда қораларни фақат битга юришга мағлуб этиши мумкин эди. Салтаев худди ўша юришни «топса» бўладими?!


61... Лa3? 62. Фg1+ Крh8 63. Фc5! Лa8 (63... a1Ф бўлса, 64. Фf8X. Қоралар ана шу юришни пайқамай қолди-да). 64. Фe5+ Крg8 65. Ch7+! Кр: h7 (65... Крf8 бўлса, 66. Фh8+) 66. Фe4+ Крg7 67. Ф: a8 ва яна 5—6 юришдан сўнг қоралар таслим бўлди. Шундай қилиб, икки ўйинда нақд бир очкони бой берган шахматчиларимиз Қозогистон командасини 4,5:3,5 ҳисобида енгиш ўрнига, аксинча, шу ҳисобда улардан енгилдилар. Литвалликлар билан ҳам худди шундай ҳисоб қайд этилди. Мусобақанинг учинчи куни командамиз Москва командаси билан беллашиб, 8 имкониятдан 3,5 очкони қўлга киритди. Саралаш мусобақаларининг кейинги икки турида ленинградликлар билан 3:5 ўйнаб, Тожикистон командасини 6:2 ҳисобида енгган шахматчиларимиз дастлабки вазифани удалладилар: тўртинчи ўринни эгаллаб, иккинчи финалга чиқдилар, литвалликлар эса доғда қолдилар. Ўзбекистон чемпиони мастерликка номзод Рашид Знеданиннинг москвалик гроссмейстер Сергей Долматов устидан эришган ажойиб галабаси аниқсиз катта шов-шувга сабаб бўлди.

7—12-ўринлар учун бўлган финал учрашувларда командамиз ўинчи ўринни эгаллади. Бу, имкониятларимиз даражасида бўлмаса-да, муваффақиятсизлик ҳам эмас эди. Командамизга энг кўп очко келтирган шах-



матчи Георгий Аъзамов бўлди. У беш гроссмейстердан тўрт, уч мастердан икки, жами 8 имкониятдан 6 очко жамғариб, командалар сардорлари баҳсининг голиби бўлди. Кейинги йилларда муттасил юқори натижаларга эришган ва республикамиз шахматчилари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини олишга эришган Г. Аъзамов Москвада Н. Рашковский, М. Тайманов, Л. Полугаевскийни мағлуб этиб, А. Юсупов ва В. Купрейчик билан дурангга эришди.

Унинг партияларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Бу вазият Л. Полугаевский — Г. Аъзамов учрашувда, оқларнинг 26. Ka2—c1 юришдан сўнг содир бўлган эди.

26... Сc2! 27. Фd2 Сc3! 28. Кd3. Агар 28. Фf4 бўлса, 28... Ле4! 29. Фf3 Кg5! ва оқ фарзин — «вазир» жанг майдонининг ўртасида «асир» тушади».

28... С: d2 29. К: b2 Л: e2 30. Кd4 Сc3 31. К: e2 С: b2. Натижада қоралар моддий устунликка эришди.

32. Кf4 a5! 33. Ле1 a4 34. Ле8+ Крg7 35. Ке6+ Крf6 36. f4! a3! 37. Ch4+ Крf5 38. Cf2 a2! 39. Кd4+ С: d4 40. С: d4 Кр: f4! 41. Крf2! 41. Крf2! 41. Крf2! Оқлар таслим бўлди.

Мамажон МУХИДДИНОВ, ўзбекистон ССР Шахмат федерацияси раисининг ўринбосари, СССР спорт мастери.

10-сондаги шахмат масалалари жавоби

№ 1. 1. f8 Otl! Агар қоралар 2. Кg6x ҳужумидан ўзларини ҳимоя қилишга уриниб кўрсалар ҳам барибир, оқлар иккинчи юришдаёқ қораларга мот эълон қилади. 1... Се8 2. Ке6; 1... Л: d1 2. Лc5x. Нера оқлар биринчи юришдаёқ ўз пивдасини фарзинга айлантира олмаганлигига эътибор беринг. Бу ҳолда қоралар икки юришда мот бўлиш хавфидан ўзини филнинг ягона юриши билан сақлаб қолди. 1.f8. Фарзин.

Бундай ҳолатда икки юришда мот қилиб бўлмайди. № 2. Ле4! Оқ рух биринчи юришдаёқ қора рух f4 ва филнинг f3 муҳим катакдан юришга йўл қўймайди. Шу мусобабат билан иккинчи юришнинг ўздаёқ мот хавфи туғилади: 2. Л: c4 ва 2. Кd5x. Қоралар оқ руҳини енгилга ҳар қанча уринмасинлар, барибир мот қилиш ниятида сурилган икки руҳнинг бири бой берилиб, уларга қарши мот эълон этилади. Қораларнинг икки ҳолатда ҳам мот бўлишдан фақат битта ҳимоя йўли бор — 1... Ке3. Аммо шунда ҳам оқлар бошқа йўл билан мот эълон қиладилар: 2. Л: e3x. № 3. 1. Лg1! хавфи

билан 2. Лg4x. Бу хавфдан ўзларини ҳимоя қилишга уринган қоралар доналарини бирлаштирадилар ва натижада оқларга қарши мот эълон қилади: 1... С: f3 2. Ке2x ва 1... Л: f3 2. Се3X. Қораларнинг икки юришдаёқ мот бўлиш хавфини оқларга қарши эълон қилинган шох ҳам бартараф этолмайди: 1... Лd6+ 2. Сd6x. Нера оқлар 1. Лg1! ўринга биринчи юришда 1. Лg2! га қарши юриш қила олмаганликларига диққат билан эътибор беринг. № 4. 1. Фd3! Фарзиннинг душман доналарининг олти юришга қарши мардонвор жанг қўилганлигига қойил қолмасиз. Оқлар муҳим катакда қораларнинг филни — c2 ва руҳининг d1 юришини чеклаб қўйдилар. Бундай ҳолатда мот бўлиш учун икки хавф туғилади: 2. Кd5x ва 2. Ле4X. Бу хавфини бартараф этишнинг иложи бўлмагани сабабли иккинчи юришда қоралар таслим бўлади.

И. БИРБАҒЕР, шахмат ва шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери



Бегуноҳ мусича

Оқилжон ҲУСАНОВ

Мусичани мўминтой дерлар,
Чиндан ҳам у роса беозор,
Аммо шундай беозорликдан
Одам кўнгли бўлади беозор.
Жуда ожиз, ношуд, ноудда...
Ошён кўрар ўн-ўн беш чўпдан,
Шамол туриб ҳуда-беҳуда —
(Кузатаман мен уни кўпдан)
Тухумларин — бўлажак наслин
Ерга тўкар, парчинлар ногоҳ.
Мўлтирашиб боқар баланддан,
Ота-она бўлса ҳам огоҳ...
Ошиқларнинг «ку-суғи» тагин
Эртасига таралар ҳар ён.
Оғиз-бурун ўпишиб тинмай,
Қура бошлар қайтадан ошён...
«Мусичаи Бегуноҳ» дерлар,
Тўғримикиан бундай башорат?
Сиртдан боқсанг гуноҳ йўқ зарра,
Тутиб эмас бирор ҳашорат.

Турар доим елкасин қисиб,
Хуш кўради увоқ нон, донни,
Аммо кетсанг кўздан сал нари
Булғаб кетар у дастурхонни...
«Жуда иржит куш», дейман шунда,
«Айби кўп», деб ўйлайман бўзан.
Ғоҳ кўмирга ботган туркини
Кўришга ҳам қиламан ҳазар.
Чўмилганим ўчоқ қулида,
Е у ўзи шунақа ғалат!
Билмам, лекин бу иржит турмуш,
Бу мўминлик эмас фазилат...
Ана «беайб» икки мусича
Ток остида «ўпишар» ҳамон.
Пусиб ётган бароқвой шу пайт
Ўқдай учди уларга томон...
«Мушукка ем бўлди,— деб,— охир»,
Мусичадан, маъли, кулмайлик.
Бироқ биз ҳам ҳазар қилгулик —
Мусичадек «мўмин» бўлмайлик!

Хира пашша

ТУЛҚИН

Нега сен уйингдан қувайсан мени?
Менинг ҳам жоним бор ва
ҳадишаман.
Ҳар бир дақиқада йўқлайман сени,
Ярашиқ номим бор, хира пашшаман.

Илк тонгда кипригинг узра ғувиллаб
Ғашингни кўзгаган ўзим — ўшаман.
Кир ўра бағридан келдим физиллаб,
Сени ўлмоқ учун шошган пашшаман.

Ишим кўп, биласан, бу уйдан чиқиб,
Барча тўсиқлардан ўтиб ошаман.

Чивин-пивинингни кетгумдир йиқиб,
Ахир, мен эшакни минган пашшаман.

Сасиган кўлмакдан чайқаб олиб лаб,
Яна ҳузуринга чағиб шошаман.
Сўнг сенинг хонангда бир кеча
тунаб,
Тонгда гингилловчи хира пашшаман.

Филнинг елкасида чордона қурган
Дўстлар даврасида яша, яшаман!
Даври-давронини, айшини сурган
Мен хира пашшаман, хира
пашшаман!!

Деразаси кўчага қараган кабинет.
Қўлдош бетоқат, қариянинг шикоятига
қулоқ солаёбди. Бир пайт тез ўр-
нидан туриб, деразадан кўчага қар-
айди.

ҚўЛДОШ. Қулогим сизда, гапи-
раверинг, отахон.

ҚАРИЯ. Ана шу справка йўқоли-
б қогани учун...

ҚўЛДОШ. [Қариянинг гапини
бўлиб, кўчага бақиради.]

Ҳой, шумтака, қоч машинадан, қоч
деяпман сенга! Калтак ейсан, бола!
[қарияга ўғририлиб.] Бу хулганларни
нима қилиш керак экан, а? Нуқул ма-
шина атрофида ўйнашади. «Бир жо-
йига чишиб кетмас», деб жоним ҳа-
лак. Анув кунни десангиз биттаси ма-
шинамга: «Машина сотилади», деб
ёзиб кетибди. Қаранг, машина биз-
никои у бойвачча сотар эмишлар!
[Тикка турган ҳолда, кўзи деразада.]
Гапиринг, отахон.

ҚАРИЯ. Ана шу справка йўқолиб
қогани учун, пенса...

ҚўЛДОШ. [Кўчага қараб бақи-
ради.] Ҳой, бифаросат, нари торт ара-
вангни, машинани эзасан. Нима, бош-
қа жой қуриб қолганми? [Қарияга
ўғририлиб.] Худди карвонсароёга кир-
гандай бемалол қиради-я. Узи одам-
ларда виждон қолмабди. Гапиринг,
отахон.

ДУМИ ХУРЖУНДА

КИЧИК ҲАЖВИЯ

Чет тиллар институтига ўқишга
кирган Соливой бир йил ўтар-ўтмас
бўёқчининг хумига тушгандек ўзгар-
ди-қолди. Сочини елкасигача ўстир-
ди, соқоли билан тутатиб кетган та-
қа мўйлов қўйди. «Импорт» блузка,
фил терисидай тақир, ямоқли жинси
шим кийди. Юриш-туриши, гап-муо-
маласи, ҳатто исми ҳам ўзгарди.
Ферма мудирининг ўғли Соли, Артур
бўлиб қолди.

Артур ўқишни битирадиган йили
курсидоғи Беатрича (асли исми Бека-
жон) деган қизни «севиб қолгани»,
агар ота-онаси рози бўлса, унга уй-
ланмоқчи эканини билдириб, уйга ҳат

ёзди. Отасидан: «Ўғлим, келинин
олиб кел, аввал кўрайлик», мазмуни-
да хат олгач, Артур қайлигини қиш-
лоққа бошлаб келди. Ота цирк мас-
харабозига ўхшаб кетадиган қизга
ҳайрат билан қаради-да, ўғлига ўғи-
рилди:

— Бу, дейман, мулла Соливой,
келинини сочи жўқ-қу!

Беатрича шошиб сумкасидан би-
лақдай йўғон, икки ўрим сочи олди:

— Дадажон, сочим сумкада, ман!

Ота заҳархандалик билан кулди:

— Ия, ҳали думи хуржунда, денг?
Баракалла, баракалла!

ИККИР-ФИКРЛАР

«Сигирнинг боласи, қўйнинг бола-
си, товўқнинг боласи» десам,
райОНОдан келган инспектор кулди.
Мен ўзбек тилини билмас эмишман.

[Тил-адабиёт ўқитувчисининг
шикоятидан]

«Хотиним ичаверганингиз билан
шохингиз чиқади деган эди, пешо-
намдаги гуррани кўрсатиб: «Бу шох
бўлмаса нима» деб уялтирдим.

[Ичкиликвознинг гапидан]
Абдулла ҚОЗОҚ

ХАНДАЛАР

Ота ўғлидан сўради:
— Ўғлим, энг яхши кўрган нар-
санг нима?

— Йиғлаш.
— Ия, нега энди!

— Чунки, мен йиғласам, оимлар
юпатиш учун конфет берадилар-да.

Она ўғлидан сўради:
— Бу ҳандалақларни қаердан ол-
динг!

— Холдорали амакиминикидан.
— Буларни олганингни Холдорали
амакинг биладиларми!

— Ҳа, биладилар. Улар мени уй-
мизгача қуллаб келдилар-ку.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ

— Соф фойда нималигини била-
санми!— деб сўради газ сув пиво-
дан.

— Мен айтақолай,— деди пиво
устидоғи кўпик чайқалиб.

— Узи ҳақиқат борми!— деб шок-
чин солди қалам.

— Бор,— деди ўчирғич жилмайиб.
Азизжон БУЗУРИКОВ



Айрим ота-оналар ўз фарзандларини гоёта
такаббур, тантиқ қилиб ўстирадилар.

— Жаннаҳон, холанг билан сўрашмайсанми!
— «Хола» дегани нима ўзи, ойи!
А. ХОЛИҚОВ чизган расм

ССР Фанлар академияси ширин Шарқшўнослик институти, Тожикистон ССР Фанлар академияси ҳамда Давлат Эрмитажи ҳамкорлигида тузган экспедиция айна пайтда Қабодийн воҳасидаги қадимий Тахтисангин шаҳарасида иш олиб бо- раётир.

...1877 йили Бухоро амир- лигининг Қабодийн воҳасида деҳқонлар тилла буюмлар дафинасини топиб олади- лар. Тангалар ва чиройли ишланган безаклар улар ясалган даврдга юсак ма- даниятдан далолат беради. Бу дафина савдогарлар ор- қали ҳиндистонлик заргар- лар қўлига ўтади, унинг заргарлар эритиб улгурма- ган қисми Британия музейи- га тушади. Бу буюмлар «Окс хазинаси» («Окс» Аму- дарёнинг қадимий номи) ибораси билан машҳур бў- лади ва Парфенон пештоқ- лари билан ёнма-ён қўй- лади.

Кейинроқ Роксананинг исми ёзилган узук мутахас- сислар эътиборини ўзига тортади. Маълумки, қадим- ий тарихчиларнинг гувоҳ- лик беришларича, Искандар

ТАРИХИЙ ДАФИНАЛАР

Зулқарнайн ўзининг Шарққа юриши йилларида — бир зиёфатда Роксана исмли қизни қаттиқ севиб қолади ва дўстларининг қаршилиги- га қарамасдан унга уйлана- ди. Хўш, узукка номи ёзил- ган қиз ўшамикан! Тўғри, қадимги бақтрияликларда Роксана исмли аёллар кўп бўлган. Лекин бунақа қим- матбаҳо узук ўша даврлар- да фақат сарой кишиларида бўлиши мумкин эди-да!.. Хуллас, бу савол кўп йилга- ча жумбоқлигича қола- верди.

...1976 йили Тожикистон ССРининг Қабодийн райони- да ишлаётган археологлар дастлабки кунлардаёқ яна бир дафинага дуч келди- лар. Салкам ярим метрли улкан ғишлардан кўтарил- ган девор ўзининг милод- дан аввал қурилганлигини билдириб турарди. Бироқ ҳовлининг деворини, ҳам- номининг деворини — бил- иб бўлмади... Аслида дафина- ни ҳеч кўтилмаган жойда, қандайдир иккинчи даража-

ли бинодан топган эдилар. Балки ўша пайтда хазина тўлиб кетганидан кейин баъзи буюмлар бошқа ёр- дамчи хонага ҳам жойлаш- тирилгандир. Шу тўфайли йигирма икки метрли кор- дорга жойлаштирилган 5 мингта нодир буюмлар биз- гага етиб келгандир. Буюм- лар хилма-хил ва ҳар хил нарсалардан — тилладан, алебастрдан, Урта Осиёда унча урф бўлмаган фил суягидан ясалган эди.

Яқинда эса, археологлар- нимиз Тахтисангинда яна бир дафинани [ҳисоб бўй- ча учинчи дафина] топиб олдилар. Бу дафина ҳам коридорга жойлашган эди. Экспедиция раҳбари, Тожи- кистон ССР Фанлар акаде- миясининг муҳбир аъзоси Б. А. Литвинский бу ҳақда шундай деди:

— Археологияда топи- лган топиқмалар жуда секин, йиллар ўтиши билан «тяга- кирати». Лекин сўнгги тўрт йил давомида топиқган нар- салар бугунги кашфиёти-

мизининг аҳамиятини баҳо- лашга имкон беради. «Ат- расокдан Окс кўрғонига туҳфа» деб ёзилган тош меҳроб топиқганидан кейин «Амударё хазинаси»га ҳам қалиб топиқилганга ўхшаб қол- ди. Шу орқали дафинадаги кўп нарсаларнинг нималиги равшанлашгани ажаб эмас.

Археологларимизга бун- чалик ҳақиқат кўрсатган Атрасокнинг қиллигини фан ҳеч қачон билолмаслиги мумкин. Аммо эллилар- нинг дарё худоси билан боғлиқ шарқ дарёсига ба- гишланган меҳробда бақ- трияликнинг номи юнон ҳарфлари билан ёзилган. Бу нарсга учта дафинадан чиққан буюмларнинг шарқ ва антик аъёналар синтези тўфайли яратилганлигини билдиради. Мана, фотога- фиядаги ҳайкалчининг юзи- га боқинг-а. Унинг Искан- дар Зулқарнайн эканлиги исботланган. Унда элли- ларга хос ўқтамлик ва шар- қона сирлилик асқ этган.

Хўш, Искандар Зулқар- найн Тахтисангинда бўлган- ми! Бунга ҳали далил то- пиқилган йўқ. Бизнингча, ма- на шу — қазув ишлари олиб



борилаётган кўрғон қадим- ги жаҳонгирнинг ўлиминдан кейин қурилган ва салтанати беш юз йилга чўзилган. Бу кўрғон шуниси билан бизга қимматлики, у ўзида юнон ва бақтрия маданиятларини бир-бирига уйғунлаштирган. Ана шу уйғунлашув тинсо- лида, бамисоли Искандар билан Роксананинг афсона- вий яқинлиги сингари, Шарқ ва Ғарбининг бирлашуви ўз ифодасини топгандир.

«А» ҲАРФЛИК «ЁКИ» ЧАЙНВОРДИ

Мазкур чайнворд «А» ҳарфи билан бошланиб, «А» ҳарфи билан тугаллана- диган сўзлар асосида тузилган. Унинг ҳар бир талфиб номери бўйича иккита асўз таърифи келтирилади.

1. Нигериянинг жанубидаги шаҳар ёки оилада катта ўғилнинг бошқа фар- зандалар томонидан аталishi. 2. Оналар қўшиги ёки дон ўсимлиги. 3. Илтимосно- ма ёки набира фарзандининг бобога қариндошлиги. 4. Тарихий крейсер ёки қомусий билим соҳиби. 5. Винтли спорт самолёти ёки радио тўлқинларини қабул қилувчи қурилма. 6. Жамбул шаҳрининг эски номи ёки қорда юрадиган авто- мобиль. 7. Озиқ-овқат ва саноат молларини ташиш, сотиш учун мўлжалланган автомобиль ёки саҳнанинг олд қисми. 8. Музейнинг ўзбекча маъноси ёки фан- нинг бир тури. 9. Океан ёки Жанубий Америкадаги давлат. 10. Темир-бетон қоршмасида ишлатиладиган металл ёки турли моддаларнинг ўзаро бирикмаси. 11. Айблов ҳукми ёки исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. 12. От-улов абзалари- нинг металл қисмлари ёки пойабзал ва кийим-кечак тикишда қўлланиладиган ўлчагич. 13. Юнон алифбосининг биринчи ҳарфи ёки Муқимийнинг сатирик шеъри. 14. Яшил дарахт ёки дуррадгорлик асбоби. 15. Мотам маросими ёки Иттифоқдош республикалардан бирида чиқадиган ҳажвий журнал.

Тузувчи: Фаёз ҒАҒУРОВ

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси- нинг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, академик Обид СОДИҚОВ. (Жур- налимизнинг 11-бетида берилган «Фанимиз дарғаси» ма- қоласини ўқинг).

Н. Шарипов фотоси


Иккинчи бет: В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон ме- таллургия комбинатининг коллективи ўн биринчи беш йил- ликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йили сифатида ни- шонамоқда.

Суратларда: коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари, мартен цехининг пўлат эритувчилари Анвар Иброҳимов, Александр Жаботин, Александр Бенденко, Файзулла Нурид- динов; тажрибали металлурглардан Александр Бенденко (ўнгда) ва унинг шоғирди — ёш пўлат эритувчи Игорь Зотов. Р. Нуриддинов фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газетла- ри, «Наука и жизнь» журналы материалларидан фойдаланилди.



Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Қомил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўрин- босари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художест- венный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке]

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; иктомий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 14.09.83 й. Босишга рухсат этилди 19.10.83 й. Р — 02222. Қоғоз 70 × 108¹/₂. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 245010. Буюртма № 1909. Нашр Б — 119.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Бай- роқ ордени босмахонаси, 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.




Қорақалпоғистон АССРдаги Бодойтўқай қўриқхонасида кўплаб густовуқ, қуён, қобон сингари ҳайвонлар асралмоқда.

Суратда: қўриқхонадаги бухори зот архарлар.


Худойберган Холмуродов қўриқхона ташкил топган кундан бошлаб ишлаб келмоқда.

А. Крестьянинов фотолари
(ЎзТАГ фотохроникаси)



Қорақалпоғистон АССРдаги «Рассвет» ихтисослашган совхозида туялар сони йил сайин кўпаймоқда.

А. Крестьянинов фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)





Сурхондарё область, Шеробод район Нуриддин Муродов номидаги 8-совхознинг илғор сут соғувчиси, район Совети депутати Саодат Умаралиева.

ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.

ГУЗАЛ ҚИЗ.

В. Лешченко фотолари